

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**«СТРАТЕГИК МУҲИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРИ»
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**“СТРАТЕГИК МУҲИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ – 2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **А.Т.Рұзибоев** - Тошкент кимё-технология институти, ООМТ кафедраси мудири, т.ф.н., доцент;
Г.З. Джахангирова - Тошкент кимё- технология институти ООМТ кафедраси доценти, т.ф.ф.д.(PhD):

Хорижий эксперт: **А.А.Бектураганова** – ассоц. Профессор кафедры «Технология и стандартизация», АО «Казахский университет технологии и бизнеса»

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент кимё-технология институти Кенгашининг 2020 йил 30-декабрдаги 4-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|------------|
| I. ИШЧИ ДАСТУР..... | 5 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 15 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР | 24 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ..... | 141 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 171 |
| VI. ГЛОССАРИЙ..... | 173 |
| VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 179 |
| VIII. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ..... | 182 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди. Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш,

масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Ушбу **“Стратегик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари”** фандастурида, асосий эътибор ёғ, мой, дон, ун, ёрма, омихта ем, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари, ноанъанавий хом ашёларга ишлов бериш технологияси, оралиқ маҳсулотларга ишлов бериш технологияси ҳамда тайёр маҳсулотлар сифатини назорат қилишга қаратилган.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

“Стратегик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, фаннинг вазифалари, уларнинг замонавий ҳолати истиқболлари ва муаммолар, ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича мавжуд билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

“Стратегик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари” модулининг вазифалари:

-ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;

-тингловчиларда модулли-кредит тизими, **case study (кейс стади)лардан** самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

-тингловчиларда **“Стратегик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари”** фанини ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий таълим

технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир лаёқатларини ривожлантириш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Стратегик мухим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- озиқ-овқат соҳасида олиб борилаётган долзарб тадқиқотлар, яратилаётган инновацион технологиялар ва инновацияларни;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида кўлланилаётган замонавий инновацион технологияларни;
- инновацион технологияларда қўлланиладиган материаллар, ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологияларни;
- материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини, уларнинг синтез қилиш асосларини;
- инновацион технологияларни қўллашда технологик жараёнларни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш шарт-шароитларини;
- инновацион технологияларнинг амалда қўлланилишини ва ўзига хос томонларини;
- ун, ёрма, омихта-ем, нон, макарон, қандолат, ёғ-мой ва шу каби озиқ-овқат маҳсулотларининг халқ хўжалигидаги аҳамиятини;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сифатини аниқлашда замонавий таҳлил қилиш усулларини танлашни, уларни жорий қилишда техника хавфсизлиги қоидаларини **билиши керак**.

Тингловчи:

- зарур сифатдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тадбиқ

қилинаётган инновацион технологияларнинг режимларини ростлаш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари технологиясида моделлаштириш;
- муайян турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун технологик жараённинг зарур технологик параметрларни танлаш;
- инновацион технологияларнинг афзаллик ва камчилик томонларини фарқлаш;
- инновацион технологияларни тадбиқ қилишда амалдаги ускуна ва жиҳозларнинг имкониятларидан фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг нуқсонлари, касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси соҳаси бўйича тингловчиларни изланиш ҳамда ижодий фаолиятига жалб этиш;
- замонавий инновацион технологияларнинг имкониятларини намойиш қилиш тамоилларини ажратиб кўрсата олиш;
- технологик операцияларнинг инновацион технология жараёнларидаги ўрнини ва уларнинг тавсифларини фарқлаш;
- инновацион технологияларнинг афзаллик ва камчиликларини кўрсатиб бериш;
- фан соҳасида корхоналардаги тажриба-изланиш ишларида инновацион технологияларнинг тадбиқ этилганлик даражасини аниqlаш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга мурожаат қилишда инновацион технологияларга оид маълумотларни тўғри кўрсатиб бера олиш каби **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Стратегик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари” курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Стратегик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари” модули озиқ-овқат соҳаси мутахассислари учун асосий фанлардан бири ҳисобланади. Ушбу модул “Озиқ-овқат кимёси”, “Озиқ-овқат хавфсизлиги”, “Виношунослик ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологиялари”, “Озиқ-овқат маҳсулотларнинг замонавий таҳлил усуллари” модуллари билан чамбарчас боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Стратегик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари” модули қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Озиқ-овқат технологияси” мутахассислиги бўйича маҳсус модуллардан дарс берувчи профессор ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу модул Олий таълим муассасаларида талаба ва педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларини олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўкув юкламаси, соат | | | |
|-------------|--|--|--------------------------------|-------------------------|------------------------|
| | | Жами | Аудитория ўкув юкламаси | Назарий машғулот | Амалий машғулот |
| 1. | Ун, ёрма ва омихта ем ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари. <i>Бугдой дони клейковинасини аниқлаш. Бугдой унида тушиши сонини аниқлаш.</i> | 6 | 2 | 4 | 2 |
| 2. | Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари. <i>Ноннинг «картофел таёқчалари» билан касалланганлигини аниқлаш. Макарон ва унли қандолат маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини аниқлашининг замонавий усуллари.</i> | 8 | 2 | 4 | 2 |
| 3. | Ўсимлик мойлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар <i>Пахта чигитидан форпресслаш-экстракциялаш усулида мой олишининг моддий ҳисоби Мойли уруғларнинг мойлилигини аниқлаш</i> | 6 | 2 | 4 | |
| 4. | Ўсимлик мойларини қайта ишлашда инновацион технологиялар <i>Ёз ва мойларни намунавий рафинациялаш Ёзларни гидрогенлашда моддий ҳисоблар Совуннинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиши усуллари</i> | 8 | 2 | 4 | |
| Жами | | 28 | 8 | 16 | 4 |

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАРМАЗМУНИ

1 – мавзу: Ун, ёрма ва омихта ем ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Ун ишлаб чиқариш саноатида чет эл ва маҳаллий олимлар томонидан эришилган ютуқлар асосида инновацион янгиликларнинг киритилиши. Оддий ва мураккаб усулларда ун ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари ҳамда шу соҳадаги илғор технологиларни тадбиқ этилиши ютуқлари. Ўзбекистонда ёрма саноатининг инновацион ривожланиши. Ёрма саноатида фойдаланиладиган ёрмабоп донлар, уларнинг технологик сифатлари. Ёрма корхоналарида хом-ашё сифатида ишлатиладиган донларнинг технологик баҳолаш. Унумдорлиги юқори бўлмаган ёрма цехида бир неча хил ёрмабоп донларни қайта ишлаш жараёнининг технологик чизмаларини алмаштиришнинг универсал усуллари. Омихта ем ишлаб чиқаришнинг замонавий инновацион технологияси. Омихта ем ишлаб чиқариш саноатида чет эл ва маҳаллий олимлар томонидан эришилган ютуқлар асосида инновацион янгиликларнинг киритилиши. Ем ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари ҳамда шу соҳадаги илғор технологиларни тадбиқ этилиши ютуқлари. Омихта ем ишлаб чиқаришда донли компонентларни экструдерлаш (зичлаш) бўйича технологик кўрсатмалар. Донли хом – ашёга маҳсус ишлов беришнинг 2 маротабали гранулалаш усули билан олиб бориш технологияси.

2–мавзу: Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Ўзбекистонда новвойчиликнинг ривожланиш тарихи. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик схемаси. Нон маҳсулотлари чиқаришнинг замонавий инновацион технологияси. Ноннинг озукавий қиймати ва уни ошириш йўллари. Нондаги минерал моддаларининг инсон озиқасидаги аҳамияти. Ноннинг минерал қийматини ошириш йўллари.

Республикамида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривожланиш тарихи. Ўзбекистонда қандолатчиликнинг ривожланиши. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий инновацион технологияси. Унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий инновацион технологияси.

3-мавзу: Ўсимлик мойлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар.

Ёғ а мойлар ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган мойли хом ашёлар, уларнинг турлари. Ўсимлик мойларини олиш технологиялари ва усуллари. Мойли хом ашёларни мой олишга тайёрлаш босқилари. Ўсимлик мойлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион технологиялари. Пресслаш усули билан мой олиш. Экстракция усули билан мой олиш.

4-мавзу: Ўсимлик мойларини қайта ишлашда инновацион технологиялар.

Ёғларни ҳамроҳ моддалари. Ёғларни рафинациялаш. Ёғларни модификациялаш. Маргарин ва майонез ишлаб чиқариш. Ёғларни гидролизлаш технологиялари. Глицерин ва ёғ кислота олиш усуллари. Глицерин олишнинг замонавий технологиялари. Совун ва унинг хоссалари. Совун асосини тайёрлаш усуллари. Совун асосига ишлов беришнинг замонавий технологиялари. Ўсимлик мойларини қайта ишланинг замонавий ва инновацион технологиялари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот

Бугдой дони клейковинасини аниқлаш

Буғдой дони таркибидаги клейковинани миқдори ва сифати ҳақида хulosा чиқариш ва аниқлашни ўрганиш.

2-амалий машғулот

Бугдой унида тушиши сонини аниқлаш

Буғдой унида тушиш сонини Швециянинг Perten Instrumens фирмаси томнидан ишлаб чиқарилган Falling Number асбобида аниқлашни ва сифати ҳақида хulosा чиқариш ўрганиш.

3-амалий машғулот

Ноннинг «картофел таёқчалари» билан касалланганлигини аниқлаш.

Ноннинг «картофел таёқчалари» билан касалланганлигини аниқлаш ўрганиш.

4-амалий машғулот

Макарон ва унли қандолат маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг замонавий усуллари

Макарон ва унли қандолат маҳсулотларини бўкувчанлик ва нордонлик каби кўрсаткичларини аниқлашнинг замонавий усулларини ўрганиш.

5-амалий машғулот

Пахта чигитидан форпресслаш-экстракциялаш усулида мой олишининг моддий ҳисоби

Пахта чигитидан мой ва иккиламчи маҳсулотларни чиқишини моддий ҳисобини юритишни ўрганиш.

6-амалий машғулот

Мойли уруғларнинг мойлилигини аниқлаш

Мойли уруғлар таркибидаги мой микдорини Нааб ва Сокслет аппаратларида экстракциялаш усули билан аниқлашни ўрганиш.

7-амалий машғулот

Ёз ва мойларни намунавий рафинациялаш

Ўсилик мойларини лаборатория шароитида наъмунавий рафинациялаш ва мойнинг чиқиши унумини аниқлашни ўргатиш. Ишқор микдорини ҳисоблашни ўргатиш.

8-амалий машғулот

Ёзларни гидрогенлашда моддий ҳисоблар

Озиқа ва техник саломас ишлаб чиқаришда хом ашё в материаллар сарфини ва маҳсулот чиқишини ҳисобини юритишни ўрганиш.

9-амалий машғулот

Совуннинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари

Совуннинг сифат сони, ёғ кислоталар микдори ва ювиш

хусусиятларини таҳлил қилиш усулларини ўрганиш.

КҮЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Күчма машғулот озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган инновацион технологияларни қўллаб фаолият юритаётган корхоналарига ташкиллаштирилади.

1-кўчма машғулот

“Тошкент нон” нон ишлаб чиқарувчилар уюшмасига қарашли нонвойхоналарда кўчма машғулот ўтиш.

“Ўздонмаҳсулот” АҚ га қарашли корхоналарда кўчма машғулот ўтиш.

“Ўзёфмойсаноат” уюшмасига қарашли корхоналарда кўчма машғулот ўтиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- мини-маърузалар ва сухбатлар (диққатни жалб қилишни ўрганишини шакллантиради, маълумотларни қабул қилиш, қизиқувчанликни оширади);
- дидактив ва ролли ўйинлар, давра сухбати;
- баҳс ва мунозаралар (аргумент ва исботларни келтириш шунингдек эшитиш ва тинглаш қобилиятларини ривожлантиради);
- тренинг элементлари (позитив муносабатларни ва емоционал кўнгилчанликни ривожлантиради).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кластер” методи

“Кластер” методи ўрганган мавзу бўйича ўзлаштирилган материалларни умумлаштириш, тушунчалар ўртасидаги алоқадорликларни ўрнатиш, олинган билимларни хотирада узоқ вақт давомида сақлаш имкониятини беради. Бу метод ёрдамида фан бўйича ўзлаштирилган билимлар бир тизим сифатида шаклланади, нарса, ходиса ва жараёнлар ўртасидаги алоқадорликлар аниқланади, таълим олувчиларнинг қизиқишилари ортади, янги ғоялар вужудга келади.

“Кластер” методидан озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологиясига оид тушунчалар, қонуниятлар, микробиологик жараёнлар, озиқа материаллари, маҳсулот турлари ва технологик жараёнларнинг моҳиятини очиш ва уларни тоифалаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчи томонидан тайёр ҳолда тақдим этилган “Кластер” тингловчиларга мавзу бўйича янги маълумотларни осон тарзда ўзлаштирилиши учун ёрдам беради, катта хажмдаги маълумотларни боғлам тарзida ихчамлаштирилган ҳолда намойиш этиш имкониятини яратади.

“Кластер” методи тингловчиларни мавзуга тааллукли тушунча ва аниқ фикрларни эркин ва очиқ узвий боғланган кетма-кетликда тармоқлашга ўргатади.

Намуна: “Спирт хом-ашёси” сўзига тузилган “Кластер”



“Синквейн” методи

“Синквейн” методи ўқув материали бўйича мустақил фикр юритишга иборалар тақрор ишлатилмаса, тингловчиларнинг фикрлаш доираси янада кенгаяди.

“Синквейн” методидан фойдаланиш нисбатан қулайдир. Чунки у тайёргарлик кўриш ва ижро учун ҳам кўп вақтни талаб этмайди. Ушбу методни якка тартибда ва жамоавий тарзда бажариш ҳам яхши натижаларга олиб келади. Шу сабаб, ушбу методдан барча турдаги машғулотларда фойдаланиш мумкин.

“Синквейн” методи ёрдамида озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тушунчалар, коидалар, жараёнлар, технологик ечимлар, маҳсулот турлари, технологик параметрлар, ускуна ва жихозларнинг мазмунига чуқур кириб бориш, уларнинг моҳиятини очиш, пухта ва мукаммал ўзлаштириш, бир қатор жиҳатларини аниклаш, уларга ҳар томонлама таъриф бериш мақсадида фойдаланиш мумкин, у талабаларда мустақил фикр юритиш қўнималарини шаклланишига олиб келади. “Синквейн” методини қўллаш технологияси бир обьект бўйича кўп сонли “Синквейн” намуналарини тузиш учун имконият яратади, уларда сўз ва иборалар тақрор ишлатилмаса, талабаларнинг фикрлаш доираси янада кенгаяди. “Синквейн” методидан фойдаланиш нисбатан қулайдир. Чунки у тайёргарлик кўриш ва ижро учун ҳам кўп вақтни талаб этмайди. Ушбу методни якка тартибда ва жамоавий тарзда бажариш ҳам яхши натижаларга олиб келади. Шу сабаб, ушбу методдан барча турдаги машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Намуна: “Бактериялар” сўзига тузилган “Синквейн”

1. Бактериялар

2. Шарсимон, таёқчасимон ва буралган формали

3. Бўлиниб кўпаяди

4. Иссиқда ҳам, совуқдо оладилар

1. Бактериялар

2. Кўлай шароитда тез кўпаяди

3. Спора ҳосил қилинади

4. Ҳамма ерда учреди

1. Бактериялар

2. Озиқ-овқат маҳсулотларини айнитади

3. Ҳаракат қиласидиган ва ҳаракат қиласидиган турлари мавжуд

4. Спораси 100 йил ҳам сақланади

5. Озиқ-овқат и/ч ва фарм саноатда кенг қўлланилади

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Ниманатижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|--------------------------------|------------------------------------|
| 1-босқич: Кейс ва унинг | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; |

| | |
|---|--|
| ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириқни белгилаш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши |

Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик қўрсатмалар

Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1. Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.
2. Вазиятдан кейинги саволларга жавоб беринг.
3. Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қўйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:
 - “Д” (далил) ҳарфи – (шилимшиқ пайдо бўлиши, овқатнинг мазаси бузилиши)
 - “С” (сабаб) ҳарфи – муаммонинг келиб чиқиш сабаблари: микроорганизмлар кўпайиши, кун иссиқлиги).

“М.Е.” (муаллиф ечими) ҳарфлари – муаллиф томонидан таклиф этилган ечим (“хар қандай шубҳани эътиборсиз қолдирма”)

4. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Гурухларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома

1. Вазиятлар билан танишиб чиқинг.
2. Гурух сардорини танланг.
3. A1 форматдаги қоғозларда қўйидаги жадвални чизинг ва тўлдиринг.

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

| Муаммони тасдиқловчи далиллар | Муаммони келиб чиқиши сабаблари | Юзага келган вазиятда қўлланилган ечим | Гурух ечими |
|---|--|--|--|
| <p>1. Винонинг сифати пасайганлиги.</p> <p>2. Винодан сирка таъми келиши.</p> <p>3. Винони тановвул қилган инсонда кўнгил айнаши, боши айланиши</p> | <p>1. Бижғиши жараёнини нотўғри олиб борилиши.</p> <p>2. Технологик жараёнларга ўзгартиришлар киритилиши.</p> <p>3. Лаборатория текширувларини яхши ва аниқ ўtkazilmaganligi</p> | <p>1. Бижғиши жараёнининг назоратини кучайтириш</p> <p>2. Лаборатория томонидан текширувларини кенгайтириш</p> | <p>1. Бижғиши жараёнини С.А.Э. ёрдамида ва паст хароратда олиб бориш.</p> <p>2. Барча технологик жараёнларни инструкцияга асосланиб олиб бориш</p> <p>3. Лаборатория тахлилларини аниқ ва замонавий усусларида олиб бориш.</p> |

4. Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ачитқи хужайрасининг цитоплазматик мемранасини хусусиятлари”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна: “Нордон хом виноларни олиш технологияси ва уни ўзлиги” мавзусида ассесмент намунаси.

Тест

Нордон шаробларни махсуслаштирувчи омиллар?

- а) шарбат қандларини бижиган даражаси
- б) узум навлари
- в) олтин гугурт

Киёсий таҳлил

Паст ҳароратда ва оддий бижгитиш жараёнларни қиёсланг.

2. Тушунча таҳлили

Спиртли бижгиш жараёни бу – ...

Амалий кўникма

Узум шарбатидаги қанд миқдорини рефрактометрда аниқлаш бўйича

Вени диаграммаси методи


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган

қисмiga ёзадилар.

Намуна: Оқ ва қизил нордон виноларга оид “Вени диаграммаси”



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-маъруза. Ун, ёрма ва омихта ем ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Режа:

1.Ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

2.Ёрма ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

3.Омихта ем ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Таянч иборалар: Ун тортиш бўлими, майдалаш назарияси, майдалаш қонуни, дон майдалаш жараёнлари, дранной система, сайқаллаш, бойитиш, саралаш, ун тортиш, ёрма, вазифалари, дон майдалаш ускунаси, элак, кепак, ситовейка, кепакни ажратиш, вымол ускунаси, уннинг кимёвий таркиби, уннинг сифати, ёрма, ёрмабоп донлар, арпа, сули, шоли, сорго, тарик, оқлаш, намлик, сайқаллаш, силлиқлаш, саралаш, намлаш, тезпишар, қобикдорлиги, сепаратор, балик уни, премикс, бошоқли донлар, дуккакли донлар, ўт уни, фосфатлар, оҳак, суяқ уни, рецептура, сочишувчан, гранулланган, брикетланган омихта емлар, қора моллар, чўчқалар, парандалар, майда моллар учун емлар, ускуналар, сақлаш, карбамит, намлик, заарланганлик, хом ашёлар, дробилка, иккилдамчи маҳсулотлар.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги тармоғида сўнгги йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ҳамда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, хусусан, ғалла экинларини етиштириш суръатлари ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда: «2016 йилда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди. Қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоизга, жумладан, жорий йил мамлакатимизда 8 миллион 377 минг тонна ғалла, 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот, 13 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилди.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон деярли 130 йил давомида хом ашё етказиб берувчи муҳим стратегик обьектга айлантирилган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконият даражада емас эди. Дон маҳсулотлари етиштириш учун ўзимиизда катта имкониятлар мавжуд бўлишига қарамасдан, юртимизда жуда кам дон етиштирилар, барча эътибор пахта соҳасига қаратилган, дон эса бошқа республикалардан олиб келинар эди. Ана шундай мураккаб шароитда бизнинг эндиғина мустақилликка эришган давлатимизнинг олдида кўп миллионли Ўзбекистон халқини доимий ва узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, нон маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб масала сифатида турарди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида 500 - 700 минг, нари борса 1 миллион тонна ғалла ишлаб чиқариларди. Бу кўрсаткич жуда кам бўлиб, халқ истеъмоли учун йилига 4,5-5 миллион тонна дон керак эди. Ўзбекистондан экспорт қилинган пахтанинг катта қисмига дон сотиб олинарди. Бу эса Ўзбекистонда дон маҳсулотлари етиштиришга ниҳоятда катта эътибор қаратиши лозимлигини тақазо этарди.

Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш масаласини долзарб муаммо сифатида кун тартибига кўйди ва бу масалада керакли чора –тадбирлар ишлаб чиқилди. Агар соҳада қўлланилган тўғри тадбирлар, жумладан, юртимизда фермерлик ҳаракатига катта эътибор қаратилиши кишиларда хусусий мулк тушунчларининг шаклланишига олиб келди ва буларнинг натижасида дон етиштиришда катта ютуқларга эришилди. Шу тариқа йиллар давомида амалга оширилган тадбирлар ва сарфланган меҳнат ўз самарасини берди. Ўзбекистон минг йиллар олдинги ғаллачилик анъаналарини тиклади ва бу соҳада ўзининг тарихий кулминациясига эришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-2017 йиллардаги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ассортиментларини кўпайтириш, инвестиция

лойиҳаларни амалда жорий этиш натижасида корхона унумдорлигини ошириш каби тадбирлар белгилаб берилган.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий, тежамкор технологик ускуналар ўрнатилди. Соҳа корхоналаридағи нон цехлари модернизация қилиниб, уларга Германиянинг «Wachtel» компанияси ишлаб чиқарган 36 та замонавий технологик линиялар ўрнатилиб ишга туширилди. Ушбу технологиянинг асосий самарадорликларидан бири, нон пишириш жараёни автомат равишда компьютер ёрдамида паст босимли газ ёқилғида амалга оширилади. Натижада нон маҳсулотларининг сифати яхшиланди ва нон ишлаб чиқариш хажми ва турлари кўпайди. Электр энергия ва газ сарфи камайди.

2010-2012 йилларида 54 та макарон цехлари ишга туширилди, уларнинг турлари 8 хилдан 15 хилга етказилди. Шу йилларда 51 та инвестиция лойиҳа амалга оширилиб, 3 та янги омухта цехи, 4 та янги уруғлик цехи ва 17 та уруғлик цехи, 2 та омухта ем цехлари модернизация қилинди. Компания тизимида тегирмон цехларини модернизация қилиш, техник ва технология билан жиҳозлаш, янги нон ва макарон цехларини қўриб ишга тушириш мақсадида Швейцариянинг «Бюлер», Германиянинг «Wachtel», Россиянинг «Русская трапеза» компаниялари билан ҳамкорлик қилиш йўллари йўлга кўйилди. Натижада 2012-2013 йилларда соҳа корхоналарида 29 та янги нон цехларида «Wachtel» компанияси ишлаб чиқарган технология ишга тушириш режалаштирилган. Шулардан 3 таси Хоразм вилоятида, 2013 йилда 2 та тегирмон цехи («ГАЛЛА АЛТЕГ» ва «Оқтошдон») корхоналарида 2 та омухта ем цехи («Самарқанддонмаҳсулотлари» ва «Жиззахдонмаҳсулотлари») модернизация қилиш режалаштирилган. 2014 йилда 2 та тегирмон цехлари («Тошкентдонмаҳсулотлари», «Тахиатошдонмаҳсулотлари»), 1 та омухта ем цехи («Оқтош»), 2015 йилда эса 2 та тегирмон («Хонқадон» ва «Боғотдон») цехларида модернизация ишлари амалга оширилади. «Ўзданмаҳсулот» акциядорлик компанияси мустақиллик йилларида йиллик куввати 1595 тонна донни қайта ишлашга

мўлжалланган 21 та янги тегирмон қурилиб ишга туширди ва 24 та тегирмон цехларини модернизация қилди. Юқорида кўрилган техник тадбирлар натижасида «Ховосдонмаҳсулотлари» ва «Попдонмаҳсулотлари» АЖ тегирмонларида модернизациягача бир тонна ун маҳсулоти учун 95 - 110 квт.соат электр энергияси сарфланган бўлса, модернизациядан сўнг 65 - 80 квт.соат электр энергияси сарфланадиган бўлди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги 38-сонли қарори асосан, 2008 - 2011 йилларда 10 та, жумладан: «Тошкентдонмаҳсулотлари», «Қорақалпоғистондонмаҳсулотлари», «Бухородонмаҳсулотлари», «Жомбайдонмаҳсулотлари», «Учқўрғондонмаҳсулотлари», «Дунё М донмаҳсулотлари»нинг асосий цехларидаги эскирган технологик ускуналар замонавийлари билан алмаштирилиб, маҳсулотга сарф бўладиган электр энергияси сарфи камайтирилди. Нон ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам бу техник тадбирлар ўз самарасини берди. Масалан, йиллик куввати 41,3 минг тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 44 та янги нон ва 42 та макарон цехлари ишга туширилган бўлса, шундан 15 та нон цехи модернизация қилинди.

Юқорида айтиб ўтилган корхоналарни модернизация ва техника билан куролланишнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагиларга боғлиқ:

- корхоналарда ишлаб чқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш;
- иш шароитларини яхшилаш;
- эски, ишдан чиққан технологик ускуналарни янги хозирги замон техникаси билан алмаштириш;
- хом ашё ва материалларни тежамкорлик билан ишлатиш;
- тегирмонларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, модернизация қилиш техника билан қуроллантириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

Тегирмонларни модернизация қилиш ва техника билан қуроллантириш дастурига биноан «Жиззахдонмаҳсулот» АЖ, «Шўрчидонмаҳсулотлари» АЖ, «Кўрғонтепа дон» АЖ, «Оқолтиндон» АЖ, «Қувадон» АЖ,

«Қизилтепа ун заводлари» АЖ ва бошқалар эски, ишдан чиққан ускуналарни янги, замонавийларига алмаштириш натижасида юқорида тилга олинган корхоналарда электроэнергия қувватини пасайтириш, валли станокларда шестернларни тишли ярим поно тасмага алмаштириш, пневмотранспорт қурилмаларини, механика норияларга ўтказиш ҳисобига соҳада бир йилда 350 млн. сўмга яқин иқтисодий самарага эришилмоқда.



Ун ишлаб чиқариш энг қадимги соҳа ҳисобланади. Даставвал аждодларимиз оддий тошлар орасида донларни майдалашган, сўнг тошдан ясалган ўгир ва хавончада майдалашни ўрганишган. Кейинчалик хайвон, шамол ёки сув кучидан фойдаланиб, маҳсус тайёрланган иккита ясси тош ёрдамида тошни майдалаб (тегирмон) ун хосил қилишган. Бунда одатда дон тош марказига тўпланиб майдаланади. Остидаги биринчи тош маҳкам ўрнатилган, иккинчиси эса айланишга мосланган бўлади. Дон майдалагич ёрдамида ун олишнинг энг қадимий усуллари хозирги пайтда хам Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бир қатор давлатларда сақланиб қолган ва ахоли томонидан ханузгача фойдаланиб келинмоқда.

Фан ва техниканинг ривожланиши натижасида юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган майдаловчи машиналар (айланувчи цилиндрли

станоклар), навларга ажратувчи ва элакловчи машиналар (рассевлар), механик ва пневматик харакатланувчи транспорт мосламаларидан фойдаланишга эришилмоқда. Тегирмон тошларига эга бўлган кичик корхоналар билан бир қаторда, буғ кучидан фойдаланиб ишлайдиган корхоналар, сув турбиналари ва фаолияти электр қувватига асосланган заводлар юзага кела бошлади.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда ун заводлари ёки комбинатлари давлат тегирмонлари бўлиб, уларнинг хар бири кеча-қундузда 250-500 тонна ун чиқариш қувватига эгадир. Давлат амалда ахолини ун ва ёпилган нон билан бутунлай таъминлар эди. Хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нон ёпишнинг деярли учдан бир қисми хусусийлаштирилган ўрта ва кичик корхона (нонвойхона)лар зиммасига тўғри келмоқда. Давлат ун саноатининг ривожланиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига бир кечакундузда бир неча тоннагача ун ишлаб чиқарадиган тегирмонлар деярли йўқолиб кетди.

Технологик жараённи ташкил қилиниши унинг максимал унумдорлигини таъминлаш керак. Хом ашё тайёрлаш, унинг майдаланиши, майдаланган махсулотларни йириклиги ва асллиги бўйича саралаш, аралаштириш, гранулалаштириш, шунингдек жихозларни ва жараённинг бошқа қўрсаткичларнинг режимлари оптимал бўлиши керак. Бу режимларнинг танлаш умумий тавсиялари Тегирмонларда технологик жараёнларни ташкиллаштириш ва юритиш ҚОИДАЛАРИ да берилган. “Тегирмонларда технологик жараёнларни ташкиллаштириш ва юритиш Қоидалари”ни қайта ишлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талаблари, илмий-тадқиқот ишлар натижалари, ишлаб чиқариш ютуқлари, мажмуавий юқори самарали жиҳозлар билан таъминланган тегирмонларни технологик жараёнларининг хусусиятлари, тегирмончилик саноати мутахассисларининг тавсиялари инобатга олинган.

Хозирги кундаги замонавий технологияларда мазкур технологик жараёнлар компьютер технологиялари орқали назорат қилинади.



Ускуна ва жихозлар хом ашёни қайта ишлаш технологик жараённи унумли олиб боришини таъминлаб бериши керак. Шунинг учун технологик жараёнда ишлатилаётган машина ва жихозларнинг асосий эксплуатацион параметрларини ушбу хом ашёни конкрет технологик хусусиятларига мос келадиган (оптимал даражада) ўрнатилади ва назорат қилинади.

Технологик жараённинг унумдорлигини ошириш учун корхоналарда қайта қуролланишни режали олиб бориш, янги жихозлар билан таъминлаш, шунингдек жараёнларни асосий босқичларини назорати ва бошқарувини автоматлаштирилган тизимлар керак.

Замонавий технологик жараёнда тайёрлов ишлари катта аҳамиятга эга. Анализ шуни кўрсатмоқдаки, ун, ёрма ва омихта ем ишлаб чиқаришнинг унумдорлигининг 50% дан қўпроғи тайёрлов бўлимида технологик жараёнларни ташкил қилиниш ва олиб борилишига bogliq.

Ун ишлаб чиқариш корхоналарда донларни тайёрлов бўлимида куйидаги жараёнлар олиб борилади:

1. Дон массасидан аралашмаларни ажратиш.
2. Донга гидротермик ишлов бериш.
3. Турли сифатли дон партияларини аралаштириш («помол»

партиясини тузиш).

4. Дон устки қисмига «обойка» машиналарда ишлов бериш.

5. Дон аралашмасини ифлос аралашмалардан якуний тозалаш. Бундан ташқари донни майда фракцияларини ажратиш ва катталиги бўйича фракциялаш ишлари қўшилиши мумкин. Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарда у ёки бу жараёнларнинг мавжудлиги ва кетма-кетлиги, қайта ишланаётган маҳсулот (буғдой, арпа) ва технологик жараённинг турига боғлиқ. Қайта ишлашга тайёрланган маҳсулот оптимал технологик хусусиятга эга бўлиши керак, яъни юқори бўлмаган солиштирма сарфлар билан иложи борича кўп микдорда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконият бериш керак.

Технологик жараённи юқори самарали олиб бориш учун ана шу хом ашёни оптимал хусусиятлари узоқ вакт давомида (декада, ой) ўзгармас бўлиши шарт.

Бу холда технологик жихозларни қайта таъмирлаш (қайта жихозлаш) ишлари истесно талаб этилмайди, ишнинг муваффақияти технологик системаларга берилган оптимал даражадаги режимларни бир хилда ушлаб туришга боғлиқ бўлади.

Тайёрланган, оптимал кондицияларга етилтирилган хом ашё, қайта ишлашга юборилади.

Донни навли ун олишдаги технологик жараён мураккаб, кўп босқичли тузилмаси билан ажралиб туради. Ун ишлаб чиқариш корхоналарида буғдой бошидан навли ун олишдаги майдалов бўлимидағи жараёнлар кетма-кетлиги қўйидагича бўлади.

1. Майдалаш(драной) жараён-нисбатан қўпол майдалаш ва эндоспермани крупка, дунст(оралиқ маҳсулотлар) кўринишида ажратиб олиш

2. Саралаш (сортировочный) жараён - “майдалаш” жараёнда донни майдалаш натижасида хосил бўлган маҳсулотларни йириклиги бўйича

сараплаш

3. Бойитиш жараёни (ситовеечный) -оралиқ маҳсулотларни “ситовейка” машиналарида асллиги бўйича сараплаш.

4. Сайқалаш(шлифовка) жараёни - оралиқ маҳсулотларга “шлифовка” системаларда ишлов бериш (эндоспермнинг устки қисмига ёпишган қобиғларни ажратиш)

5. Ун тортиш(размол) жараёни- бойитилган оралиқ маҳсулотларни (крупка ва дунст) ун олиш мақсадида максимал майдалаш

6. “Вимол” жараёни-майдалаш ва ун тортиш жараёнларнинг охирги системаларда қобиқлардан эндосперма қатламларини ажратиб олиш

7. Элакларда унни назорати.

8. Унни синтетик витаминалар билан бойитиш (витаминлаш).

Дон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг муҳим маҳсулоти, инсон озуқасининг асоси, маҳсулдор чорвачиликни ривожлантириш учун эса ем хашак базаси хисобланади. Ботаник аломатларига кўра донли экинлар: бошоқли экинлар, гречиха ва дуккакли экинлар оиласиларга бўлинади. Кимёвий таркибига кўра донларни уч гурухга бўлиш қабул қилинган: крахмалга бой (бошоқли экинлар ва гречиха), оқсилга бой экинлар (дуккакли экинларнинг уруғлари), мойга бой (мойли экинларнинг уруғлари). Қўлланилиш мақсадига қараб донлар: ун тортишда қўлланиладиган, ёрма олишга мўлжалланган, ем-хашак учун мўлжалланган, техникада қўлланиладиган ва донларга бўлинади.


Бошоқли дон экинлари (буғдой, жавдар, арпа, сули, тариқ, шоли, маккажўхори, оқ жўхори) асосий донли экинлар хисобланади. Буғдой, жавдар ва маккажўхори очиқ уруғли экинларга кириб, бу экинларнинг донлари факат мева қобиғи билан ёпилган. Арпа, сули, тариқ ва шоли қобиқли экинларга кириб, уларнинг донлари мева қобиғидан ташқари яна гул қобиғи билан хам ўралган.

Буғдой - энг муҳим озиқ-овқат экини хисобланади. Буғдой дони қобиқдан, алайрон қатламидан, унсимон эндосперм (ядро) ва муртакдан

ташкіл топган. Ташқи томонидан буғдой дони мева ва уруғ қобиқлари 1 билан қолланған (1-расм). Мева қобиғи бир неча хұжайралар қаватидан иборат ва уларнинг буғдой донидаги мөлдөри дон умумий массасининг 4...6 % ни ташкіл қылади.



Бугунги кунда Республикализнинг ун ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий қайта ишлаш тизимлари ва қурилмалари жорий қилинмоқда. Жумладан “Галла-Алтег” АЖ корхонасига Туркияning «GENCH» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган тизими ўрнатилган.



Туркияning «GENCH» фирмасининг дон тозалаш бўлимининг принципial технологик схемаси

Дон тозалаш бўлимидаги технологик жараённинг фаолиятига доннинг таркибидаги бегона аралашмалардан тозалашга киради. Бир-биридан геометрик белгилари ва физикавий хоссалари билан фарқ қиласиган сеприлувчи материалларни гурухларга бўлиш жараёни ажратиш жараёни дейилади. Бу жараённи амалга оширишда ишлатиладиган машиналарга ғалвирли ажратгичлар деб аталади. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида асосий тур дондан аэродинамик хоссалари билан фарқ қиласиган аралашмалар ҳаволи ажратгичлар ёрдамида ажратилади. Ҳаволи ажратгичлар асосан ун тортиш, ёрма ва омухта ем заводларида донни чанг ва енгил аралашмалардан тозалашда ишлатилса, шу билан бирга улар ёрма заводларида қобиги сидирилган донлар (шоли, гречиха, сули арпа ёрмалари)ни пустлоғидан тозалашда, ҳамда ёрма ва чиқиндини назорат қилишда ҳам ишлатилади. , Донга қарши ҳаво оқимининг босими доннинг массасига, унинг ўлчамига, шаклига, юзасининг ҳолатига, доннинг ҳавода туриш вазиятига, ҳаракатнинг нисбий тезлигига боғлиқ. Ҳаволи ажратгич турлари, уларнинг тузилиши, тузилиш қисмларининг функциялари ва технолик схемалари билан донни ҳаво оқими ёрдамида ажратишнинг назарий асослаб берилган .

Дон аралашмаси ажратгичларда тозалангандан кейин ҳам таркибида шундай органик ва минерал аралашмаларни сақлаб қоладики, улар дондан енгилроқ ёки оғирроқ бўлиб, ўлчамлари ва аэродинамик хоссалари билан асосий дондан фарқ қиласиги мумкин. Шу сабабли бундай аралашмаларни ғалвир ва ҳаво оқими билан ажратиб бўлмайди. Бу аралашмалар амалда қийин ажралувчи аралашмалар деб юритилади.

Донни тегирмоннинг тайёрлаш бўлимидан янчиш бўлимига юборганда таркибида минерал аралашмаларнинг бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, зоро уларнинг жуда кам микдори ҳам тайёр маҳсулотнинг ғичирлашига сабаб

бўлади. Бундан ташқари уларнинг ун таркибида учраши организм учун ҳам зарарлидир. Комплект ускунали ун тортиш заводларида минерал аралашмаларни ювиб тозалайдиган ювиш машиналари ишлатилмайди, шунинг учун ҳам донни минерал аралашмалардан қуруқ тозалаш усули юқори самарали бўлмоғи зарур.


Буғдойни таркибида мавжуд, буғдойга нисбатан ўлчамлари хар хил бўлган аралашмалар сули, арпа, жавдари, майда синган бугдойлар, евойи ўт уруғлари қорамиқ аралашмаларидан тозалашда дискли ёки цилиндрли ускуналар куланилиб улар триерлар деб номланади .Ускуналар икки хил булади. биринчи синган, яримта, калта, ёвойи ўт уруғларини қорамиқ (кукол) ажратишда куланилади, иккинчси узунлик жихатдан фарқ ланувчи ёвойи сули, арпа шунга ўхшаш аралашмалардан тозалайди.

Дон тозалаш бўлимидаги технологик жараённинг хусусияти дон юзасини қуруқ ва хўл усулда тозалашнинг самарали боришидир. Ўзбекистонда этиштирилган буғдой навларининг структуравий-механик хусусиятларини ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда дон юзасини тозалаш жараёни бир неча босқичлардан ташкил топади. Донларнинг устки қатламларини қуриқ ва хўл ҳолда ишлов беришда уларнинг кул моддаларини камайтиришдан ташқари донларнинг “бороздка“сида жойлашиб олган турли микроорганизмлардан тозалашдир. Бу жараёнда дон ювадиган ускунадан юқори самаралик билан фойдаланиш мумкин.

Дон корхоналарига келтирилган донлар ичидағи металломагнит чиқиндилар донларни ўраётганда, транспортировка қилиш ва бир майдондан иккинчи жойга кўчираётган вақтда тушиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, дон тозалаш цехидаги ускуналарнинг носозлиги натижасида, тегирмонда эса валецили станок рифлиларининг ейилиши ва цехларда ускуналарни таъмирлаш вақтида тушиб қолиши мумкин. Металломагнит чиқиндилар, айниқса, оқлаш ва тозалаш машиналарига тушиб қолса, турли ҳавфли

ходисаларга (ёнғинга) сабаб бўлади. Донни магнит чиқиндилардан тозалаш учун магнит сепараторидан фойдаланилади.

Донни сақлаш ва қайта ишлаш учун давлат томонидан меъёрлар белгиланган Ушбу меъёрларга асосланиб сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари ташкиллаштирилади.



Туркияning «GENCH» фирмасининг ун тортиш бўлимининг принципиал технологик схемаси

Дон тозалаш бўлимида қўлланилаётган замонавий ускуналар


Ҳаво-элакли сепаратор (Мусорный сепаратор)

Дон массасидан енгил ёд чиқиндиларни, яъни ифлос аралашмалар, сомон, пичан ва ҳ.к.лардан тозалайди. Вибрацион сепаратор иккита қисмдан иборат:

- Юқори қисм: йирик ёд чиқиндилардан сараланади ва ускунадан ташқарига чиқариб юборади.

- Пастки қисм: юқори қисмдан дон келиб тушади ва тозаланади.


Элаклар орасидаги иккала яшиклар осон ечилади ва қўл ёрдамида алмаштирилиши мумкин.



Жиҳознинг марказий оғирлик қисмида жойлашган вибрацион двигатель орқали элакнинг барча юзаси бўйлаб дон массасини тақсимланишини таъминлайди.

| Модел русуми | Техник тавсифи | | | | Габарит ўлчамлар(мм) | | | | | |
|-----------------|--------------------------|---------|---------------------------|------------------------------|----------------------|------|------|------|------|-----|
| | Ҳажми (т/с) | | Элак ўлчамлари (мм) | Двигател куввати (кВт) | Габарит ўлчамлар(мм) | | | | | |
| | Бошлан гич тозалаш | Тозалаш | | | A | B | C | D | E | ØF |
| DCS 80x120 | 10 | 5 | 2 x 890 x1200 | 2 x 0,55 | 1030 | 1160 | 1600 | 1265 | 1450 | 120 |
| DCS 100x150 | 15 | 8-10 | 2 x 990 x1500 | 2 x 0,75 | 1330 | 1360 | 2290 | 1560 | 1750 | 120 |
| DCS 100x200 | 20 | 12-15 | 2 x 990 x2000 | 2 x 1,1 | 1830 | 1360 | 2480 | 1560 | 1750 | 120 |
| DCS 150x200 | 30 | 20 | 2 x 1490 x 2000 | 2 x 1,5 | 1880 | 1980 | 2550 | 2120 | 2350 | 200 |

Обойка ускунасининг янги модели




Обойка ускунаси дондан қобиқни ажратиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, чанг, қум, майда дон, дон юзасига ёпишган ёд чиқиндилардан тозалайди, хом ашёнинг бактериаллигини пасайтиради ва бошоқдан ажрамаган донларни ажратади.

Ускунага келаётган дон тўғридан-тўғри оқлаш қисмига тушади ва қобиқ дондан ажратилади. Роторда политралар мавжуд. Ротор атрофида цилиндрик шаклда тўрсимон темир элак мавжуд. Тез айланувчи ротор донни уради ва тўрсимон темир элакка улоқтиради. Қобиқдан тозаланган дон массаси палитралар ёрдамида чиқиши мосламасига йўналтирилади. Обойка ускунасининг тўрли элакларидан чиқкан енгил чиқиндилар ва қобиқлар сўрувчи ҳаво оқими ёрдамида машинадан чиқариб юборилади.

| Модел русуми | Техник тавсифи | | Габарит ўлчамлари (мм) | | | | |
|-----------------|----------------|---------------------------|------------------------|-----|------|-----|------|
| | Ҳажми (т/с) | Двигател қуввати (кВт) | A | B | C | D | E |
| | | | | | | | |
| DKS 35/60 | 8 | 7.5 | 785 | 500 | 1200 | 620 | 1500 |
| DKS 45/80 | 14 | 15 | 980 | 700 | 1500 | 860 | 1800 |


Тош ажратгич



Тош ажратувчи машина дон массасидан тош, металл, шиша, тупроқ ва шунга ўхшаш дондан зичлиги юқори аралашмалардан тозалаш учун ишлатилади. Айниқса, бу машина қуруқ ишлов бериш системаси учун зарурдир. Тош ва бошқа аралашмаларнинг дон массасида учраши табиий ҳолдир. Ушбу аралашмаларни дон массасидан ажратилмагандага ун таркибидаги кул миқдори ошиб кетади. Бу эса маҳсулот сифатига катта таъсир кўрсатади.

| Модель | Техник тавсифи | | Габарит ўлчамлар (мм) | | |
|-------------|----------------|-----------------|-----------------------|------|------|
| | Хажми (t/h) | двигатель(kw) | | | |
| | | | A | B | C |
| DTA 50 | 3 | 0,55(Vibro) | 1400 | 750 | 1600 |
| DTA 100 | 4-5 | 2 x 0,55(Vibro) | 1570 | 1700 | 1700 |
| DTA 120/120 | 12-14 | 2 x 0,75(Vibro) | 1640 | 1780 | 1850 |

Обойка ускунаси



Обойка ускунаси дондан қобиқни ажратиш учун қўлланилади. Бундан ташқари ёд чиқиндилардан чанг, қум, майда дондан ажратади, хом ашёни бактериаллигини пасайтиради ва бошоқдан ажрамаган донларни ажаратади. Келаётган дон массаси тўғридан тўғри обойканинг оқлаш қисмига қобиқдан ажратиш учун тушади. Роторда палитралар мавжуд. Роторнинг атрофида цилиндрик шаклдаги темир элак мавжуд. Тез айланувчи ротор донни уради ва темир элакка отади. Қобиқдан тозаланган дон палитралар ёрдамида ускунанинг чиқиши мосламасига йўналтирилади. Обойка ускунаси элагидан

чиққан мусор ва қобиқ сўрилувчи ҳаво оқими ёрдамида машинадан чиқарилади.

| Модель | Техник тавсифи | | Габарит ўлчамлар (мм) | | |
|------------|----------------|----------------|-----------------------|-----|------|
| | Хажми (t/h) | Двигатель (kw) | A | B | C |
| | | | | | |
| DKS 30/100 | 3-5 | 4 | 1640 | 450 | 1250 |
| DKS 30/150 | 6-8 | 11 | 2300 | 770 | 1600 |

2.Ёрма ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Ёрма – инсон учун энг муҳим озиқ маҳсулотидир. У овқатланиш рационида мустаҳкам ўрин тутади ва қўп давлатлар аҳолисининг 70 % дан ортиқроғини асосий озиқ калорияси билан таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси дон мустақиллигига эришгандан сўнг, республика вилоятларида етиштирилаётган ғалла донлари, жумладан, маккажӯхори, шоли, арпа, сули, сорго ва бошқа ёрмабоп донлардан ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Республикада бозор иқтисодиётига ўтилгандан сўнг кўп турдаги ёрма маҳсулотлари четдан олиб келина бошланди. Тармоқда юз берган ўзгаришлардан яна бири ёрма маҳсулотлари тайёрлаш кўламининг органи бўлди. Авваллари соҳанинг бу йўналиши эътибордан бир оз четда қолиб кетган, 1994 йилга қадар мамлакатимиз корхоналарида бир хил ёрма, яъни гуруч ишлаб чиқариларди холос. Олдин мамлакат ташқарисидан келтириладиган ёрма маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Ўзбекистон аҳолисининг бу маҳсулотга бўлган талабини қондириш мақсадида тизимидағи 15 та ёрма цехидан 8 тасида ўзаро алмашиниб ишлайдиган тузилмалар қўлланилиб, ҳар хил турдаги донлардан ёрма ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Ёрма маҳсулотларининг 4 та тури, 9 та нави ўзлаштирилди.

Хозирда “Тошкентдонмаҳсулотлари” корхонаси харидорларга “Тошкент 1”, “Тошкент 2”, “Тошкент 3”, навли қаттиқ буғдой ёрмалари, “Қорақалпоқдонмаҳсулот”лари ИЧАУ бош корхонаси оқ жўхори ёрмаси, Хўжайли, шовот, Музрабод, Тахиатошдагигурунч цехлари арпа ва гурунч ёрмаси, “Навоийдонмаҳсулот” корхонаси ва “Шухрат” акциядорлик жамиятлари эса маккажўхори қаламчалари учун ҳамда озиқ-овқат ва қандолатчилик саноати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ун-маккажўхори каби хилма-хил маҳсулотлар етказиб бермоқда. 1994 йилда Сирдарё ёрма заводи томонидан ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган “Нодир” ва “Ниҳол” навли арпа ёрмалари эндиликда 7 та корхонада тайёрланмоқда. Ёрма парчаси (хлопъя) ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши эса бу саноатда янгилик бўлди. Мустақиллик йилларида импорт ўрнини босадиган маҳсулот-ёрма парчаларининг 3 та –буғдой, арпа, жавдар турлари ўзлаштирилди. Ёрма маҳсулотларининг истеъмолчиларга қўркам ва қадоқланган ҳолда етказиб берилаётгани ҳам эътиборга молик. Ёрма саноатининг бундан-да равнақ топтириш учун тармоқнинг бу йўналишига ҳам янги асбоб-ускуналарни жорий этилмоқда. Шу орқали юқори калорияли ёрма турларини ўзлаштириш, импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш имконияти янада кенгаймоқда. Республикаиз аҳолининг ёрма маҳсулотларга бўлган ёҳтиёжини қондириш мақсадида вилоятлардаги мавжуд ёрма заводларини реконструкция қилиш, янгиларини эса замонавий технология ва техника билан жиҳозлаш жадал амалга оширилмоқда. Ишлаб турган ёрма заводларида мумкин бўлган технологик чизмаларни алмаштириш асосида (гуруч – арпа, гуруч – буғдой ёрмаси) арпа, маккажўхори, сорго ва бошқа ёрмабоп донлардан турли ёрмалар ишлаб чиқарила бошланди.

Гуруч ёрмалари ишлаб чиқаётган корхоналарда арпа, маккажўхори, сули каби донларга гидротермик ишлов бериш асосида уларнинг технологик сифатларини ошириш жараёнлари амалга оширилди.

Илмий текшириш институтлари сорго (оқжўхори) донининг физик – кимёвий сифатлари таҳлил қилиниб, шундан сўнг ундан ёрма ишлаб

чиқариш тавсия этилди. 2005-2015 йилларда ундан Қорақалпоғистон Республикасида биринчи марта ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Маҳаллий буғдой донларидан “Тошкентгуруч” корхонасида икки – уч турдаги ёрмалар олина бошланди. Тошкент кимё – технология институти ва Тошкент медицина институти олимлари ҳамкорликда гуруч оқшоғидан турли прянклар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси – ёрмабоп донлардан ёрма маҳсулотлари (бодроқ, талқон ва бошқалар) олиш жараёнларини ўрганади.

Бу технология ёрдамида ёрмабоп хом ашёлардан энг яхши усулларда ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ишлаб турган ускуналардан рационал фойдаланган холда технологик жараёнларни такомиллаштириш ва маҳсулот таннархини арzonлаштириш каби ишлар амалга оширилди.

Ёрма заводларининг асосий вазифаси технологик жараёнлар ёрдамида дон массасидаги инсон организмида ҳазм бўлмайдиган турли чиқиндилар, гул ва мева қобиғларини ажратиш, маҳсулотнини ейишлик хусусиятини ошириш, ундан таом тайёрлашни осонлаштиришdir.

Ёрма – қимматли озиқ – овқат маҳсулоти бўлиб, унинг таркибида фойдали озиқ моддалар концентрацияси бўлиб, яхши ҳазм бўлиши ва юқори калорияга эгалиги билан ажralиб туради. Ёрманинг озуқавий ва истеъмол қиммати унинг физиковий, кимёвий, коллоид ва биокимёвий хусусиятлари бўлиб, улар ёрмабоп донларнинг технологик жараёнлардан қандай ўтишига боғлик.

Технологик жараёнларда ёрмабоп дон массасининг табиий таркиби ва унда учрайдиган қийин ажralадиган чиқиндилар, уларнинг анатомик, механик тузилишини ҳисобга олган холда механик, гидротермик ишлов бераб, стандартга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бундай ёрма маҳсулотларининг сиртқи кўриниши, ранги, мазаси, ҳиди, сифати стандарт талабларига жавоб бериши керак. Ёрма ишлаб чиқаришдаги


ёрмабоп донларни тозалаш бўлими бошоқли ўсимлик донларини тозалаш бўлимларига ўхшашлиги сабабли унга тўхтаб ўтилмади.

Оқлаш (гул қобигидан тозалаш) цехида ёрма дони инсон организмидагизм бўлмайдиган қобиқ ва муртаклардан тозаланади, ёрмага талаб этиладиган шакл берилади, ёрма заррачалар бир хил катталикда сараланади.

Айрим ёрма корхоналарининг маҳсус цехларида ёрмабоп дондан бодроқлар (хом ва пиширилган), болалар бўтқаси учун қаламчалар ишлаб чиқарилади.

Ёрма саноатида ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида бошоқли ўсимликлар, гречиха ва дуккакли донлардан фойдаланилади. Бошоқли ўсимликлардан буғдой, арпа, сули, тариқ ва шоли; гречиха, дуккакли донлардан эса нўхотдан ёрма олинади.

Гречиха дони (2-расм). Гречиха донининг шакли уч қиррали текис ёки дўнг қирра, ўткир қовурғали мағзи ҳамда мева қобиги тўқ қора рангда бўлиб, уруғ қобиги (3-5 %), алайрон қатlam (57-65 %), эндосперм ва муртакдан (10 – 20 %) ташкил топган. Мағзининг ранги кул рангнинг қўқимтири туслидир.



**2-расм. Гречиха донининг кўндаланг кесими
а-гул қобиги; б-мағзи; 1- эндосперм; 2- муртак**

Эндосперм S – шаклида буралган йирик муртакдан иборат. Ёрма учун ишлатиладиган гречиха дони мағизнинг миқдорига кўра учта синфга ажратилади:

I синф – мағизнинг тоза миқдори 77 % кам бўлмаслиги;

II синф – мағизнинг тоза миқдори 74 % кам бўлмаслиги;

III синф – мағизнинг тоза миқдори 71 % кам бўлмаслиги керак;

Гречиха донининг асосий чиқиндиси татар гречихаси бўлиб (уч қиррали узунчоқ дон), ундан ташқари қизил рангли етилмаган гречиха, ёввойи турп уруғи ва дала (ёввойи) нўхотларидан иборат.

Гречиха дони йириклиги бўйича учта категорияга бўлинади:

$3,0 \times 20$ мл ўлчамли узунчоқ элакнинг устида қолган 80 % дан кам бўлмаган йирик гречиха дони; ўша элакдан 60 % дан кам бўлмаган ўртача йириклиги гречиха дони; ўша элакдан ўтган 60 %дан кам бўлмаган майда гречиха дони.


Гречиха донининг ўлчамлари ва уларнинг 1000 дона дон массаси жадвалда берилган.

2-жадвал

| Гречиха навлари | Узунлиги мм. | Эни мм | 1000 дона дон массаси, г |
|----------------------|-----------------|----------------|--|
| Оддий гречиха | $5,75 \div 6,0$ | $3,0 \div 3,5$ | 18-36 |
| Кумиш рангли гречиха | $5,0 \div 5,5$ | $2,8 \div 3,0$ | Ўртача бутун донлар учун 1000 дона дон массаси 20-22 |
| Татар гречихаси | $4,5 \div 4,75$ | $3,0 \div 3,5$ | |

Гречиха гул қобиғи билан қопланганлиги, унинг нави, ўсиш шароити доннинг пишиклигига боғлиқ бўлиб, у 19- 25 % ни ташкил қиласди.


Тарик дони (3-расм). Бу иссиқсевар, қурғоқчиликка чидамли қимматбаҳо майда донли ўсимлик бўлиб, баҳорги ўсимлик сифатида етиштирилади. Доннинг шакли тухумсимон, шарсимон, узунчоқ бўлиб, 12-20 % гул қобиғи, 3-5 % мева ва уруғ қобиқлари билан қопланган. Гул қобиғи мағизни қамраб олган лекин у билан бирга ўсмаган. Эндосперм шишасимон ёки унли бўлиши мумкин. Гул қобиғининг рангига асосланиб тарик дони типларга бўлинади: I тип – оқ ва гул қобиғининг ранги оч сарик.



3-расм. Тариқ донининг қўндаланг кесими

1- муртак; 2- кортик; 3- эндосперм; 4- алейрон қатлам; 5- мева ва уруг қобиқлари.

Шоли дони гул қобиқлари билан ўралган бўлиб, унинг мағзи мўрт бўлади (4-расм). Гул қобиғи доннинг юзасини қамраб олган, лекин у билан бирга ўсмаган. Шоли сув ва иссиқликни кўп талаб қиласидиган донли ўсимлик. У шакл жиҳатидан узунчоқ (ингичка ва йўғон) ва думалоқ бўлади. Эндосперм шишасиман, ярим шишасимон ва унли бўлиши мумкин. Шоли донининг I типдаги шишасимон тури технологик жиҳатдан юқори қимматга эга, уни оқлаш жараёнида майдаланмасдан кўп ёрма маҳсулоти олинади.



4-расм. Шоли донинг узунчоқ кесими.

1 – гул қобиғи; 2- эндосперм; 3- алейрон қисми; 4- уруг қобиғи; 5- мева қобиғи; 6- муртак; 7-ҳимоя қилувчи қобиғи.

II тип – шакли чўзинчоқ ва консистенцияси шишасимон ёки ярим шишасимондир.

III тип – шакли думалоқ, консистенцияси шишасимон, ярим шишасимон ва унсимон.

Донининг типидан қатъий назар шоли қилтаноқли ва қилтаноқсиз бўлади, оқдан тўқ жигарранггача бўлади.

Шоли донидан самарали фойдаланиб, юқори “виход” олиш учун унинг технологик хусусиятларини аниқлаш талаб этилади.

Шоли донидан юқори сифатли ёрма маҳсулотлари олиш учун доннинг гул қобиғи кам бўлиши, маълум намлиқда, бир ҳил йириклиқда, тўла пишган ва мағзи бир ҳил консистенцияда бўлиши керак.

Шоли донининг технологик хусусиятларидан бири - унинг эндоспермида микродарзларнинг ҳосил бўлишидир.

Нам, иссиқлик ва бошқа омиллар таъсирида шоли дони эндоспермида ҳосил бўлган микродарзлар технологик жараёнларга салбий таъсир этиб, бутун мағиз “чиқиши”нинг камайишига олиб келади.


Шолининг гул қобиғи миқдори 20 % ни ташкил этади.

З-жадвалда оқланмаган ва оқланган шоли донининг сифатлари берилган.

З-жадвал

| Шоли | узунлиги, мм | эни, мм | қалинлиги, мм | 1000 дона доннинг оғирлиги, г |
|-----------------|--------------|-----------|---------------|-------------------------------|
| Оқланмаган шоли | 6,8 + 7,5 | 3,2 – 3,5 | 1,4-2,2 | 25,0-43,0-45,0 |
| Оқланган ёрма | 5,25 – 5,5 | 2,3- 3,0 | 1,75 – 1,85 | - |

Арпа донининг шакли тухумсимонга ўхшаш, учланган, юзаси эса бурмали бўлиб, мағизга мустаҳкам ёпишган (5-расм). Арпа дони гул қобикли ва гул қобиқсиз бўлади. Арпа дони (гул қобиқсиз) дондан ташқари сиртидан гул қобик билан қопланиб, у билан мустаҳкам битиб кетиб, доннинг бороздка қисмига чуқур кириб борган. Бу эса арпа донини оқлаш жараёнини қийинлаштиради. Арпа дони қўйидаги асосий қисмлардан ташкил топган: гул қобиғи – клетчатка (10 – 12,0 %), мева қабиги (3, 5 – 4, 0 %); уруғ қобиғи (2,0 – 2,5 %); мағиз (63 – 69 %) ва муртак (2,5 ÷ 3,0).



5-расм. Арпа донининг узунасига кесими.

1- гул қобиғи; 2- мева қобиғи; 3- уруг қобиғи; 4- алейрон қатлами;
5- эндосперм; 6- муртак.


Гул қобиқсиз арпа дони мағиз билан бирга ўсмайди, шунинг учун у тез ажралиб кетади. Арпа донидан ёрма ишлаб чиқариш учун унинг уруғ қобиғи оч сариқ бўлган турларидан фойдаланилади. Арпа донининг эндосперми микдори 63 – 69 % дан иборат, унинг консистенцияси эса шишасимон, ярим шишасимон ва унли бўлади. Арпа донидан юқори сифатли ва “чиқиш” ли ячневой навли ёрма олишда шишасимон донлардан перловка ёрмасини олишда эса ярим шишасимон ёки унсимон донлардан фойдаланилади.

Арпа донидан юқори сифатли ёрма олиш учун унинг технологик хусусиятлари таҳлил қилинади: гул қобиқлари кам бўлган, маълум намлиқдаги, бир хил йириклиқдаги, тўла пишган, мағзи эса маълум консистенцияга эга бўлган донлар танлаб олинади.

Арпа турли ерларда экилиб, ҳосил берадиган, тез пишар, баҳорги (вегетация даври 70 кун) ўсимлик.

Юқори сифатли арпа донидан ёрма маҳсулотлари ва пиво саноатида солод, паст сифати арпа донидан эса омихта ем ишлаб чиқарилади.

Сули дони. Бу сувни яхши кўрадиган, кўп иссиқлик талаб қиласиган ўсимлик. Деярли ҳамма ерда етиштирилади, баҳорги, тезпишар экин. Сули дони тухумсимон бўлиб, унинг учлари учланган, мағизи қайишқоқдир (6-расм).



6-расм. Сули донининг узунасига кесими.

1- муртак; 2- эндосперм; 3- алейрон қатлами; 4- уруг қобиғи; 5- мева қобиғи ва туклари.

Гул қобиғи мағизни маҳкам қамраб олган бўлиб, у билан бирга ўсмаган. Бу эса ишлов бериш жараёнида гул қобиқни ажратиш жараёнини енгиллаштиради. Донлар шакли ва гул қобиқларини рангига қараб тип ва подтипларга бўлинади. Ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқаришда I типли (тўла пишган, йирик, цилиндр ёки нок шаклдаги, серҳосил ўртача ҳосилдор ботаник типдаги) донлардан фойдаланилади. Сули дони усти парда билан қопланган, узунчоқ, ички томонида бороздка (чуқур) бўлиб, усти бутунлай тук билан қопланган.

Ёрмабоп сулининг тузилиши:

- мағзининг эндосперми 55,5 – 65 % ни ташкил қилиб, у оқ рангли говак унсимон консистенциядан иборат;
- мева қобиғининг алейрон қатлами ва уруғ қобиқлари 9 % ни ташкил қиласиди;
- мағзининг устки қатламидаги туклар 1,0 – 1,2 % ни ташкил қиласиди;
- гул қобиғи (қовуз) 30 – 35 %;
- муртак 4,0 % ни ташкил қиласиди.

Сули донининг ўлчамлари ва 1000 дона донининг оғирлиги 4-жадвалда берилган. Сули донларининг ўлчамига кўра саралашда узунчоқ кўзли элакларда эланади, чунки улар қалинлигига асосланиб сараланади.

4-жадвал

| Ёрмабоп дон | Узунлиги, мм | Эни, мм | Қалинлиги, мм | 1000 дона доннинг оғирлиги, г |
|----------------|-----------------|-----------|------------------|----------------------------------|
| Сули | 13-19,0 | 1,4 – 4,0 | 1,2 – 4,0 | 15-45, ўртачаси 26-28 |

Маккажўхори донидан (7-расм) ёрма заводларида оқланган ёрма, йирик ёрмасидан маккажўхори бодроқлари ва майдасидан эса қаламчалар ишлаб чиқарилади.

Маккажўхори донлари шакли, ранги, эндоспермининг консистенциясига кўра фарқланади.


Стандартга мос ёрма ишлаб чиқариш учун III, IV, VI, ва VIII типдан маккажўхори донларидан фойдаланилади.

III тип – оч сарик; сарик

IV тип – оч сарик оқ рангли

VI тип – ярим тишсимон оқ рангли

VII тип – бодроқбоп оқ рангли



7-расм. Маккажўхори донининг узунасига кесими.

1- унсимон эндосперм; 2- шишиасимон эндосперм; 3- алейрон қатлам; 4- мева қобиги; 5 – муртак; 6- крахмал ҳужайралар; 7- асоси;
8 – муртакнинг пояси; 9- муртакнинг илдизи.

Маккажўхори донининг ўлчамлари ва технологик қўрсаткичлари 5-жадвалда берилган.

5-жадвал

| Ёрмабоп дон | Узунлиги, мм | Эни, мм | Қалинлиги, мм | 1000 дона донининг оғирлиги, г | Натура оғирлиги, г/л |
|-------------|-----------------|------------|------------------|--------------------------------------|----------------------------|
| Маккажўхори | Ўртаси 9,0 | Ўртаси 8,0 | Ўртаси 6,0 | 200-300 | 750 |

Ёрма маҳсулотлари олишда донининг консистенцияси катта аҳамиятга эга, эндосперми (80-83 %) шаффоф ва унсимон навли донлар аралаштирилиб, ёрма олинади. Эндосперм крахмал (80 % га чанг) бой. Донларни

аралаштириб ёрма олишда, улар йириклигига кўра сараланади, бу технологик жараёнларда катта самарадорликка эришишга имкон беради.

Маккажўхори дони таркибида 8 – 14 % муртак бўлиб, у 30 – 50 % ёғ моддасига эга. Муртак, дон эндоспермида жойлашган бўлиб, технологик жараёнда уни эндосpermдан ажратиб олиш катта қийинчилик туғдиради.

Маккажўхори донидан крахмал, спирт, фармацевтика саноатида ёғ ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Сорго (оқ жўхори) – қадимий дон экинларининг бири. Унинг ватани Африка. Осиё ва Африка мамлакатлари учун муҳим озиқ маҳсулоти ҳисобланади. Сорго дони бошоқли экинлар оиласига мансуб бўлиб, Sorghum турига киради. У 40 – 50 га яқин маданий ва ёввойи, бир йиллик ва кўп йиллик турларга эга. Сорго дони овал шаклида, нок шаклида, узунчоқ бўлиб, йирик 1000 дона донининг оғирлиги 30 г дан ортиқроқ, майдасиники эса 20 г дан камроқ бўлади. Сорго дони анатомик тузилишига кўра қобиқ қатлами, муртак, унсимон эндосpermдан иборат. Доннинг эндосперми сиртдан шишиасимон қатламдан иборат бўлиб, оқсил моддага бой, ичи эса унсимон бўлиб, крахмалга бой. Сорго дони морфологик белгилар ва хўжаликда фойдаланилишига кўра қўйидаги учта турга бўлинади:

Сорго – асосан дон олиш учун экилади;

Қандли сорго – бу тури асосан силос ва патока маҳсулот олиш учун экилади;

Супурги соргоси – бу тури эса майший заруриятлар учун экилади.

Сорго донининг химиявий таркиби маккажўхори дониникига яқин бўлиб, у (б-жадвал) да берилган.

Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг чорвачилик илмий текшириш институти маҳаллий тадқиқотлари натижаларидан маълум бўлишича протеиннинг ўртacha микдори сорго дони таркибида маккажўхори донидагига нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланган.

Сорго ва маккажўхори донларининг химиявий таркиблари

| Экин турлари | Кимёвий таркиби (%) | | | | | |
|----------------------|---------------------|---------|---------|-----|-----------|------------|
| | сув | протеин | крахмал | ёф | клетчатка | кулдорлиги |
| Дон учун сорго | 13,0 | 13,5 | 67,5 | 3,3 | 1,3 | 1,4 |
| Тишсимон маккажўхори | 13,0 | 10,0 | 68,3 | 4,1 | 2,1 | 1,3 |

Сорго дони таркибida 60 – 70 % углевод, В – витаминалар гурухи ($B_1 B_2 PP$) ва бошқалар бор. Минерал тузларига бой. Сорго донидан ёрма ишлаб чиқаришда унинг мева қобиғи маҳсус ускуналар ёрдамида ажратиб олинади, шундан сўнг у юмшоқлашиб, осон пишадиган хусусиятга эга бўлади. Сорго ёрмасидан турли парҳез таомлар тайёрланади. Бугунги кунда республикамиз далаларида қуйидаги навли сорго донлари экилади: “Карлик Ўзбекистана”, унинг ҳосилдорлиги 75 – 82 ц/ га ва “Ўзбекское - 5”, ҳосилдорлиги 45- 50 ц/га.

Нўхот дуккакли ўсимликлар гурухига киради, унинг уруғи қалин қобиқли бўлиб, унинг тагида иккита дон палласи эндосперм жойлашган, у 90 – 94 % ни ташкил қиласди. У ўртача 27, 8% оқсил, 6-10 % уруғ қобигидан ташкил топган. Нўхот асосан шар шаклида бўлиб, юзаси текис. Нўхотнинг муҳим технологик белгиси – унинг рангидир. У оқ, сариқ, оч қизил, яшил рангли бўлади. Нўхотдан ёрма корхоналарида оқланган нўхот, чақилган оқланган нўхот ва майдалangan ёрмалар олинади. Ёрма заводлари I типли озуқавий нўхотдан фойдаланилади, у икки турга бўлинади: сариқ нўхот (турли хиллари билан) ва яшил нўхот (турли хиллари билан). Нўхотнинг асосий технологик кўрсаткичлари унинг йириклиги, тўла етилганлиги ва тез пишувчанлиги. Нўхот дони 1000 донасининг оғирлиги қанча юқори бўлса (120-350 г) технологик жараёнлар шунча самарали ўтади.

Ёрма заводлари ёрма олиш учун келтирилиётган донлар сифатлилик кўрсаткичларидан ташқари ҳар хил рангли аралашмалардан холи бўлиши керак, чунки тайёр ёрмалар турли рангда бўлиб, уларнинг пишиш вақтлари ҳам турлича бўлади. Бунда турли рангли нўхот донларининг 10 % дан

ортишига рухсат этилади.

3. Омихта ем ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Омихта ем саноати мамлакат агросаноат мажмуидаги етакчи соҳалардан бири ҳисобланади. Соҳанинг чорвачилик ва паррандачиликдаги аҳамияти бекиёс ва биз кундалик ҳаётда истеъмол қиласиган гўшт, сут, тухум каби маҳсулотларнинг сифати бевосита шу соҳага боғлиқ.

“Ўздонмаҳсулот” ДАҚ нинг омихта ем саноати бошқармасидан берилган маълумотларга назар ташласак, 1991 йилгача республикамиизда йилига 2275.0 000 тонна омихта ем тайёрланган, бу йўналишда 30та корхона фаолият кўрсатган бўлса, истиқлол йиллари корхоналар сони 11 тага кўпайганинг шоҳиди бўламиз. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2714.7 000 тоннага етказилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Жиззах вилоятининг “Дўстлик дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятида бир кунда 265 тонна, Қашқадарё вилоятининг “Яккабоғ дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятида кундалик қуввати 100 тонна бўлган омихта ем цехлари ишга тушурildи. Худди шундай корхоналар 2002 йили Тошкент вилоятининг “Оқ олтин дон маҳсулотлари” (кундалик қуввати 650 тонна), 2013 йили “Тошкент дон маҳсулотлари” (кундалик қуввати 150 тонна) акциядорлик жамиятларида ҳам очилиб. Маҳсулот бера бошлади. 2014-2015 йилларда Наманган вилоятининг Поп, Сирдарё вилоятининг Ховос, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳарларида ҳам омихта ем корхоналари бунёд этилди.

Мустақиллик йилларига қадар омихта ем саноати учун зарур қўшилмапремикслар собиқ иттифоқ республикаларидан келтирилар, бу эса ортиқча сарф-харажатларга сабаб бўларди. Иттифоқ тарқаб, иқтисодий алоқалар чигаллашиб қолгач, сарф-харажатлар ундан-да ортиб кетди. Юзага келган муаммо-хом ашё танқислигини бартараф этиш мақсадида “Ўздонмаҳсулот” корпарацияси мутахассислари премикс заводи лойиха-смета хужжатларини

тайёрладилар. 1996 йили “Тошкент дон маҳсулотлари” акционерлик жамияти имкониятлари, майдонларидан самарали фойдаланиш ҳисобига Венгрия билан ҳамкорликда “Макка ИКР Баболна” қўшма корхонаси ташкил этилди. Марказий Осиёда ягона ушбу корхона айни пайтда йилига 30 минг тонна маҳсулот-чорва моллари ва паррандалар озуқасида витаминалар ва микроэлементлар манбаи ҳисобланган премикслар етказиб бериб турибди.

Кейинги икки-уч йилда ҳам жойларда бир нечата омихта ем корхоналари бунёд этилдики, бу билан иқтисодий тежамкорликка эришилди. Маҳсулотларни ташиш ҳаражатлари, ёнилғи-мойлаш материаллари билан боғлиқ сарфлар бир қадар қисқартирилди. Энг муҳими, ўша худуддаги талабгорларнинг, фермер хўжаликларининг эҳтиёжлари қондирилди. Хоразм вилоятининг Шовот, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Навоийнинг Қизилтепа туманларида, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида кунига 50 тонна, Фарғонанинг Бағдод, Андижоннинг Кўрғонтепа, Қорақалпағистон Республикасининг Қўнғирот туманларида кунига 100 тонна миқдорида маҳсулот тайёрлаш қувватига эга омихта ем корхоналари ишга тушурилди. Республика вилоятларидаги шу тур корхоналарнинг аксарида сервитамин ўт уни линиялари ўрнатилди. Ушбу линияларнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ийл сайин ортиб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда. 2008-2009 йилларда 3,5 минг тонна витаминли ўт уни чиқарилган бўлса, 2010 йилда маҳсулот ҳажми 5,5 минг тоннани ташкил этди.

Корхоналарда яна шу нарсага аҳамияти берилляпти, энди омихта ем маҳсулотлари замонавий талаблар даражасида сифатли бўлибгина қолмай, уларнинг тўйимлилиги, таркибидаги озуқа моддаларнинг белгиланган миқдорда етарли бўлиши назорат қилинмоқда. Чорва моллари, паррандалар ва балиқларнинг ривожнишида муҳим ҳисобланган, таркибидаги протеин моддаси мавжуд бўлган омихта ем эндиликда гранула шаклида, яъни кумоқланган ҳолда сотувга чиқарилаяпти. Айни пайтда гранулали омихта ем линиялари корпорациянинг 7 та корхонасида-Тошкент, Бағдод. Қува, Бофот,

Қўнғирот акциядорлик жамиятлари, Самарқанд ва Навоий дон маҳсулотлари акциядорлик уюшмаларида фаолият кўрсатмоқда.

Чорвачиликни саноат негизида янада ривожлантириш хўжаликларда вужудга келтирилаётган озуқа базасининг фақат миқдорини емас, балки сифат таркибини ҳам яхшилашни талаб қилмоқда.

Комбикормовые заводы PETKUS



Healthy Grain.
Safe Feed.
PETKUS.

Озуқа базаси таркибида барча керакли биологик актив ва озиқ моддалар бўлган, юқори сифатли ем-хаشاқдан иборат бўлиши керак. Чорва Молларни тўйимли ва сифатли емлар билан боқишини ва ем-хашақдан фойдаланиш самарадорлигини оширишни ташкил этиш чорва моллари маҳсулдорлигини оширишнинг энг яхши натижа берадиган омилидир. Чунки маҳсулот этиштириш учун қилинган сарфлар таркибининг 60% ини ва ундан ҳам кўпроқ қисмини ем-хашак ташкил этади.

Турли озуқалардан тўғри танлаб олинган омихта емлар тўла қимматли бўлади, чунки бир хил озуқада бўлмаган моддалар иккинчи хил озуқада

бўлади ва шундай қилиб, бир-бирининг ўрнини тўлғизиб, тўла қимматли озуқа ҳосил қиласди ва бу аралаш емнинг озиқавийлик қиймати айrim озуқадан ёки бир хил арадашма озуқадан юқори бўлади.

Омихта ем аниқ кўрсатма асосида тайёрланади. Барча омихта емлар икки гурухга бўлинади: тўла рационли ва концентрат омихта емлар.

Концентрат омихта емлар дағал, ширадор (серсув) ва бошқа маҳаллий озуқаларга қўшишга мўлжалланган, улар бир хил сочилиувчан масса, брикет ва гранула (дона-дона қилиб майдаланганди) шаклда тайёрланади.

Тўла рационли омихта емлар ўзлаштирилиши (озиқлиги) жиҳатидан тўла қимматли бўлади, молларга бошқа нарса қўшмасдан берилади ҳамда кўпинча брикет ва гранула шаклда тайёрланади.



Тўла рационли омихта емлар бўйи 160-170

мм, эни 70-80 мм ва қалинлиги (баландлиги) 30-60 мм бўлган одатдаги ғишт шаклида тайёрланади. Республикамиз дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи корхоналарида йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3,0 миллион тоннадан юқори бўлган 36 дан ортиқ омихта-ем заводлари фаолият юргизмоқда. Улар барча турдаги ҳайвонлар, паррандалар ва балиқларни ёшига мос холда тўла рационли омихта-ем билан таъминлашга қодирдир. Омихта-ем заводлари барча турдаги истеъмолчиларни, айниқса саноат асосидаги чорвачилик ва паррандачиликни сифатли ем билан узлуксиз таъминлаш учун республикамизнинг барча регионларига жойлаштирилган.

Омихта-ем ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида дон ва унинг чиқинди маҳсулотлари (кепак) асосий ўринни эгаллайди. Бинобарин, уларнинг омихта-ем таркибидаги миқдори кейинги йилларда дон тахчиллиги оқибатида анча камайди. Соя кунжараси, балиқ уни, дон ва премикс каби маҳсулотларни келтириш кескин кисқарди.

Омихта-ем тармоқларининг асосий иш йўналишлари қуидагилардан иборат:

ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ишлаб чиқариладиган омихта-емлар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда озиқавийлиги жиҳатидан юқори самарали маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш.

Омихта-ем ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида республикамизда йилига 40 минг тоннага яқин маҳсулотлар чиқарадиган витамин-ўт уни линияси барпо этилди. Витаминли ёт унининг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалари расионга киритилиши фақатгина емни бойитиб қолмасдан балки унинг озиқавийлик қийматини оширади, бир вақтнинг ўзида у маҳаллий хом ашё бўлиб хизмат қиласди.

Омихта-ем ишлаб чиқаришда изланишларни давом эттириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ноанъанавий ресурслари: “Ноу Хоу” технологияси бўйича олинган оқсил концентрати, тут ипак қурти ғумбанлари, озиқ-овқат ва консерва саноати чиқиндилари (олма ва помидор турпи, қуриқ барда) ни жалб этиш лозим.

Доимо дехқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва хусусий корхоналарда қўшимча дон сотиб олиш механизмини такомиллаштириш лозим.

Катта ва ёш қорамоллар учун оддий ем ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида асосан кепак, ун заводлари чиқиндилари, шунингдек юқоридаги туманларда тайёрланган донлардан фойдаланилади.

-омихта-ем, оқсил витаминли қўшимчалар, премикс, корбамид концентратлари ишлаб чиқариш бир қанча мураккаб технологик жараёнларда амалга оширилади. Бу жараёнлар тайёрланадиган маҳсулот ва маҳсулотни тайёрлашда керак бўладиган хом ашёни турига боғлиқ холда бир маротабали

ёки бир қанча технологик линияларни ўз ичига олган кўп маротабали бўлиши мумкин.



Омухта-ем, оқсил витаминли қўшимчалар, премикс, карбомид концентратлари ишлаб чиқаришда турли хил хом ашёлар, компонентлар, қўшилмалар, шунингдек биологик актив моддалардан фойдаланилади. Омихта-ем ишлаб чиқаришини қуидаги асосий турлари мавжуд. Омихта ем физик хоссалари бўйича қуидаги турларга ажралади: сочиувчан, брикетланган, донадор ва галеткўринишидаги емлар.

Сочилувчан омихта ем етарлича бир хил майдаланган маҳсулотдир. Уни ишлаб чиқаришда ингредиентлар бегона аралашмалардан тозаланиб, қобиқсизлантирилади ва майдаланилади. Тайёрланадиган ингредиентлар меъёргачка аралаштиргичдан ўтказилади.



Брикетланган омихта ем одатда тўлиқ рационли ҳолатда ишлаб чиқарилади. Брикетлар саккизбурчак шаклга эга бўлиб, узунлиги 160-170 мм, кенглиги 70-80 мм, қалинлиги 30-60 мм. Уларни ишлаб чиқариш учун майдаланган ингредиентлар ва пичан аралашмаси тайёрланади. Олинган оқувчан масса маҳсус аралаштиргичга тушади ва бир вақтнинг ўзида ундан меъёргачка аралаштиргичдан ўтказилади. Майдаланган ингредиент, пичан ва меласса аралашмасидан ташкил топган масса прессларга тушиб, брикетланади.

Донадор (гранулали) омихта ем маълум диаметр ва баландликдаги унча катта бўлмаган цилиндр шаклли гранула деб аталувчи оқувчан массани намоён қиласида. Ишлаб чиқаришда: қуруқ ва хўл усул гранулалар қўлланилади.

Грануляли омихта ем одатда паррандалар ва ҳовуз балиқларини боқиши учун ишлатилади.

Галетлар тешикли түғри бурчак шаклида кулча күринишида бўлади. Уни ишлаб чиқариш учун, аввал, солувчан омихта ем олинади, сўнгра ундан ачитқили хамир қорилиб, галетлар пиширилади ва қуритилади.

Омихта ем таркиби ва ем-характик қиймати бўйича икки асосий гурухга бўлинади: тўлик рационли ва концентратли.

Дон омихта-емнинг асосий хом ашёси ҳисобланади. Омихта-ем таркибида доннинг улуши 65-70 % гача боради. Донлар хусусиятига кўра уч гурухга бўлинади: бошоқли донлар, дуккакли донлар ва мойли донлар.

Бошоқли донларга буғдой, арпа, сули, жавдар, жўхори, маккажўхори, тарик ва бошқалар киради. Бу турли донлар таркибида кўп миқдорда углевод (крахмал) ва оз миқдорда оқсил мавжуд бўлади. Бошоқли донлар В гурух витаминларига бой ҳисобланади. Бошоқли донлар майдаланган ҳолида, баъзан бутунлигича (паррандалар учун) ишлатилади.

Омихта-ем ишлаб чиқаришда мазкур донларнинг ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ҳам фойдаланилади. Дон чиқиндиларида донли аралашмалар ва кепак киради. Донли аралашма ва кепак тўйимлилиги жиҳатидан паст турсада, аммо витаминлар ва минералларга бойлиги билан дондан юқори туради.

Дуккакли донларга нўхот, соя, люпин ва бошқалар киради. Бу донлар оқсилга (протеин) бойлиги билан ажralиб туради. Омихта-ем ишлаб чиқаришда дуккакли донлардан маҳсулотни оқсилга бойитиш мақсадида фойдаланилади.

Мойли донларга қунгабоқар, пахта, зифир ва бошқалар киради. Улар омухта-емга яхлит ҳолида қўшилмайди, балки ёғ-мой саноати чиқиндилари кунжара ва шрот ҳолида ишлатилади.

Мойли экин донлари ёғ ва оқсилга бой ҳисобланади. Шу билан бирга баъзи турларида заҳарли моддалар (госсипол, синил кислотаси) ҳам мавжуд.

Омухта-ем таркибида бу моддалар миқдори белгиланган кўрсатгичдан ортиб кетмаслиги керак.

Ўт уни омихта-емнинг қимматли хом ашёси ҳисобланади. Ўт уни ўриб қуритилган ўтни майдалаш орқали ҳосил қилинади. Ўт уни оқсил, каротин, А ва бошқа витаминларга бой маҳсулот ҳисобланади.

Омихта-ем ишлаб чиқаришда озиқ-овқат қанд, крахмал, патока, спирт ва пиво саноати чиқиндиларидан кенг фойдаланилади. Қанд саноати чиқиндисига қанд лавлаги турпи (жом) ва озуқавий патока (меласса) киради. Қуритилган лавлаги турпи таркибида кўп миқдорда углевод мавжуд бўлиб, кавш қайтарувчи ҳайвонлар учун қимматли озуқа ҳисобланади. Меласса суюқ кўринишга эга, унинг таркибида 50 % гача эрувчан углеводлар мавжуд. Меласса ҳайвонлар организмида жуда яхши хазм бўлади.

Спирт ва пиво чиқиндиларига майдалангандон қолдиқлари ва қуритилган барда киради. Бу маҳсулотлар тўйимлилиги жиҳатидан донга яқин туради.

Ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланган озуқаларга балиқ уни, , суяк уни, қуритилган суяк мисол бўла олади. Булар ҳайвон оқсилига бой қимматли маҳсулот ҳисобланади. Омихта-ем таркибига юқори энергия манбаи бўлган ҳайвон ёғлари ҳам оз миқдорда қўшилади (одатда 2-5 %).

Омихта-емларни минераллар билан бойитиш мақсадида кўпгина моддалар-бўр, фосфатлар, ош тузи ва бошқалардан фойдаланилади. Шунингдек ем таркибига хилма-хил биологик фаол моддалар қўшилади. Уларга витаминалар, микроэлементлар, антибиотиклар ва бошқалар киради. Бу моддалар ҳайвонлар соғлиғи учун муҳим ҳисобланади. Биологик фаол моддаларни қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

- озуқавий ва бошқа антибиотиклар;
- витаминли препаратлар;
- микроэлементлар (темир, мис, олтингугурт, кобалт, марганес, ёд;
- аминокислоталар (лизин, метионин);
- антиоксидантлар (сантохин, дилудин, бутилокситолуол-БТО);
- тинчлантирувчи моддалар-травивилизаторлар;

-органик кислоталар (сут, пропион ва б.);

-доривор препоратлар ва б.

Омухта-ем ишлаб чиқаришда мазкур хом ашёлар билан чекланиб бўлмайди, балки емнинг қимматлилигини оширишнинг самарали манбааларини излаб топиш лозим. ем таркибидаги доннинг улушини камайтириш ва бошқа турдаги маҳсулотлар билан бойитиш муҳим вазифалардан биридир.

Омихта- емни жойлаштириш ва сақлаш.

Маълумки омухта ем мураккаб таркибли, ҳамда микроорганизмлар зааркундалар тез ривожланадиган ва тез бузилувчан маҳсулот ҳисобланади. Шунинг учун улар алоҳида жойлаш ва сақлаш тадбирларини талаб этади.



Омихта емлар омборхоналарга тури ва рецептлари бўйича алоҳида-алоҳида жойлаштирилади. Омихта ем маҳсулотлари турига кўра турли қопларда ва

уюм ҳолида сақланиши мумкин. Қопларда сақланганда штабелнинг баландлигини қатордан ортиб кетмаслиги лозим. Претикелар Қозғалықтарда (ҳажми 20-25кг) тагликлар устида жойлаштирилади. Омихта ем уом ҳолида сақланганда уюмнинг баландлиги унинг намлиги, таркиби ва ҳароратга боғлик равища белгиланади. 19% намлиkkача бўлган омухта емлар 4м, намлик 13% дан юқори бўлган омухта емлар 2.5м баландликда жойлаштирилади.

Омихта емнинг баъзи сочилувчан турлари, масалан карбамидли ишлар, карбамид концентрати, меласса карбамид аралашмали емлар ва бошқа турдаги емларни силос типидаги омборхоналарга жойлаштириш мумкин. Сақлаш давомида уларнинг ҳарорати, намлиги, зааралanganлиги, хиди ва бошқа кўрсаткичлар кузатиб борилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ун ишлаб чиқаришда қўлланилаётган инновацион технологиялар ҳақида маълумот беринг.
2. Ун ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот беринг.
3. Ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари.
4. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қандай ёрма маҳсулотлари турларини биласиз?
5. Ёрма маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талабалар.
6. Омихта ем ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялар.
7. Ўзбекистонда ун, ёрма ва омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ҳақида нималар биласиз?
8. Ўзбекистонда ун, ёрма ва омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ўзида инновацион технологияларни акс этган технологик жиҳозлар ҳақида, линиялар ҳақида нималар биласиз?

2-маъруза. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Режа:

1. Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари.
2. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари.
3. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари.

Таяинч иборалар: ун, сув, хамир, бижгиш, опара, қолип, Макарон маҳсулотлари; А гуруҳидаги макарон маҳсулотлари; Б гуруҳидаги макарон маҳсулотлари; В гуруҳидаги макарон маҳсулотлари; 1-синф макарон маҳсулотлари; 2-синф макарон маҳсулотлари; найсимон макарон маҳсулотлари; макаронлар, шохчалар, перолар; ипсимон макарон маҳсулотлари; тасмасимон макарон маҳсулотлари; шаклдор макарон маҳсулотлари; хом ашёни тайёрлаш, макарон хамирини тайёрлаш; хамирга шакл бериш; нам маҳсулотларни бўлаклаш; қуритилган маҳсулотларни совутиш; макарон маҳсулотларини қадоқлаш ва жойлаш.

Нон қадим – қадимдан улуғланб инсоннинг кундалик истеъмолида муқаддас азиз ҳисобланган неъматdir. Археологик маълумотларга кўра бошоқли ўсимликлар донларини пишириб истеъмол қилиш милоддан 10-15 минг йил муқаддам бошланган деб тахмин қилинади. Йирик шахарларнинг пайдо бўлиши саноатнинг тараққий қилиши нон ишлаб чиқаришни кенг кўйламда ташкил этишни тақазо этди.

Нон энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида нонвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида ўзбек халқ пазандалигида тандирда ёпиладиган оби гижда патир, ширмой нонларнинг ўнлаб хиллари (турлари) яратилган.

Узоқ асрлар давомида шаҳарлар ва йирик қишлоқларда ноннинг юзлаб турлари кашф этилган ва тандирда пиширган нонвойлар шухрат қозониб келган. Биринчи нон пиширадиган саноат корхонаси – Тошкент нон заводи 1929 йилда ишга туширилган.

Кейинги йилларда барча йирик шаҳарга, туман марказларига, кичик қишлоқларга нон заводлари, нонвойхоналар қурилган. Ўзбекистонда нон саноати европача нон турларини ишлаб чиқарадиганнон заводлари ва нонвойхоналарни қуриш йўналишида ривожланди.

1960-1985 йилларда Тошкент, Жиззах, Нукус, Ангрен каби шаҳарларда катта (100 т/с) ва ўрта (30 т/с) қувватга эга бўлган 15 та нон заводи қуриб ишга туширилди. Нон ишлаб чиқариш корхоналарида миллий нонларни саноат усулида ишлаб чиқариш имкониятини берадиган (Брувер-Салихов, Данъко-Семенов) печлари ўрнатилди. 1986 йилда нон корхоналарининг умумий қуввати 18867 т/сутка нон маҳсулотларини ташкил этди (миллий нонлар ҳиссаси 18% бўлди). 1987 йилда нон корхоналари республика Озиқовқат саноати вазирлигидан, Донмаҳсулотлари вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Нон саноати корхоналарида нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади.

Республика мустақилликка эришгандан кейин, айниқса шаҳар аҳолисини нон билан таъминлаш мақсадида нон саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан қайта жихозлаш, нон турларини кўпайтириш йўналишларида муҳим ишлар амалга оширилди. Даҳа ва гузарларда кичик нон корхоналари ишга туширилди. 1995 йилда “Ўздонмаҳсулот” давлат акциядорлик корпорацияси таркибида 4 нон ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент, Янгийўл, Фарғона, Қарши) 21 нон заводи шлади. Бу корхоналарда бир суткада 1300 тоннадан зиёд нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Нон саноати корхоналари “Ўзбекбрлашув” тизимида ҳам ривожланган. Бу тизимда 242 корхона, 3 мингга яқин тандир (нонвойхоналар), кичик корхоналар ва улар бир суткада 2273 тоннадан кўпроқ нон-булка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Тармоқдага энг йирик корхоналар – Тошкент нон саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси деб аталган ва унинг таркибида 6 та нон заводлари бўлган.

Тошкент нон уюшмаси 1995 йил ташкил этилган бўлиб, хозирги кунда ўз таркибида 36 та нонвойлик корхоналарини бирлаштириб, пойтахт

аҳолисини нон, нон маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Аввал Тошкент шаҳрида 6 та нон заводи, бир неча цехлар аҳолининг нонга бўлган талабини тўла қондира олмагани учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шахарнинг барча туманларида 1994–1999 йилларда замонавий кичик нонвойлик корхоналар фирма дўконлари билан бирга қурилиб, уларга хорижий ва замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бунинг натижасида корхоналарни нон ишлаб чиқариш қувватлари суткасига 696 тоннага етказилди, ишчилар сони 1379 тага етди. Аҳолини талабини тўла қондирish учун 37 хил турда, суткасига 400-450 тн. нон ва нон маҳсулотлари ишлаб, чиқарилиб савдо тармоқларига етказиб берилмоқда.

Аҳолини дастурхонига пархезли шифобахш кичик вазнли нон – булка маҳсулотлари етказиб бериш хажми 2-3 бараварига ортди.

“Тошкент нон” уюшмаси хозирги кунда Республикализ Президентининг 2003 йил 21 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётига ҳусусий секторларнинг улуши ва аҳамиятининг тубдан ошириш чора тадбирлар тўғрисида”ги ва 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимида такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги “Ҳусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришнинг такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ихтиёрий, нодавлат, нотижорат ташкилот фаолият кўрсатиб келмоқда.

2003 йилга келиб “Ўздонмаҳсулот” тизимида ҳар бири суткада 3 т.дан 120т.гача нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 200 дан ортиқ нон заводлари ва кичик нонвойхоналар фаолият кўрсатди. Уларда дунёдаги энг илғор “Винклер” (Германия) ва “Экмосан” (Туркия) каби фирмаларнинг замонавий жихозлари ўрнатилган.

“Тошкент нон” нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналар 2008 йил давомида бозор иқтисоди талаблари асосида пойтахтимиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда тегишли вазифаларни бажардилар. 2008 йилда уюшма бўйича

38 миллиард 783 млн. 78 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишга эришилди, берилган буюртмалар тўла бажарилиб, суткасига 450.0 тн маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уюшма таркибидаги корхоналарда маҳсулот сифатини назорат қилишга, ишлаб чиқариш лабораторияларини замонавий жихоз ва ускуналар билан тўлдирилди.

Юқорида буғдой нонини суюқ ачитқиларда опара усулида ишлаб чиқаришнинг функционал схемаси кўрсатилган. Технологик жараённинг бундай ишлаш варианти ҳозирги замонавий нонвойлиқда энг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг энг мураккаб қисми – суюқ ачтқилар, хамиртуруш ва опарани тайёрлаш ҳисобланади.

Тузилмавий схемада технологик жараённинг машиналари ва аппаратлари чиқиш ва киришга эга бўлган тўғри тўртбурчаклар кўринишида блоклар ва элементлар билан ифодаланган. Стрелкалар билан моддий ва энергетик оқимларнинг ҳаракат йўналиши кўрсатилган. Тузилмавий схемада ахборот оқимлари акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009, 2010, 2012 йиллардаги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ассортиментларини кўпайтириш, инвестиция лойиҳаларни амалда жорий этиш натижасида корхона унумдорлигини ошириш каби тадбирлар белгилаб берилган.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий, тежамкор технологик ускуналар ўрнатилди. Соҳа корхоналаридаги нон цехлари модернизация қилиниб, уларга Германиянинг «Wachtel» компанияси ишлаб чиқарган 36 та замонавий технологик линиялар ўрнатилиб ишга тушурildi. Ушбу технологиянинг асосий самарадорликларидан бири, нон пишириш жараёни автомат равища компьютер ёрдамида паст босимли газ ёқилғида амалга оширилади. Натижада нон маҳсулотларининг сифати яхшиланди ва нон ишлаб чиқариш хажми ва турлари кўпайди. Электр энергия ва газ сарфи камайди. Компания тизимида тегирмон цехларини модернизация қилиш, техник ва технология

билин жиҳозлаш, янги нон ва макарон цехларини қўриб ишга тушириш мақсадида Швейцариянинг «Бюлер», Германиянинг «Wachtel», Россиянинг «Русская трапеза» компаниялари билан хамкорлик қилиш йўллари йўлга кўйилди. Натижада 2012-2013 йилларда соҳа корхоналарида 29 та янги нон цехларидаги «Wachtel» компанияси ишлаб чиқарган технология ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозирги кунда Республикада нон саноати корхоналарида 300 хилдан кўпроқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Инсон ва умуммиллат соғлиги кўп жиҳатдан овқатланиш рациони билан белгиланади. Мамлакатимиз аҳолиси учун дон ва нон-булка маҳсулотлари – энергия ва озуқа моддаларининг асосий манбаи ҳисобланади. Ушбу маҳсулотлар инсоннинг бир кеча-кундузлик талабини оқсиллар бўйича қарийб 25-30% га, углеводлар бўйича – 30-40, витаминлар (айниқса В гурух), минерал моддалар ва озуқа толалари бўйича – 20-25% га қондиради.

Ўзбекистон аҳолисининг овқатланишида нон-булка маҳсулотлари муҳим рол ўйнайди. Мазкур маҳсулотлар кундалик овқатланишда истеъмол этилади, шу боис озуқа қиммати биринчи даражали аҳамиятга эга ҳисобланади. Нонда асосий озуқа моддалари – оқсил ва углеводларнинг нисбати қулай эмасдир, яъни тиббий тавсия этилган 1:4 нисбат ўрнига уларда бир қисм оқсилга тахминан олти қисм углеводлар тўғри келади.

Ҳозирги кунда аҳолини баланслаштирилган озиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда озиқ-овқатлар алоҳида компонентларининг қулай нисбати ва миқдори кўзда тутилган. Мазкур меъёрлар инсоннинг жинси, ёши ва фаолият доирасига мувофиқ тузилган.

Оқсиллар, углеводлар, ёғлар, витаминлар ва микроэлементларга бой нон-булка маҳсулотларини истеъмол қилиш кам миқдорда моддий харажатлар сарфлаган ҳолда инсоннинг физиологик талабини етарлича тўлдириш имконини беради.

Нон-булка маҳсулотлари – таркибида инсоннинг нормал ҳаёт фаолияти учун зарур оқсиллар, углеводлар, липидлар, витаминлар, минерал моддалар

ва озуқа толалари каби озуқа моддалари мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари юқори энергетик қиммати, енгил хазм бўлиши ва яхши ўзлаштирилиши, таъмининг ёқимлилиги, оммавий истеъмол этиладиган бошқа кўпгина маҳсулотларга нисбатан анча арzonлиги билан ажralиб туради.

Дунёning кўпгина ривожланган мамлакатларида ноннинг истеъмол этилиш даражаси жами истеъмол этилувчи озиқ-овқатлар умумий вазнининг қарийб 20-25% ини ташкил этади.

Ўртacha 250-300 г дон маҳсулотлари (нон, ёрма, макарон маҳсулотлари) истеъмол этилиши ҳисобига инсоннинг бир кунлик талаби овқатланиш бўйича 1/3 қисмга, ҳаётий энергия бўйича – 30-50%, В гуруҳ витаминлари бўйича – 50-60, Е витамини бўйича – 80% га қондирилади. Буғдой, жавдар ва бошқа экинларнинг донлари таркибида В₁, В₆, РР, Е витаминлари ва фолат кислотасининг микдори инсон организмининг талабига мос келади. Бинобарин, 100 г дон ушбу витаминларнинг ҳар бирига бўлган бир кечакундузлик талабни 20-30% гача қондиради.

Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни қуйидаги асосий босқичлардан иборат: хом ашёни қабул қилиш ва сақлаш; хом ашёни ишлаб чиқаришга узатишга тайёрлаш; хамир тайёрлаш; хамирни ишлаш; пишириш; пиширилган маҳсулотларни сақлаш ва уларни савдо тармоқларига жўнатиш. Мазкур босқичларнинг ҳар бири ўз навбатида алоҳида, изчил амалга оширилувчи ишлаб чиқариш операциялари ва жараёнларни ўз ичига олади.

Технологик жараён одатда технологик схема билан ифодаланади, унда хом ашё, ярим фабрикатлар ва якуний маҳсулотларнинг технологик оқими турлари, машина ва аппаратларни бириктириш типлари ва усуллари акс этади, шунингдек технологик жараёнларнинг кетма-кетлиги келтирилади.


Технологик жараённи шаклантиришда уни қуйидаги турли схемалар кўринишида ифодалаш мумкин: технологик, функционал ва тузилмавий.

Функционал схема бутун технологик жараённинг ишлаши тўғрисида,


яъни технологик операцияларнинг тартиби ва уларнинг ўзаро алоқаси тўғрисида тушунча беради ва унда оқимлар ҳамда алоҳида элементларнинг тавсифи тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуд бўлмайди.

Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг функционал схемаси қуидаги расмда келтирилган.

Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг функционал схемаси



Бүгдой нонини суюқ ачитқиларда опара усулида ишлаб чиқаришнинг функционал схемаси: – ярим фабрикатлар



Нон ишлаб чиқариш жараёнларини қўйидаги асосий босқичларга бўлинади:

- *опара тайёрлаш ва хамир қориши*
 - *хамирни бўлиш ва шакл берииш (қолиплаш)*
 - *пиишириши*
- Опара тайёрлаш ва хамир қориши*

Опара— бу хамир учун суюқ ачитқи бўлиб, ун, хамиртуруш ва сувдан ташкил топгандир. Ун қанчалик ўзига сувни ютса, шунчалик нон маҳсулот бўрсилдоқ ва ўзини янгилигини узоқ сақлаб турувчи бўлади. Опарали усулда нон тайёрлаш бу нон маҳсулотларини сифатини яхшилашнинг классик усулидир. Ушбу жараён узоқ вақт ва кўп ҳаражатлилиги ҳамда ишлаб чиқариш циклини оширишини ҳисобга олмагандა якуний маҳсулот тўлиқ табиий дея оламиз.

Қўйида келтирилаётган замонавий жиҳоз ҳозирги кунда нон ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлмаган опарани ёпиқ усулда тайёрлашни таъминлайди. Ушбу босқич тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, у 14 соат давомида кечади.



Тайёр опара дежа — катта күзгалувчи тоғораларга күйилади.



© altertravel.ru | zyalt.livejournal.com

Рецепт ва компьютер орқали берилган дастурга кўра мутахассислар хамир қориш учун опарага зарур ингредиентларни қўшадилар.



Ilya Varlamov | zyalt.livejournal.com

Кўшилаётган компонентлар миқдори бир грамм аниқликкача электрон тарозиларда ўлчанади.

Барча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун компонентларни тўғри ва аниқ кетма кетлиқда аралаштириш лозим.

Сўнгра дежа хамир қорувчи машина томон йўналтирилади.


Унинг қопқоғи дежани тўлиқ қопламаганлиги сабабли очик қолган тешик орқали хамир қориш давомида қолган компонентлар қўшиб турилади. Тўғри олиб борилган қориш жараёни ва компонентларни тўғри меъёрлаш пишгандан сўнг чиройли ташқи кўринишга эга тайёр маҳсулот гаровидир. фақатгина баъзи ҳолда хамирнинг таркибида шакар ва крахмалнинг миқдори кўп бўлганда, ноннинг устки қисми қизғишироқ ва ранги нотекис бўлиши кузатилади. Нон қобигида қанчалик ранглар туси кўп бўлса у шунчалик чиройли ва ёқимли кўринади.



chistoprudov.livejournal.com

Замонавий ҳаётимизга кимёning таъсирини ошганлигини ҳисобга олиб маҳсус компонентлар (яхшилагичлар) нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг

мехнат ҳаражати ва таннархини пасайтириш мақсадида яратилмоқда. Хом ашё қўшилишидан то тайёр маҳсулот бўлгунга қадар бўлган вақтни қисқартириш учун ундан кўра сувни тезроқ абсорбцияловчи моддалардан фойдаланилмоқда. Бундай қўшимчаларни ишлатилганда опара тайёрлаш босқичини қўлламаса ҳам бўлади. Бундай технологияда тайёрланган нонюмшоқ ва бўрсилдоқбўлади, лекин нисбатан тез суви қочади ва ўзининг таъм сифатларини йўқотади.



Тайёр бўлган хамир қўлланилагн ун навидан келиб чиқиб 14 соатдан то 28 соатгача туради. Паст ҳароратда унинг таркибида табиий ферментация жараёни рўй беради, хамир етилади, таъм ва ҳиди бойиди (ёрқиналашади).

Агарда ушбу босқични вақт жиҳатидан қисқартириладиган бўлса, у ҳолда ноннинг таъми ва ҳиди бошқа йўл орқали турли ҳид берувчи моддалар, яхшилагичлар ва табиий таъмларга яқиноаштирилган қўшимчалар бойитилади. Бундай қўшимчаларни қўшилиши бир неча кун сақлангандан сўнг моғор билан касалланишни келтириб чиқаради. Одатда классик опара

усулда тайёрланган нон маҳсулотлари мөгорлаш касаллигига учрамаслиги зарур.

Ушбу қўшковектомат(пароконвектомат)да булочка маҳсулотлари учун начинкалар тайёрланади.



Ilya Varlamov | zyalt.livejournal.com

Начинкалар ва енгил хамирларни кувлаш учун миксер.



Замонавий жиҳозланган нон-булка ишлаб чиқариш линиясида ўнгдан чапга томон қараганда опара тайёрлаш учун жиҳоз, опарага компонентларни ўлчаш учун ва қўшиш учун, аралаштириш ва кувлаш учун мосламалар, чап томонда эса хаирни бўлаклаш ускуналари жойлаштирилган.



chistoprudov.livejournal.com

Одатда, хамирни бўлиш ва шакл беришда бирнеча линиялар қўлланилиши мумкин. Мазкур технологияда учта линия яъни ҳар бири маълум вазифани бажарувчи линиялар мавжуд. Биринчи линия — япония дастгоҳидир.




chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com

Унинг ўзига хослиги қўл ёрдамида умуман ишлов берила олмайдиган 85% намлиkkacha бўлган суюқ хамир билан ҳам ишлай олишидир.



chistoprudov.livejournal.com

Замонавий конвейер усулида хамир зуваловчи машина. Унинг ишлаши автоматик равишда амалга оширилади. Хамир бўлакларининг зарур узунлиги лазер ёрдамида кузатилади.



Хамир бўлакларини кесиш жараёни бошқариш блоки орқали бошқарилади.





chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com





chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com




chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



© altertravel.ru / альтернативный путеводитель



Ilya Vaylamo | zyalt.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com




chistoprudov.livejournal.com






chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



Ilya Varlamov | zyalt.livejournal.com



Ilya Varlamov | zyalt.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



Ilya Varlamov | zyalt.livejournal.com



Ilya Varlamov | zyalt.livejournal.com



chistoprudov.livejournal.com



2.Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари.

Макарон маҳсулотлари - ун ва сувдан, баъзида эса оқсилли бойитувчилар ёки таъм берувчи моддалар қўшиб тайёрланган ошпазлик ярим тайёр маҳсулоти ҳисобланади.

Макарон ишлаб чиқаришининг замонавий ҳолати ва ривожлантириши вазифалари.

Макарон маҳсулотлари угра ош, лағмон кўринишида Шарқда минг йилдан олдин тайёрланган. Тахминларга кўра, Марко Поло Шарққа қилган саёҳатидан сўнг (ХИИИ асрнинг охири) Европага макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини олиб келган. Аммо тарихий ҳужжатларда Италияда ХИИ асрнинг бошларида, яъни Марко Полонинг Хитойга қилган машхур саёҳатидан анча олдин макарондан таомлар тайёрланганлиги айтиб ўтилган.


Макарон маҳсулотларини саноатлаштирилган усулда ишлаб чиқарувчи корхоналар Италияда ХВИ асрнинг охирида, Россияда ХВИИИ асрнинг 60-йилларида (1797 йил Одесса шаҳрида), кейин эса Франсия ва Германияда вужудга келган.

Жаҳонда макарон маҳсулотларининг оммабоплиги ва уларга бўлган талабнинг ортиши туфайли макарон саноати тез ривожланди. Бу эса узок давом этувчи ва кўп энергия талаб қиласиган жараёнларни қисқартириш ва маҳсулот чиқишини ошириш имкониятини берадиган жадал технологияларни жорий қилишга йўл очиб берди. Илгариги каби бугунги кунда ҳам Италия, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва экспорт қилиш (четга чиқариш) бўйича олдинги ўриндаги мамлакат ҳисобланади: охирги ўн йилликда Италияда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1800-2500 минг тоннани ташкил қилган. Аҳоли жон бошига 26 кг (жанубий ҳудудларда йилига 40 кг дан ортиқ) макарон маҳсулоти тўғри келиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 20 фоиздан ортиғи чет мамлакатларга экспорт қилинади.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича АҚШ иккинчи ўринни эгаллайди. Йиллик ишлаб чиқариш 1300-1800 минг тоннани ташкил қилиб, аҳоли жон бошига 1987 йилда 7,4 кг ни ташкил қилган бўлса, 1990 йилда 8,4 кг ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич ҳозирги вақтда қарийб 14 кг га етди.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра МДҲ давлатларида аҳоли жон бошига йилига 7 кг макарон маҳсулотлари тўғри келади. Кейинги 10 йилда аҳоли овқатланиш ратсионида дон ва ун маҳсулотлари улушининг ортганилиги туфайли, Республикаизда истеъмол қилинадиган макарон маҳсулотларининг миқдори йилига 10 кг дан кам эмас деб тахмин қилиш мумкин.

Бундан 40-60 йил олдин макарон ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотлар гидравлик пресслардан фойдаланиб даврий (узлукли) усулда ишлаб чиқарилган (1-расм).



1-расм. Макарон маҳсулотларини гидравлик прессларда узлукли усулда ишлаб чиқариш технологик схемаси

Даврий ишловчи хамир қориш машинасининг тоғораси 1 га ун солиниб таҳминан 3:1 нисбатда сув қўйилган. Сув ва ун 20 мин давомида аралаштирилгач, йирик хамир тўдалари хамир думалатувчи 2 нинг дисксимон айланувчи столларига қўйилган. Столлар устида жойлашган силлиқ гранит ёки тарам-тарам чўян валлар ёрдамида хамир боғланган яхлит массага айлантирилган. Кейин хамир валлар 3 ёрдамида ёйилган, ўралган ва

30-40 мин намланган брезент билан ёпиб тиндирилган. Тайёр бўлган ўрамлар гидравлик пресс 4 га берилиб, 20 МПа босим остида матритсанинг тирқишиларидан ўтказиб нам маҳсулотлар ҳосил қилинган. Прессланган макаронлар вагонетка 5 нинг рамкаларига осилган ва қутишига олиб кетилган. Макарон маҳсулотлари қутиши камераси 6 да қутилган.

Қутиши камераси ҳавоси иситиладиган ёки камерали қутигичлардан иборат бўлган. Иссик иқлимли худудларда маҳсулотлар очиқ ҳавода қутилган (неаполли усул) ва қутиши вақтида сут кислотаси ҳосил бўлиши натижасида ширин мазали маҳсулот ҳосил бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярмида битта узлуксиз ишловчи агрегатда макарон маҳсулотлари тайёрлашнинг барча оператсиялари мужассам бўлган шнекли макарон пресслари пайдо бўлди.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кейинги ривожланишида узлуксиз ишловчи макарон прессларининг пайдо бўлиши ва улар асосида механизатсялашган линияларнинг яратилиши катта ҳисса қўшди.

Италияда макарон маҳсулотлари жиҳозларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Иккита машҳур италян фирмалари: «Браибанди» ва "Паван" - дунёning барча мамлакатларида фойдаланилаётган, узун, қисқа ва шаклдор макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мукаммал линияларни ишлаб чиқармоқда. Улар билан фақат Швейсариянинг «Бухлер» фирмасигина рақобатлашмоқда холос. «Браибанди» фирмасининг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи комплекс-механизатсялашган линиялари Тошкент ва Қува макарон ишлаб чиқариш корхоналарида, бошқа бир қатор фирмаларнинг линиялари эса Тошкент, Андижон ва Республикализнинг бошқа шаҳарларида самарали ишламоқда.

Кўпчилик корхоналарнинг макарон сехларида Ростов-на-Дону (Россия) машинасозлик заводидининг макарон ишлаб чиқариш жиҳозларидан фойдаланилмоқда.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1 хом ашё базасини келажакдаги ривожлантирилиши. Бу йўналишда Республика хукумати томонидан қаттиқ навдаги буғдой экиладиган майдонларни кенгайтириш, қаттиқ ва шаффофлиги юқори бўлган буғдойдан макарон уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилган;
- 2 хамирга асосан вакуум ишлов бериб, қориш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш;
- 3 тефлон вкладишли матритсалардан фойдаланиб хамирга шакл беришни такомиллаштириш;
- 4 қуритишнинг юқори ҳароратли режимларидан фойдаланиш;
- 5 тез пишадиган ва пиширишни талаб қилмайдиган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ва навларини кенгайтириш;
- 6 макарон ишлаб чиқаришда ноанъанавий маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш ва улар асосида шифобахш ва пархезбоп овқатланишга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрлаш ва бошқалар.

Макарон маҳсулотларининг озиқавийлик қиймати ва таснифи.

Саноатда ишлаб чиқариладиган макарон маҳсулотлари буғдой уни ва сувдан тайёрланган хамирни 13 % ва ундан паст намликгача қуритиб ҳосил қилинган озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.

Макарон маҳсулотлари тез пишиши (қайнатиш давомийлиги навига қараб 3-20 минут), бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхши мослашиши ва озиқавийлик қийматининг юқорилиги туфайли қундалик ҳаётда, умумий овқатланишда ва озиқавий концентратлар ишлаб чиқаришда жуда кенг қўлланилади.

Кўшимчаларсиз макарон маҳсулотлари таркибига қуйидагилар киради (%): оксиллар - 9-13, ҳазм бўладиган углеводлар – 76-78, ёғ - 1 атрофида, минерал моддалар - 0,5-0,9, клетчатка – 0,1-0,6. 100 г маҳсулотнинг энергетик қиймати тахминан 1400 кЖ ни ташкил қиласди. Макарон маҳсулотларининг углеводлари - 96 %, ёғлари - 93 %, оксиллари - 85 % гача ҳазм бўлади. Минерал моддалар ичида фосфор кўп миқдорни ташкил қиласди, аммо

калсийнинг миқдори кам. Витаминлардан Б ва ПП гурухига киравчи витаминалар кўпроқ миқдорда мавжуд.

Булардан ташқари, макарон маҳсулотлари бошқа афзаликларга ҳам эга: хоссаларини ўзгартирмасдан бир йилдан ортиқ сақланади; мутлақо эскирмайди, қоқнон, печеніе, донли қуруқ нонушталарга нисбатан гигроскопик хусусияти паст; ташишга чидамли.

Буғдой тури ва уннинг навига кўра макарон маҳсулотлари А, Б, В гурухларга ва 1, 2 синфларга бўлинади:

А гурухи - қаттиқ буғдой унидан тайёрланган маҳсулотлар;

Б гурухи - шаффоғлиги юқори бўлган юмшоқ буғдойдан тайёрланган маҳсулотлар;

В гурух - юмшоқ буғдойдан тортилган новвойлик унидан тайёрланган маҳсулотлар;


1-синф - олий навли ундан тайёрланган маҳсулотлар;

2-синф - биринчи навли ундан тайёрланган маҳсулотлар.

Масалан, А гурух 1- синфга киравчи макарон маҳсулотлари қаттиқ буғдойдан тортилган олий навли ундан тайёрланган, В гурух 2-синфга киравчи маҳсулотлар юмшоқ буғдойдан тортилган биринчи навли новвойлик унидан тайёрланган.

Таъм берувчи ва бойитувчи қўшимчалар қўшиб макарон маҳсулотлари тайёрланганида гурух ва синф кўрсаткичлари ёнига мос қўшим-чанинг номи ҳам қўшилади, масалан, Б гурух, 1-синф, тухумли, В гурух, 2-синф, томатли ва ҳоказо.

ГОСТ 875 га кўра макарон маҳсулотлари қўйидаги типларга бўлинади: найсимон, ипсимон (вермишель), тасмасимон (угра) ва шаклдор. Ўз навбатида санаб ўтилган макарон маҳсулотларининг типлари хилларга (подтипларга) ва турларга бўлинади.



2 – расм. Найсимон маҳсулотлар
а – макаронлар; б – шохчалар; в – перолар

1-жадвал

| Найсимон маҳсулотларнинг хиллари | Шакли | Маҳсулотнинг узунлиги, см |
|----------------------------------|---|---|
| Макаронлар | Тўғри ёки тўлқинсимон кесимли най | Калта – 14-20 см Узун – 20 дан кам эмас (икки букланган маҳсулот учун биринчи томоннинг узунлиги 20 см дан кам эмас, иккинчи томоннинг узунлиги чекланмайди) |
| Шохчалар | Тўғри кесимли тўғри ёки эгилган най | Ташқи эгри чизиғи бўйича - 1,5-4,0; «ҳаваскорлик» - 3,0-10,0 |
| Перолар | Қия кесимли тўғри най | Ўткир бурчагидан ўтмас бурчагигача 3,0-10,0 |
| Макарон синиклари | Деформатсияланган макаронлар, макарон синиклари ва қийқимлари | 5,0-13,5 |

Кўндаланг кесимининг ўлчамига кўра найсимон маҳсулотларнинг ҳар бир хили турларга бўлинади (2-жадвал), шу билан бирга уларни кесим шакли турлича бўлиши мумкин: айлана, квадрат, тарам-тарам ва бошқалар.

2-жадвал


Найсимон маҳсулотларнинг турлари

| Хиллар | Турлар | Кесими*, мм | Деворининг қалинлиги**, мм |
|-------------------------------|---|-----------------------------------|--|
| Макаронлар, шохчалар, перолар | Найча (перолар-дан ташқари) Махсус Оддий Ҳаваскорлик | 4,1-5,5 5,6-7,0 7,0 дан кўп | 1,5 дан кўп эмас (қадоқлаш бирлигидаги маҳсулотлар массасининг 5% гача 2,0 мм бўлиши мумкин) |

* Махсулотларнинг кесими ташқи диаметр бўйича аниқланади.

** Тарам-тарам ва гофрланган махсулотлар деворининг қалинлиги ботик жойлари бўйича аниқланади.

Ипсимон маҳсулотлар. – вермишел (3-расм) ҳам турли хил кесим шаклига эга бўлиши мумкин. Кесими ўлчамларига кўра вермишел қуидаги турларга бўлинади (мм): энг ингичка (0,8 дан кўп эмас), ингичка (0,9-1,2), оддий (1,3-1,5), ҳаваскорлик (1,6-3,0).



3 – расм. Ипсимон маҳсулотлар (вермишел)

а – узун; б – калта қирқилган

Узунлигига кўра, вермишел узунлиги 1,5 см дан кам бўлмаган - калта (калта қирқилган) ва узунлиги 20 см дан кам бўлмаган - узун (икки букланган ёки яхлит) ҳолда ишлаб чиқарилади. Агар маҳсулот туркуми таркибида узунлиги 20 см дан кам бўлган маҳсулотлар 20 % дан ортиқ бўлса, бу маҳсулот қисқа вермишел деб қабул қилинади.


Хорижда ишлаб чиқарилган узун вермишел - спагетти деб номланади.

Тасмасимон маҳсулотлар - угра (4-расм) ўлчами ва шаклига кўра қуидаги

турлар ва номларда ишлаб чиқарилади: силлиқ ёки тарам-тарам юзали; тўғри, арасимон, тўлқинсимон ва шу сингари четли угралар.

Угранинг кенглиги 3 дан 10 мм гача («Тўлқин» уграсининг кенглиги 25 мм гача) бўлиши керак. Угранинг қалинлиги 2 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак. Угра узунлигига кўра худди вермишел сингари узун ва калта кесилган маҳсулотларга бўлинади. Угра туркумida ҳам узунлиги 20 мм дан кам бўлган


маҳсулотлар 20 % дан ортиқ бўлса, у калта маҳсулотлар туркумига ўтказилади.



4 – расм. Тасмасимон маҳсулотлар (угра)

а – узун; б – калта қирқилган

Шаклдор маҳсулотлар (5-расм) пресслаш ёки штамплаш йўли билан тайёрланади. Шаклдор маҳсулотлар исталган шакл ва ўлчамларда ишлаб чиқарилиши мумкин, аммо маҳсулотнинг исталган қисмининг кесимидағи энг катта қалинлиги прессланган маҳсулотлар учун 3,0 мм, штампланган маҳсулотлар учун 1,5 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.



5 – расм. Шаклдор макарон маҳсулотлари

а – чиганоқ; б, с ,д - бошқа хиллар; э – шўрвабоп маҳсулотлар

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий босқичларининг қисқача тавсифи.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни қўйидаги асосий босқичлардан иборат: хом ашёни тайёрлаш, хамир тайёрлаш, хамирни

пресслаш, нам маҳсулотни бўлаклаш, қуритиш, қуритилган маҳсулотни совутиш, тайёр маҳсулотни яроқсизларини ажратиш ва қадоқлаш.

Хом ашёни тайёрлаш - унни элаклаш, металломагнит аралашмаларни ажратиш, қиздириш (уннинг ҳарорати 10°C дан паст бўлмаслиги керак), корхона лабораторияси кўрсатмаларига биноан турли ун туркумларини аралаштиришдан иборат.

Хамир қоришга мўлжалланган сув иссиқлик алмашиниши аппаратларида қиздирилади, кейин эса ретсептурада кўрсатилган ҳароратгача совуқ водопровод суви билан аралаштирилади.

Кўшимчаларни тайёрлаш, уларни хамир қоришга мўлжалланган сув билан аралаштиришдан иборат. Товуқ тухуми фойдаланишдан олдин ювилади ва дезинфек-сияланади, меланж эса эритилади.

Макарон хамири тайёрлаш. Хамир тайёрлаш жараёни компонентларни (ун, сув ва бошқалар) дозалаш ва хамир қоришдан иборат.

Ун, сув ва сувда эритилган қўшимчалар дозаторлар ёрдамида қориш тоғорасига тахминан 3:1 нисбатда узлуксиз тарзда берилади.

Қориш тоғорасида ун ва сувнинг жадал аралашиши ва ун заррачаларининг бўкиши яъни шартли равища макарон хамирини қориш содир бўлади. Чунки қоришнинг охирида макарон хамири нон ва бисквит хамиридай боғланган яхлит масса эмас, балки кўп миқдордаги намланган кумоқлар ва ушоқлар кўринишида бўлади.

Хамирни пресслаш. Пресслашнинг, бошқача қилиб айтганда экструзийлашнинг мақсади - қорилган хамирни зичлаш, уни бир жинсли боғланган қовушқоқ пластик хамир массасига айлантириш, кейин унга маълум шакл беришдан иборат. Хамирга, уни металл матритсага ўйилган тирқишлиар (филерлар) дан сиқиб чиқариб шакл берилади.

Тирқишлиарнинг шакли прессланган нам маҳсулотларнинг шаклини белгилайди. Масалан, айлана кесимли тирқишдан вермишел, тўғри бурчакли тирқишдан угра олиш мумкин.

Нам маҳсулот ларни бўлаклаш. Бу жараён иккита оператсиядан иборат: матритсалардан прессланган нам маҳсулотларни керакли узунликдаги бўлакларга бўлиш ва уларни қуритишга тайёрлаш. Қуритишга тайёрлаш, тайёрланаётган маҳсулотлар ва қўлланиладиган қуритиш жиҳозларининг турига қараб нам маҳсулотларни ғалвирли транспортёrlар, рамкалар ёки кассеталарга ёйиш, ёки нам маҳсулотнинг узун калаваларини қуритиш ходалари - бастунларга осишдан иборат бўлади.

Прессланган маҳсулотлар сиртида қуриган қобиқ ҳосил қилиш мақсадида, қирқишидан олдин ёки қирқиши жараёнида улар ҳаво билан ишлов берилади. Бу маҳсулотларнинг бир-бирига ёпишиши, уларнинг пичоқлар ва қуритиш юзаларига ёпишиб қолишининг олдини олади.

Маҳсулот ларни қурит иш. Қуритишнинг мақсади – маҳсулотларнинг шаклини мустаҳкамлаш ва уларда микроорганизмларнинг ривожланишини олдини олишдан иборат. Бу технологик жараённинг узокроқ давом этадиган ва масъулиятли босқичи бўлиб, уни тўғри амалга оширилиши биринчи навбатда маҳсулотларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Жуда жадал равища қуритиш маҳсулотларда кичик ёриқлар ҳосил бўлишига олиб келади, жуда секин қуритиш, айниқса, намликни ажратишнинг биринчи босқичида, маҳсулотларнинг ачишига ва моғорлашига сабаб бўлади.

Бугунги кунда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида нам маҳсулотларни қуритиш учун конвектив усули, яъни уларни иситилган ҳаво билан пуркашдан фойдаланилади.

Курит илган маҳсулот ларни совут иш. Бу жараён қуритгичдан чиқаётган маҳсулотларнинг юқори ҳароратини қадоқлаш бўлими ҳавосининг ҳароратигача совутиш учун зарур. Агар макарон маҳсулотлари совутилмасдан қадоқланса, буғланиш қадоқланган маҳсулотларда ҳам содир бўлиб, бу маҳсулотлар массасининг камайишига, нам ўтказмайдиган идишларга қадоқланганда - намликнинг унинг ички юзасига конденсатсияланишига олиб келади.

Қуритилган маҳсулотларни стабилизатор тўплагич деб номланувчи маҳсус бункерлар ва камераларда секинлик билан совутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Совутилган маҳсулотларнинг саралаш жараёнида сифат кўрсаткичлари қўйилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар ажратиб олинади, кейин маҳсулотлар қадоқлашга юборилади.

Қадоқлаш. Тайёр маҳсулотлар кичик идишларга (кутичалар ва халтачалар) қўлда ёки қадоқлаш машиналарида, ёки уюм ҳолида йирик идишларга (кутиларга, қўп қатламли қофоз қопларга) жойланади.

Макарон маҳсулотларининг исталган анъанавий турини ишлаб чиқариш санаб ўтилган босқичлардан иборат бўлади. Шу билан биргалиқда корхонада аниқ бир технологик схемасини қабул қилиш корхонада мавжуд бўлган жиҳозлар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг навига боғлиқ.

Республикамизнинг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилаётган ва илгор хорижий фирмалар томонидан таклиф қилинаётган турли хил технологик схемаларнинг асосий вариантлари макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг алоҳида технологик босқичларини ўрганиш жараёнида батафсил кўриб чиқилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1.Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилаётган инновацион технологиялар ҳақида маълумот беринг.
- 2.Макарон ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш мақсадида хукumat томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот беринг.
- 3.Қанлолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари.
- 4.Ўзбекистонда ишлаб чиқариллаётган қандай макарон маҳсулотлари турларини биласиз?
- 5.Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талабалар.
- 6.Макарон ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялар.
- 7.Ўзбекистонда нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ҳақида нималар биласиз?

8. Ўзбекистонда нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўлланилаётган ўзида инновацион технологияларни акс этган технологик жиҳозлар ҳақида, линиялар ҳақида нималар биласиз?

3-маъруза. Ўсимлик мойлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Режа:

1. Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш жараёнлари
2. Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш усуллари
3. Пресслаш усули билан мой олишнинг замонавий технологиялари
4. Экстракция усулида мой олиш ва унинг инновацион технологиялари

Таянч иборалар: мойли уруғ, янчиш, қовуриш, пресслаш, экстракция, дистилляция.

Ёғ-мой саноати республика озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқларидан биридир. Ўзбекистонда қадимдан ўсимлик мойи кунжут, зифир, индов, маҳсар уруғи, пахта чигити, полиз экинлари уруғларидан жувозларда олинган.

Ўсимлик мойларини олиш усулларига қараб ишлаб чиқариш технологик схемалари икки асосий гурӯхларга бўлинади: пресслаш билан тугалланадиган ва экстракциялаш билан тугалланадиган схемалар. Ўз навбатида бу икки гурӯхнинг ҳар бири турли хил варианtlарда алоҳида ёки биргалиқда ишлатилиши мумкин.

Технологик жараёнлар асосий тайёрлов, ёрдамчи ва қўшимча операциялардан ташкил топади.

Асосий операцияларга мойли уруғларни майдалаш (янчиш), қовуриш, пресслаш ва экстракция йўли билан ёғ олиш усуллари киради.

Тайёрлов операцияларига мойли уруғларни қабул қилиш, қуритиш, сақлаш, ифлосликлардан тозалаш ва қобиқни мағиздан ажратиш киради.

Ёрдамчи операцияларга эса шрот таркибидан эритувчини ҳайдаш ёғни ажратиб олиш, эритувчини регенерация ва рекуперация қилиш киради.

Қўшимча операцияларга эса форпресс ёки экстракция мойларини тозалаш, фосфатид концентратини олиш ва оқсил моддаларини ажратиш киради.

Асосий, тайёрлов, иккинчи даражали ва қўшимча операцияларнинг узвий боғлиқлиги технологик схемани ташкил қилади.

Чет эл ҳамда МДҲда ўсимлик мойлари олиш учун қўйидаги технологик схемалар қўлланилади:

1. Пресслаш усули билан тугалланадиган схемалар; а) шнекли пресслар ёрдамида бир марта пресслаш усули; б) шнекли пресслар ёрдамида икки марта пресслаш усули; в) шнекли пресслар ёрдамида уч марта пресслаш усули.

2. Экстракция усули билан тугалланадиган схемалар: а) икки марта пресслаш ва охирида экстракция усули билан тугаллаш; б) бир марта пресслаш ва охирида экстракциялаш усули билан мой олиш; в) тўғридан – тўғри экстракциялаш усули. Иккала схемалар бўйича (б) усул энг кўп тарқалган бўлиб, 2- (б) усули эса форпресслаш – экстракциялаш усули ҳам дейилади.

Пресслаш усули билан мой олинганда мойли уруг янчилади ва ундан қовурма тайёрланади. Олинган қовурма прессларда сиқилиб форпресс ёки эспеллар ёғи олинади.

Олимлар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари янчилмага намлик-иссиқлик ишлови бериш ва пресслаб мой олиш жараёнларини, ҳамда қурилмаларини такомиллаштиришга қаратилмоқда.


Мой ишлаб чиқариш корхоналарида, янчилмани пресслашдан аввал унга нам-иссиқлик билан ишлов бериш учун, колонна туридаги қасқонли, шнекли ва барабанли қовуриш қозонлари қўлланилади. Булардан қасқонли

қозонлар кенг күламда оммалашган бўлиб, асосан 6 қасқонли бўлади. Бугунги кунда 2,3,4,5 ва 7 қасқонли қозонлар ҳам қўлланилмоқда.

Тайёр бўлган қовурма махсус прессларда сиқилиб мой олинади. Мой олиш учун шнекли пресслар кенг қўлланилади.

Ҳамма шнекли пресслар бир хил турдаги ишчи органларга, умумий тузилиши схемасига ва ишлаш принципига эгадирлар. Шнекли пресснинг асосий ишчи органлари, шнекли вал ва зеерли цилиндрdir. Пресслаш жараёнининг маҳсулотлари бўлиб, прессланган мой ва кунжара ҳисобланади.


Ёрдамчи органларга пресснинг таъминловчи қурилмаси, босимни ва кунжара қалинлигини ростлагичи, редуктор билан ҳаракатлантирувчи механизм киради. Пресснинг ҳамма кўрсатилган асосий ва ёрдамчи органлари чўянли станинада йиғилади.



Пресснинг тузилиши ва ишлаш приципи

1.2.Форпресс цехининг технологик схемаси . Янчиш учун келаётган мағиз шнек, нория орқали ва магнитли тозалагичдан ўтиб тақсимловчи шнекга берилади. Сўнгра мағиз янчиш ускунаси(1)га берилади ва янчилади. Ҳосил бўлган янчилма шнек орқали, нория ёрдамида тақсимловчи шнекга келиб тушади. У ердан янчилма намлик билан ишлов бериш учун намловчи - буғловчи шнекга берилади. Намланган маҳсулот қовуриш қозони (3)га берилади ва қовурилади. Ҳосил бўлган қовурма мойни сиқиб олиш учун

форпресс агрегати(5)га тушади ва мойи сиқиб олинади. Кунжара шнек (7) орқали экстракция цехига узатилади. Форпрессда сиқиб олинган мой эса ийғувчи шнек ва нория (8) ёрдамида філтр пресс(10)га узатилади. Філтрлаш натижасида ҳосил бўлган чўкма шнек ёрдамида чиқариб юборилади. Філтрланган мой эса насос (12) ёрдамида кейинги босқич-рафинацияга узатилади.



Форпресс цехининг технологик схемаси

Маълумки, ўсимлик мойлари органик моддалардан ташкил топган бўлиб, кўпчилик органик эритувчиларда яхши эрийди. Кунжарадан мойни органик эритувчилар ёрдамида эритиб олиш иқтисодий жихатдан зарур хисобланади, чунки пресслаш йўли билан олинаётган ўсимлик мойлари миқдори халқ истеъмоли талабларига етарлийча емас. Албатта экстракция билан олинган ўсимлик мойининг сифати пресслаш усули билан олинганга нисбатан пастроқdir, чунки экстракцион мой таркибига липидлардан ташқари организм учун фойдасиз бўлган турли органик моддалар эриб ўтган бўлади. Имконият борича экстракция усули билан олинган ўсимлик мойлари техникада ишлатилиши лозим.


материал ва эритувчининг ўзаро таъсирлашуви – экстракция усулига қараб синфланади. Шунга кўра, экстракторлар уч турга бўлинади:

1) Экстраксияланаётган материал ва эритувчи ҳаракат оқимлари қарама-қарши бўлган чўқтириш усулида ишлайдиган экстракторлар.

2) Қандайдир транспорт механизмида ҳаракатланаётган материалга қарама-қарши оқимда эритувчини кўп марта пуркаш усули билан ишлайдиган экстракторлар.

3) Арадаш усулда ишлайдиган экстракторлар, яъни унда биринчи босқичда серёғ материал концентранган мисселла билан хўлланади ва экстраксияланади, иккинчи тугал босқичда эса мисселла ва тоза эритувчини кўп марта пуркаш йўли билан ёғсизлантирилади.


CROWN MODEL IV AND MODEL V EXTRACTORS



Арадаш усулда ишловчи “Кроун” экстракторининг тузилиши

Бугунги кунда Республикаиз ёғ-мой корхоналарида замонавий экстракциялаш тизимлари ва қурилмалари жорий қилинмоқда. Жумладан “Тошкент ёғ-мой комбинати” АЖ корхонасига Эроннинг «КУШО» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган экстракция тизими ўрнатилган. Ушбу тизимнинг технологик схемасини баёни адабиётларда келтирилган¹

¹ Qodirov Y., Ravshanov D. Ruzibayev A. O’simlik moylari ishlab chiqarish texnologiyasi. -T.: 109



“КУШО” фирмаси экстракция линиясини технологик схемаси

Ушбу тизимнинг афзаллиги энергия сарфи ва йўқотишларнинг камлиги, бошқарувнинг автоматлаштирилганли ва замонавий технологик ишланмалардан кенг фойдаланилганлигидир. Жумладан мисцеллани дистилляциялашда иккиламчи буғдан самарали фойдаланилган. Қўйида тизимдаги мисцелла оқимининг ҳаракатини кўриб чиқамиз.

Экстракция жараёнининг охирги босқичида мисселлайиғичдан 25-30 % концентрация ва 55-60°C ҳарорат билан 8-мисселлайиғичка оқиб тушади. Бу ердан мисцелла 9-насос билан 10-гидросиклонга берилиб шлам ажратиб олинади. Гидросиклонда тозаланган мисцелла дистилляция жараёнининг биринчи босқичи 11-экономайзер - сепараторга узатилади. Дистилляция жараёни бу ерда тостердан чиқаётган бензин буғларининг ҳарорати таъсири остида бажарилади. Дистилляциянинг биринчи босқичида мисселладан бензин интенсив равишда ҳайдалади ва концентрацияси сезиларли даражада ошган мисселла 12-насос ёрдамида 13-мисселла иситкич орқали дистиллясиянинг иккинчи босқичига, 14-буғлатгич - сепараторга ҳайдалади. Дистиллясиянинг иккинчи босқичидан мисселла 95-98% концентрация, 95-100°C ҳарорат билан 15-насос ёрдамида 16-тугал дистилляторга берилади. Тугал дистилляторда қайта қиздирилган сув буғи очиқ ва ёпиқ ҳолда ишлатилиб, мисселладан


бензин вакуум шароитида түлиқ ҳайдалади. Тугал дистилляторда олинаётган экстракция мойининг ҳарорати 110°C чақнаш ҳарорати 225°C , қуйқа миқдори 0,3% гача, намлиги 0,3% гача бўлган қийматларда олиниши керак. Мой 17-насос билан 18-мой бакига йифилади. Ностандарт мой 8-мисселлайтгичга қайтарилиши лозим. Стандарт мой еса, 18-бакдан 45-насос ёрдамида бак хўжалигига ёки рафинация цехига юборилиши керак,

Мисцеллани дистиляциялашда дистиллятор(буғлаткич)ларнинг бирнеча турлари қўлланилади. Қуйида улардан айримларини кўриб чиқамиз.

Юқорига кўтариувчи юпқа пардали буғлаткичлар

Юқорига кўтариувчи юпқа пардали буғлаткичлар(Fig. 8.6)да қовушқоқлиги паст бўлган мисцелла 10-15 м узунликдаги вертикал трубаларда қайнаш даражасигача қиздирилади. Трубалар ташқи томондан сув буғи ёрдамида иситилади. Суюқлик трубанинг пастки қисмидан ичига кириб аста буғланади ва юқорига ҳаракатланади. Юқорига кўтарилаётган суюқлик юпқа парда ҳолида бўгани учун тез ҳаракатланади.


Махсулот ва иссиқлик элтувчи агент ҳароратлари ўртасидаги фарқ минимум 14°C бўлганда мустаҳкам юпқа парда ҳосил бўлади. Конвектив иссиқлик ўтказиш коэффициентлари ушбу буғлаткиларда юқори бўлади. Одатда қиздириш жараёни бир марта амалга оширилади, бироқ махсулот концентрацияси максимал даражада бўлиши керак бўлганда суюқлик циркуляция қилиниши мумкин.



Юқорига кўтариувчи юпқа пардали буғлаткич

Пастга тушувчи юпқа пардали буғлаткичлар


Юқорига кўтариливчи юпқа пардали буғлаткичлардан фарқли ўлароқ пастга тушувчи юпқа пардали буғлаткичларда ингичка суюқлик пардаси тортиш кучи таъсирида вертикал трубалар ичида пастга ҳаракатланади(Fig. 8.7). Бундай буғлаткичларнинг конструкцияси мураккаб бўлиб, бунда труба ичида ҳаракатланаётган суюқликнинг юпқа парда ҳосил қилиши юқорига кўтариливчи юпқа пардали буғлаткилардаги юқорига кўтариливчи оқим системасидагига нисбатан мураккаброқ бўлади. Шунинг учун бундай буғлаткичларда маҳсус мосламалар ёки пуркагичлардан фойдаланилади.



Пастга тушувчи юпқа пардали буғлаткичлар

Юқорига кўтариливчи ва пастга тушувчи юпқа пардали буғлаткич

Юқорига кўтариливчи ва пастга тушувчи юпқа пардали буғлаткичда маҳсулот юқорига кўтариливчи секциядан пастга тушувчи секцияга ўтиш орқали циркуляцияниш йўли билан концентранади. Figure 8.8 да кўрсатилганидек, маҳсулот дастлаб юқорига кўтариливчи труба секцияси орқали қисман концентранади, сўнг паст тушувчи труба секцияси орқали тугал концентранади.



Юқорига құтарилиувчи ва пастга тушувчи юпқа пардали буғлаткич


Шрот чанги билан ифлосланган эритувчи буғлари ва қисман сув буғлари 16-қасқонли буғлаткич - тостердан чиқиб, 44-хўл шрот ушлагичга киради. Бу ерда буғлар оқими форсункалардан пуркаб берилаётган, ҳарорати 45-50°C бўлган бензин билан пуркаб ювилади. Бензин шротушлагичга 38-сув ажратгичдан 41-насос ёрдамида, сарф ўлчагич орқали хайдалади. Скрубберда пуркаб берилаётган бензин ёрдамида ушлаб қолинган шротнинг чанги ва майда заррачалари - шлам тостерга қайтариб туширилади. Ювилган эритувчи буғлари 11-экономайзер - сепараторга юборилиб, бу буғларнинг ҳарорати бу ерда мисцеллани қиздириш, яни дистилляция жараёнини олиб бориш учун ишлатилади. Натижада дистиллясия учун ишлатиладиган технологик буғ тежалади.

I, II ва III – босқич дистилляторлардан чиқаётган эритувчи буғлари дастлаб конденсаторларда, сўнг мой адсорбция системасида конденсаланади. Шу тариқа эритувчи рекуперация ва регенерация қилинади.

Юқорида баён этилган экстракция тизимида замонавий инновацион ишланмалар асосида яратилган буғлатиш қурилмалари қўлланилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги оширилган.

1- ва 2- босқич дистиллятор-буғлаткичлар табиий циркуляция усули ишлайди. Юқорида уларнинг принципиал ишлаш схемаси келтирилган².

Буғлатиш тизимида иссиқлик сарфини камайтириш бўйича инновацион ишланма қўлланилган. Масалан, тостердан чиқаётган эритувчи буғлари биринчи босқич дистилляторда исситувчи агент сифатида қўлланилган. Унинг ишлаш принципи қуйидаги схемада келтирилган³.



Иккиламчи буғдан фойдалиб буғлатиш схемаси

4-маъзуза. Ўсимлик мойларини қайта ишлашнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари

Режа:

- Ёғларни қайта ишлаш технологияси ҳақида умумий тушунчалар
- Ёғларни рафинациялаш ва модификациялаш технологиялари
- Маргарин ва майонез ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар

² Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering Fourth Edition / Food Science and Technology International Series. 2009. 864 pages

³ Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering Fourth Edition / Food Science and Technology International Series. 2009. 864 pages


- Ёғларни гидролизлаш ва унинг технологияси
- Глицерин ишлаб чиқариш ва унинг истиқболли технологиялар
- Совун ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар

Таянч иборалар: рафинация, ҳамроҳ моддалар, дистилляция, гидрогенлаш, глицерин, гидролиз, переэтерификация, маргарин, майонез, фермент. гидролиз, глицерин, ёғ кислотаси, совун, буғлатиши, қуритии, дистилляция, фермент, парчаланиши

Ўсимлик мойларини қайта ишлашнинг асосий жиҳатлари

Ўсимлик мойларини қайта ишлаш технологияси ўз ичига ёғ ва мойларни, ҳамда уларнинг чиқиндиларини қайта ишлаш ва ишлов бериш жараёнларини ўз ичига олади.

Қуйида ёғларни қайта ишлашнинг принципиал схемаси келтирилган.



Бугунги кунда тадқиқ қилинаётган ва ишлаб чиқилаётган инновацион технологиялар ушбу бўлимлардан айнан бирига ёки унинг бир қисмига қаратилган бўлиб, у маҳсулот сифатини, унумдорлигини ва тежамкорлигини оширишга йўналтирилган бўлади.

Ўсимлик мойларини рафинациялаш жараёни мой таркибидаги ҳамроҳ моддалар, механик қўшимчалар ва мой таркибида бўлиши тавсия қилинмайдиган бошқа моддаларни чиқариб юборишни ўз ичига олади.

Рафинация турли физикавий ва кимёвий жараёнларнинг мураккаб комплексидир, уларни қўллаш ёғдан ҳамроҳ моддаларни ажратиб олишга имкон беради. Бу жараёнларнинг ҳарактери, ёғнинг табиати ва тозаланган ёғ

сифати билан аниқланади.

Рафинация усулини шундай танлаш керакки, бунда ёғнинг триглицерид қисми ўзгаришсиз колсин ва ёғдан максимал миқдорда кимматли ҳамроҳ моддалар (фосфатидлар) ажралиб чиқсин. Рафинация заҳарли химикатларни ҳам тўлиқ йукотишни таъминлаши керак.

Рафинацияланувчи ёғларга, уларнинг кайси мақсадда қўлланилишига қараб бир нечта талаблар қўйилади. Озиқ-овкат учун ишлатиладиган ёғлар тўлиқ цикл билан рафинацияланиши керак: фосфатидлар ва мумсимон моддаларни ажратиш, эркин ёғ кислоталарини, пигмент моддаларни йукотиш керак. Техник мақсадлар учун ишлатиладиган ёғлар киска цикл билан рафинация қилинади. Масалан, гидрогенизацияга кетаётган ёғ дезодорация қилинмайди.


Ўсимлик ёғларида маълум миқдорда эркин ёғ кислоталари бўлади, уларни миқдори ёғнинг сифатига боғлиқ. Эркин ёғ кислоталарининг бўлиши ёғ сифатини ёмонлаштиради озуқавий қимматини камайтиради. Озиқ-овкат учун ишлатиладиган ёғнинг кислота сони 0.2-0.3 мг КОН дан ошмаслиги керак. Бундан эса эркин ёғ кислоталарини йукотиш зарурлиги келиб чиқади.

Саноатда қуйидаги усуллар ишлатилади.

1. Эркин ёғ кислоталарини ишқор билан нейтраллаш (ишқорли рафинация).

2. Юқори температурада ва вакуум остида эркин ёғ кислоталарини йукотиш (дистилляцияли рафинация).

Ишқорли рафинация кенг таркалгандир. Бу усулда ёғ кислоталарини ёғда эrimайдиган тузи яъни совун ҳосил бўлади.



Унинг сувли эритмаси катта зичлик хисобига ёғдан ажралади. Ажралган совунли масса соапсток дейилади.

Хозирги вақтда ёғнинг глицерид қисмига ҳарорат, кислород, ҳаво ва бошқа омиллар таъсири каби операцияларни камайтириш аниқ белгилаб куйилди. Бу билан, ишқорли рафинацияни қўлламасдан дистилляцион

рафинация ёрдамида хид берувчи ва эркин ёғ кислоталарини йўқотиб, ёғларни ва озиқа саломасларини сифатини яхшилашга ҳаракат қилинмоқда.

Ёғни ишқорсиз рафинацияси. Бу усулда ўсимлик мойи кислоталилиги 10% ва ундан юқори бўлганда, қайта ишлашда юқори самарадорликка эришиш мумкин, 0,5%дан кам кислоталиликка эга бўлган рафинацияланган, дезодорацияланган ёғ ва дистилланган ёғ кислоталари олиш мумкин. Бунда ёғни дистилляцияга тайёрлаш жараёни: чукур гидратация ва оқлашга эътибор бериш керак. Дистилляцион рафинацияни амалга ошириш учун бир қатор ускуналар мавжуд.

Фостер Харпер рафинациялашнинг физик усулини ўрганган. Мойларни физик усулда тозалаш ундаги эркин ёғ кислоталарини пасайтирилган босим остида сув буғи билан хайдашга асосланган. Бунда айни вақтда мой дезодорацияланади. Физик усул эркин ёғ кислоталарини каустик сода билан нейтраллашга асосланган анъанавий усулга нисбатан афзаликкларга эга. Агар дастлабки ишлов беришларсиз қўлланилса физик рафинациялаш самарасиз ҳисобланади. Мой таркибида гидратланмайдиган фосфатидлар миқдори 0,5%дан кам бўлса физик усулда тозаланади. Агар фосфатидлар миқдори кўрсатилган миқдордан кўп бўлса, у ҳолда анъанавий усулда тозалаш лозим бўлади⁴.

Ҳинд олимлари томонидан⁵ химик ва физик рафинация ўрнига эркин ёғ кислоталарини глицерин билан ферментатив этерификация қилиш таклиф қилинган. Биоррафинацияни оптимал шароитлари қўйидагилар: глицеринни стехиометрик миқдори; пасайтирилган босим (4 мм с.у.); 70°C ҳарорат; фермент концентрацияси 10-15%. Биоррафинация йўли билан тозаланган мойни кейинчалик ишқор билан ишлов берилиб, оқланади.

Рафинация жараёнида ёғ ва мойларни емулсияда глицерин-ёғ кислотали эфир боғларини парчалаш хусусиятига эга ферментлар билан

⁴ Forster Harper. Physical refining. // Amer. Oil. Chem. Soc. – 1983. v. 60 – № 2. – P. 265...271

⁵ Bhattacharyya D.K., Chakraborty A.R., Sengupta R. Enzymatic deacidification of vegetable oils. //Pett. wiss. technol. 1995. №1. p. 27-30.

ишлов бериш мумкин⁶. Фермент таъсир қилган мойларни сув ёки кислотали эритма билан ювилади. Жараёнда ишқор ишлатилмаганлиги ва чиқинди сувлар микдори камайганлиги учун йўқотишилар ҳам камаяди.

Ўсимлик мойларини рафинация қилишни жадаллаштирувчи, рафинацияланган мойни сифатини яхшиловчи турли усууллар устида қўплаб изланишилар олиб борилган. Жумладан, аралаштириш жараёнида электромагнит майдонини таъсир эттириш ва доимий электромагнит майдонида фазаларни (соапсток ва мой) ажратишдан олдин ишқор билан ишлов бериш муаллифлар фикрига кўра мақсадли маҳсулот чиқиши ва сифатини ошишига олиб келади⁷

Ёғларни модификациялаш - бу ёғларни глицерид ва ёғ кислота таркибини ўзгартириш йўли билан уларнинг дастлабки хоссаларини ўзгартириш бўлиб, ёғларни переэтерификациялаш, гидрогенлаш, фракциялаш ва омухталаш орқали амалга оширилади.

Ёғларни гидрогенлаш керакли активлик, селективлик ва изомерлаш хусусиятига эга гетероген катализаторлардан фойдаланишга асосланган, дастлабки саноат жараёни ҳисобланади.

ВНИИЖ мутахассислари спред учун таркиби ва қаттиқлиги турли хил бўлган ёғ аралашмаларининг турли вариантларини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламдаги тадқиқот ишларини олиб боришиди. Уларнинг фикрича, таркибида транс кислоталари мавжуд бўлган гидрогенланган ёғлар юқори қаттиқликка эга, аралаштирганда қаттиқлигини сақлаб қолади, асосийси ишлов беришга қулай, яхши кристалланади, майда кристалли структура ҳосил қиласи. Гидрогенланган ёғларнинг юқори ҳароратда эрувчан триглицеридлари мустаҳкам кристал панжаралар ҳосил қиласи. Улар паст ҳароратда эрувчан суюқ триглицеридларни, ҳамда ёғда диспергирланган сув томчиларини ишончли ушлаб туради. Транс кислоталар микдори кам ва

⁶ Patent USA, 5532163, Process refining of fats and oils. Tokashi J.L., Jagi D.R. (JP).//Journal amer. oil.chem.soc. -1988. -v.65. -№4.-p.512.

⁷ А.с. 1652331, МКИ С11 1/10. Способ рафинации масел и жиров. /Арутюнян Н.С., Казарян Р.В., Корнена Е.П. и др. –Опубл. Б.И. –1991, №20.

қаттиқлиги юқори бўлган ёғлар, масалан, қисман гидрогенланган пальма олеини афзал ҳисобланади⁸.

Маргарин сариёғга ўхшаш ёғ сифатида 1869 йилда француз кимёгари Меж-Мурье томонидан ишлаб чиқарилган. У эритилган мол ёғининг тез эрийдиган қисмини сигир ошқозонидаги зардоб ёрдамида емульсиялашни таклиф этди. Ҳосил бўлган аралашмани яхна сувда совутилганда ярим қаттиқ, оч сариқ рангли ялтироқ доначалар ҳосил бўлди. Меж-Мурье уларни маргарин деб атади, бу (margaret – французча – марварид) марварид маъносини билдиради.

Маргарин – бу майда заррачали емульсия бўлиб, унинг таркибиға: ёғлар, сут, туз, шакар, витаминлар, фосфолипидлар, емульгатор ва бошқалар киради.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган маргарин ва маргарин маҳсулотларини ассортименти кенгайтирилди, шу билан бирга аҳолини турли гуруҳлари истеъмол қилиши учун мўлжалланган маҳсус маргаринлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ўз навбатида, маргаринни организмда яхши ҳазм бўладиган, юқори физиологик ва биологик қийматга эга бўлган маҳсулот деб ҳисоблашга имкон беради.

Маргарин маҳсулотларининг ассортименти. Маргарин маҳсулотлари қўйидагиларга бўлинади:

- 1) маргаринлар (бу ёғ ва сут ёки сув емульсияси) таркибидаги ёғнинг миқдори 82%дан кам бўлмаслиги керак(сутли маргаринлар).
- 2) ёғлар (қандолат, нон маҳсулотлари ва ошпазлик учун), ёғнинг миқдори 99,7%гача бўлади.

Ишлатилишига ва рецептурага қараб маргаринлар қўйидаги гуруҳларга бўлинади: ошхона ва сара (бутерброд) маргаринлар; саноатда қайта ишлаш ва умум овқатланиш тизими учун; маза киритувчи қўшимчалар қўшилган

⁸ Тагиева Т.Г., Григорьева В.Н., Тарасова Л.И. Принципы составления жировых основ спредов // Масложировая пром-ть. – М., 2007.-№1. -С.6-9.

Степенко А.В., Тагиева Т.Г., Тарасова Л.И., Лисицын А.Н. О растительно-жировых спредах // Масложировая пром-ть.–М.,2006.-№1.-С.29-30.

(ёғлилиги 62%дан кам бўлмаслиги керак) маргаринлар.

Маргаринлар қаттиқ , юмшоқ ва суюқ ҳолатда бўлиши мумкин.

Юмшоқ маргаринлар бутерброд ёғи сифатида ишлатилади. Суюқ маргаринлар нон маҳсулотлари, унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Маргарин ишлаб чиқариш учун асосий хомашё ёғ ва сут ҳисобланади.


Сут. Маргарин маҳсулотининг муҳим компоненти ҳисобланади, у маргаринга ёқимли таъм ва ҳид беради, унинг озиқавий қийматини оширади. Маргарин ишлаб чиқариш учун янги, пастеризацияланган, сут ачитқилари билан ивитилган ёки лимон кислотаси билан коагулланган сутдан фойдаланилади. Пастеризацияланган ва биологик ивитилган сут маргариннинг рецептурасига боғлиқ ҳолда қўшилади.

Сутни тайёрлашнинг биринчи босқичида микрофлораларни йўқотиш учун иссиқлик ишлови берилади. Бундай ишлов беришда икки усул-пастеризация ва стерилизациядан фойдаланилади. Пастеризацияда сут 100°C дан ошмаган ҳароратгача қиздирилади, стерилизацияда эса ҳарорат 120 - 130°C гача кўтарилади.

Пастеризацияда бактерияларнинг вегетатив шакли нобуд бўлади, аммо бактерияларнинг споралари сақланади; стерилизацияда эса бактерияларнинг барча шакли нобуд бўлади.

Сутни қайта ишлашда маҳсус ускуна ва қурилмалардан фойдаланилади. барча ускуна ва транспорт элементлари зангламайдаган пўлатдан ишланган бўлади. Типик транспорт элементлари 4 та асосий компонентдан ташкил топган бўли. Улар сифим, труба, насос ва фитинглардир. 7.1-расмда сутни пастеризация қилишнинг типик технологик схемаси келтирилган. Хом сут дастлаб пастеризация жараёнидан олдин сатҳ ростловчи бақда йигилади, охирида чиқиши жўмраги орқали чиқиб кетади. Бак билан жўмрак оралиғида сут оқими учун канал ёки труба йўли бўлади. Агар оқим оғирлик кучи таъсирида харакатлан олмаса учинчи транспорт элементи-насос қўлланилади. Бунда механик энергидан маҳсулотни ташиш

учун фойдаланилади. Тизимдаги түртінчи элемент фитинглар бўлиб, улар жўмрак ва тирсаклар оқимини назорат қилиш ва йўналтириш учун кўлланади. Ушбу тизимларда кўлланиладиган сифимлар ўлчами ва тузилиши кўра турлича бўлиши мумкин. Транспорт тизимидағи асосий элементларга қўшимча сифатида жараён қурилмалари киритиш мумкин, жумладан 7.1-расмда кўрсатилганидек, сутни пастеризация қилиш учун иссиқлик алмашгич аппаратини кириш мумкин.



Сутни қайта ишлаш технологик тизими.

1-сатҳ ростловчи бак, 2-таъминловчи насос, 3-оқим назоратчиси, 4-регенератив қиздириш секцияси, 5-центрифуга, 6-қиздириш секцияси, 7-вертикал иситгич, 8-сикувчи насос, 9-иссиқ сувни қиздириш системаси, 10-регенератив совутиш системаси, 11-совутиш секциялари, 12-чиқиш жўмраги, 13-бошқарув панели.

Маргарин ишлаб чиқариш технологияси

Маргарин ишлаб чиқариш қуйидаги операциялардан иборат: дозалаш, аралаштириш, емульсиялаш, ўта совутиш, кристаллаш ва қадоқлаш.

Дозалаш. Дозалашнинг икки усули маълум: оғирлиги ва ҳажми бўйича . Оғирлиги бўйича дозалаш компонентларни аниқ миқдорда олишни таъминлайди. Компонентларни миқдорини аниқлаш учун турли хил

тарозилар ишлатилади

Ҳажм бўйича дозалаш учун бир неча ҳар хил диаметрдаги поршенли цилиндрларга эга бўлган дозатор насослар ишлатилади. Бунда умумий битта двигатель бўлиб, суюқликнинг ҳажми поршеннинг ҳаракатини ўзгартирувчи қурилма ёрдамида бошқарилади.

Аралаштириш. Ёғли асос ва сув-сут фаза алоҳида-алоҳида қилиб тайёрланади ва дозаланади. Шунинг учун уларни яхшилаб аралаштириш керак. Ишлаб чиқаришда сут 15-20⁰Сда, ёғлар эса суюқланиш ҳароратидан 4-5⁰С юқори ҳароратда аралаштиргичга киритилади. Аралаштириш вақтида ҳарорат 38-40⁰Сга етказилади ва дағал емульсия ҳосил қилинади.

Аралаштириш озиқ-овқат саноатида одатий жараён ҳисобланади. Аралаштириш қурилмалари озиқ-овқат маҳсулотларига ингредиентлар қўшиладиган ҳолатларда қўлланилади. Одатда алаштиргичнинг тури аралаштириладиган озиқ-овқат маҳсулотининг хусусиятларидан келиб чиқиб танланади. Чунки аралаштирилган маҳсулотнинг сифати унинг ингредиентларини бир хилда тақсимланганлиги билан баҳоланади,. Шу сабабли аралаштириш қурилмасининг тузилиши ва уни ишлаш принципи керакли натижага эришиш учун тўғри танланиши лозим.

Саноатда аралаштириш компонентларни қориштириш учун қўлланилади. Аралаштириш қон айтаниргич ёки шунга ўхшаш идишда материални айлантириш учун механик кучдан фойдаланиш билан тушунтирилади. Аралашибитта ёки ҳар хил фазали икки ва ундан ортиқ моддаларни ўзида мужассам этиши мумкин. Аралашибитда механик куч бир моддани бошқа бир моддада бир хилда тақсимланиши учун қўлланилади. Аралаштиришга мисол қилиб қаттиқ моддани суюқликда, қаттиқ моддани қаттиқ моддада ёки суюқликни суюқликда аралашибини келтиришимиз мумкин. Бунда суюқлик суюқ ёки газ муҳит бўлиши мумкин.

“Аралаштириш” ва “Қориштириш” атамалари ўртасида фарқ бўлиб, уни қуйидаги мисоллар орқали тушуниб оламиз. Аралаштириш икки ва ундан ортиқ моддаларни ёки бир моддани икки ва ундан ортиқ фазаларини

талаб этади. Масалан, биз идиш тўла совуқ сувни қориширига оламиз, бироқ аралаштиришда биз совуқ сувга иссиқ сув қўшиб аралашма ҳароратини кўтаришимиз, ёки хар хил фазали моддаларни жумладан шакарни сувга қўшишимиз мумкин.

Аралаштириш мақсади гомоген(бир жинсли) аралашма ҳосил қилиш бўлса икки ва ундан ортиқ модда аралаштирилади. Бироқ, “бир жинслик” аралашмадан олинган заарабачанинг ўлчамларига боғлиқ бўлади. Икки суюқликни аралаштириш, жумладан маккажўхори шарбати ва сувни, иккита турли ўлчамдаги қаттиқ моддани, масалан майизни ун билан алаштирганга нисбатан юқори даражадаги бир жинслилик ҳосил қилиши мумкин. Шубҳасиз, майиз ва ун аралашмасидан олинган намунанинг ўлчами майизнинг ўлчамидан катта бўлиши лозим, акс ҳолда майиз аралашмадан ажралиб қолади.

Озиқ-овқат саноатида биз суюқ озиқ-овқат маҳсулотларини кўп мақсадларда аралаштирамиз. Жумладан, бир суюқликни бошқа бир қоришмайдиган суюқлик билан аралаштиришда(маккажўхори шарбати ва сув), газни суюқликда дисперсиялашда(карбонат газини қўшиш) ёки емульсия ҳосил қилишда (майонез, бунда бир суюқлик бошқа бир суюқликда қоришмайди). Кўплаб нозик ва мўрт озиқ овқат маҳсулотларига ингредиентлар қўшиб аралаштирилганда физикавий таъсирлардан ҳимоя қилиш талаб этилади(м-н. Помидорли салат, макаронли салат).

Аралаштириш жараёнлари ўзининг мураккаблигига қараб бир биридан фарқ қиласи. Оддий системалар иккита ўзаро қоришадиган қовушқоқлиги паст бўлган суюқликларни араласишини ташкил этади, ҳолбуки резинани суюқлик ичидаги аралаштириш давомида аралашма қовушқоқлиги ўзгариши туфайли аралаштириш мураккаб бўлиши мумкин. Бир моддадан оз миқдорда уюм ичига қўшилса, масалан маҳсус қўшимчани унга, аралаштиргич шу моддани уюмнинг бутун ҳажми бўйича бир текисда тақсимлашни таъминлаши керак. Кўплаб сочилиувчан моддаларни, масалан донли нонушта маҳсулотларини, аралаштирилаётганда аралаштирилаётган

моддалар керакли мақсадга тескари ҳолда ажралиб кетиш теденцияси кузатилади.

Аралаштириш жараёни ишлаб чиқаришда даврий ёки узлуксиз тизимларда олиб борилади. Узлуксиз тизимлар кичик ўлчамли ва айланиш частотаси орасидаги ўзгаришларнинг минимумлигига мувофиқ бўлишига қарамай улар оқим кўрсаткичларига мос келадиган моддаларни талаб этади. Серияли тизимларда аралаштириш давомида айланиш частоталари орасида кўп ўзгаришлар бўлади. Бундан ташқари серияли тизимлар катта меҳнат талаб этади, бироқ уларни оддий ишчи парракни ўзгартириш билан ўзгартирса бўлади.

Аралаштириш қурилмаси


Аралаштиришда қўлланиладиган типик қурилма 13.4-расмда кўрсатилган. Қурилма очиқ ёки ёпиқ бўлиши ва керак бўлганда вакуумда ишлаши мумкин. Қурилма ичининг марказида вал бўлиб, у двигателга уланган. Аралаштириш вақтида иситиш ёки совутиш лозим бўлса, қурилманинг ташқи қисмида буғ кўйлаги мавжуд ва унда циркуляцияланувчи иссиқлик элтгич бўлади. Валнинг пастки қисмида паррак ўрнатилган. Айрим ҳолларда вал марказдан ташқарида жойлашиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса бир қурилмада бир нечта паррак бўлиши мумкин. Сигимнинг пастки қисми айлана шаклида бўлади, чунки ўткир бурчакларда суюқликнинг ҳаракатланиши чекланади. Сигим ва унга ўрнатилган парракнинг геометрик ўлчамлари ўртасидаги нисбат 13.1- жадвалда келтирилган.

13.1- жадвал


Сигим ва унга ўрнатилган парракнинг геометрик ўлчамлари
ўртасидаги нисбат

| Нисбат | Диапазон | Стандарт аралаштириш тизими учун нисбатлар |
|-------------|---------------|--|
| H/T | 1–3 | 1 |
| D_i / T | $1/4 – 2/3$ | $1/3$ |
| C/T | $1/4 – 1/2$ | $1/3$ |
| C / D_i | -1 | 1 |
| B/T | $1/12 – 1/10$ | $1/10$ |
| w_b / D_i | $1/8 – 1/5$ | $1/5$ |


Кўп қўлланиладиган парракларнинг уч тури мавжуд: пропеллерли, куракли ва турбинали.



Паррак ва тўсиққа эга аралаштириш қурилмасининг схематик кўриниши



Аралаштиргич ичидаги денгиз туридаги пропеллер ва оқим харакатининг тасвири



Аралаштиргич ичидаги куракли паррак ва оқим харакатининг тасвири Денгиз типидаги пропеллерли аралаштиргичлар

Расмда кўрсатилганидек, пропеллер типидаги парракларда учта курак бўлиб, улар қайиқларда қўлланиладиган сувда харакатни таъминлайдиган пропеллерларга ўхшайди. Пропеллер типидпги аралаштиргичлар қовушқоқлиги паст бўлган суюқликларда кенг қўлланилади ва юқори тезлиқда ишлайди. Пропеллердаги оқим валга параллел бўлади. Бу типдаги оқим ўқ оқим деб аталади. 13.5-расмда кўрсатилганидек, суюқлик девор бўйлаб тепага харакатланади ва марказий ўқ бўйлаб пастга тушади.

Куракли аралаштиргичлар

Куракли аралаштиргичларда одатда 2 ёки 4 та курак бўлади(13.6-расм). Кураклар текис ёки ўткир бурчакли бўлиши мумкин. Курак ағдарилганда суюқлик радиал ва тангенсиал йўналишда суриласди. Бу ерда верикал йўналишда харакат бўлмайди. Бундай аралаштиргичлар суюқликларни паст тезлиқда (20-150 айл/мин) аралаштиришда самаралидир. Куракли аралаштиргичлар юқори тезлиқда ишлатилганда аралаштиргич аппарати ичига тўсик ўрнатилган бўлиши керак. Бу маҳсулотни поршенли оқим схемаси бўйича харакатлинишини олдини олади. Аралаштиргич парраги ва идиш диаметрлари орасидаги нисбат 0,5-0,9 атрофида бўлади. Маҳсулот қиздирилаётганда идишнинг ички юзасини тозалаш лозим бўлган холларда ифлосланишни камайтириш учун 13.6-расмда тасвирланган анchor типидаги аралаштиргич парраги қўлланилади.


Емульсиялаш. Аралашмадан майда заррачали емульсия ҳосил қилиш учун гомогенизаторлардан фойдаланилади. Улар горизонтал уч плунжерли юқори босимда ишлайдиган насослардир. Уларнинг асосий элементи бўлиб гомогенизацияловчи қисми ҳисобланади.

Ўта совутиш. Маргарин емульсияси совутилганда кристалланиш жараёни содир бўлади. Бунда кристаллар турғун шаклга ўтади. Буни полиформизм жараёни дейилади. Кристалл структураларининг турларини α ; β ; β' - шаклида белгиланади. α - тури паст ҳароратда суюқланувчан ва турғун

бўлмаган, β - ўрта, β - турғун ва юқори ҳароратда суюқланувчи кристаллдир.

Кристалл структураларининг шаклланиши совутиш ва аралаштириш тезлигига, тўйинган ва тўйинмаган глицеридларнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Секин совитилганда катта кристаллар (β) ҳосил бўлади. Улар маргаринга дағаллик, мўртлик ва майдаланувчанлик хоссаларини беради. Тез совутиш ва аралаштиришда турғун бўлмаган кристаллар ҳосил бўлади (α -шакл). Уларнинг суюқланиш ҳарорати ҳам паст. Улар β' - формага тез ўтиши мумкин. Шунинг учун замонавий маргарин ишлаб чиқариш корхоналарида ўта совутиш аралаштириш билан биргаликда олиб борилади. Натижада тез суюқланувчан, пластик ва яхши консистенцияли маргаринлар олинади.

Совутиш учун 3 ва 4 –цилиндрли совитгичлар ишлатилади. Керак бўлган кристалл структурали, бирхил ва мулоим консистенцияли маҳсулот олиш ва қадоқлаш учун кристаллизаторлар ўрнатилади.



Маргарин емульсиясини тайёрлаш технологияси

Маргарин рецептурасига кўра қўшиладиган мой бак (14) келиб тушади, сўнгра марказдан қочма насос (2) ёрдамида тарози (13) ўрнатилган ўлчагич (3) узатилади ва маргарин рецептураси бўйича қўшиладиган қаттиқ ёғлар қиздиргичли (1)да эритилиб насос (2) ёрдамида ўлчагич (3) га келиб тушади. Бу ерга иккинчи тарафдан бак (10) да тайёрланган тузли сув насос (2) ёрдамида ва бак (11) да эритиб тайёрланган емульгаторлар насос (2) орқали берилади. Ҳосил бўлган мой-тузли сув аралашмаси дағал емульсия ҳосил қилувчи бак (4) га насос (2) ёрдамида узатилади, сўнгра дағал емульсия насос (2) орқали диспергатор (5) да бир жинсли емульсия ҳосил қилиш учун узатилади. Ҳосил бўлган бир жинсли емульсия бак (6) га узатилади ва плунжерли насос (7) орқали, таркибидаги микроорганизмалар ва ферментлардан тозалаш учун юқори ҳароратли пастеризатор (8) да пастеризацияланади. Пастеризацияланган ярим тайёр маҳсулот, ўта совутгич (вататор) (9) да совутилади. Тайёр бўлган маҳсулот статик саклагич (12) га брикет ҳолидаги маргарин қўйиш учун қадоқлаш цехига юборилади, ёки тайёр бўлган маҳсулот тўғридан-тўғри қутиларга қадоқлашга юборилади.

Агар тайёрланган маҳсулот талабга жавоб бермаса қайта ишлаш учун тайёр емульсия учун мўлжалланган бак (6) га қайтариб берилади.

Глицерин, ёғ кислоталари ва совун ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари

Косметика саноатида глицерин кремларни (инсон юз, қўлларида фойдала ниш учун сурков кремлар), лаб бўёқларини сифатини оширишда, парфюмерияда эса қўшимча маҳсулот сифатида қўлланилади. Бундан ташқари глицерин мато тайёрлашда, маҳсус қофозлар ишлаб чиқаришда, резина олишда, машина ва соацозлик сурков мойларини, елим ва желатин ишлаб чиқаришда, фотография саноатида ва ҳ.к. соҳаларда кэнг қўлланилади.

Ёғ кислоталари ҳар-хил турдаги совунлар, юқори молекулали ёғ спиртлари, алифатик аминлар олишда, резинотехник буюмлар ишлаб чиқаришда пластификатор сифатида, ипак, жун ва пахтали газламалар ишлаб

чиқаришда мойловчи сифатида кәнг қўлланилади. Ёғ кислоталари билан кимё, резина техника, энгил саноат еҳтиёжларини қондириш учун техник олеин ва техник стеарин кислоталар олишда кенг фойдаланилади.

Мамлакатимизда глицерин ва ёғ кислоталар асосан ёғларни гидролиз қилиш йўли билан олинади.


Глицерин ва ёғ кислоталарини олиш мақсадида ёғларни қайта ишлашни асосан икки хил усули мавжуд:

1.- глицеринли сув ва ёғ кислоталарини олишда ёғларни реактивсиз парчалаш. Хом глицерин олиш учун аралашмалардан тозаланган глицеринли сув концентранади. Глицерин ва ёғ кислоталарини юқори сифатли навларини олишда, хом глицерин ва хом ёғ кислоталари дистилляция қилинади.

2.- ёғларни ишқор билан совунлаб, совун ва совун ости ишқори олиш ва совун ости ишқоридан глицеринни ажратиб олиш.

Республикамизда глицерин ва ёғ кислоталарни ёғларни реактивсиз гидролиз қилиш йўли билан олинади. Бу усулда ёғларни совунлаш орқали глицерин олишга қараганда юқори сифатли ва кўпроқ глицерин ва ёғ кислоталари олинади. Бундан ташқари, эркин ёғ кислоталаридан совун пиширишда, каустик содага қараганда арzonроқ бўлган натрий карбонат қўлланилади.

Ёғларнинг гидролизи (совунланиши) – кимёвий жараён бўлиб, уч глицеридни сув билан таъсирига асосланган. Бунда глицерин ва ёғ кислотаси ҳосил бўлади.



Гидролиз босқичли жараён бўлиб, моно ва диглицеридларни ҳосил бўлиши билан боради.

Триглицериднинг гидролизи натижасида глицерид, глицерин ва ёғ кислоталарининг таркибини ўзгариши қуйидаги расмда кўрсатилган. Расмдан қўриниб турибдики гидролиз жараёни даврида учглицеридни микдори секин-аста камайиб боради. Моно ва ди глицеридлар эса жараён бошида тез кўпаяди, кейин камаяди. Глицерин ва эркин ёғ кислоталари микдори жараён бошида жадаллик билан ошиб боради, сўнгра бу ортиб бориш сусайиб қолади.

Турли ёғларда 9,7 % дан 13 % гача глицерин бор. Глицеринни назарий чиқишини % хисобида қуйидаги формуладан топилади.

$$X = (C.c. - K.c.) / 0,0547,$$

бу ерда: 0,0547 – нейтрал ёғни тўлиқ совунланишида 1 мг КОН сарфида 0,0547 глицерин ажралишига эквивалент бўлган коэффициент; С.с.-ёғни совунланиш сони, мг КОН; К.с.-ёғни кислота сони, мг КОН.

Ёғ-мой корхоналарида глицерин ёғларни реактивсиз парчалаш ёки соапстокни қайта ишлаш орқали ишлаб чиқарилади. Дастреб глицеринли сув олинади ва буғлатиш орқали глицерин концентрацияси оширилиб, техник глицерин олинади. Сўнг техник глицерин дистилляция қилиниб, дистилланган глицерин олинади.


Бугунги кунда кўплаб инновацион ишланмалар глицериндаги сувни буғлатиш, дистилляциялаш ва оқлаш жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Олимлар томонидан техник глицерин олишда қўлланиладаиган икки босқичли буғлатиш ўрнига циркуляцион буғлатиш усули ишлаб чиқилган ва жорий этилган⁹ [14, 553-бет].

Мажбурий циркуляцияли буғлаткичларда тўғридан-тўғри контактда бўлмаган иссиқлик алмашгич мавжуд бўлиб, унда суюқлик юқори тезлиқда циркуляцияланади(Fig. 8.9). Трубаларнинг юқори қисмидаги гидростатик напор суюқликни қайнаб кетишини олдини олади. Сепаратор ичидағи

⁹ Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering Fourth Edition / Food Science and Technology International Series. 2009. 864 pages.

абсолют босим труба тугунидаги босимдан бир оз паст бўлади. Шундай қилиб, суюлик сепаратор ичига буғ шаклида киради. Иссиқлик алмашгичнинг иситиш юзасидаги ҳароратлар фарқи одатда 3-5 °C бўлади. Марказдан қочма куч таъсирида ишловчи насослар тезлиги 2-6 м/с бўлган юқори тезликдаги циркуляцияни таъминлаш учун қўлланилади. Табиий циркуляцияли буғлаткичларда бу 0,3-1 м/с ни ташкил этади. Хар иккала циркуляцияланувчи буғлаткичларнинг капитал ва эксплуатацион харажатлари бошқа турдаги буғлаткичларнига нисбатан жуда кам бўлади.




Даврий усулда автоклавларда ёғларни гидролизлаш, глицеринли сувни тозалаш ва буғлатишнинг технологик схемаси (8.1-расм).

Ёғ 1-бакдан (у ерда 85-90°C гача иситилади 2-насос билан 3-автоклавга юборилади. Айни вақтда юқори босимли сув ҳам автоклавга берилади. Автоклавда босим 20-25 атм бўлиб 220-225°C гача иситилади. З соат қайнатилгандан сўнг ёғ 85-87% парчаланади. Шундан сўнг буғ бериш тўхтатилади ва автоклавдаги аралашма 15 мин давомида тиндирилади. Таркибида 15-16% глицерини бўлган глицеринли сув босим пасайтиргич 7-бакга қуйилади. Ёғ кислоталарига яна конденсат қўшилади ва парчалашни

иккинчи даври бошланади, у 2 соат давом этади. Шундан сўнг глицеринли сув бакга, ёғ кислоталари эса 10-бакга юборилади.

Кейин эса ёғ кислоталари 9-бакдаги конденсат билан (ёғ кислотаси оғирлигига нисбатан 10%) ювилади. Ёғ кислоталари 8-насос билан кейинги ишловга берилади.

Глицеринли сувда 0,2-0,3% эриган ёғ кислоталари бор, шунинг учун уни тозаланади. Бунинг учун глицеринли сув 12- бакдан 13-нейтрализаторга келади, у ерда у 85°C гача қиздирилади. Арапаштирилган ҳолда 15- ўлчагичдан натрий гидроксид эритмаси (кучсиз ишқор реаксиясигача) кўшилади. Сўнг 14-арапаштиргичда алюминий сулфат эритмаси билан ишлов берилади. Шундан сўнг глицеринли сув 17-насос билан 18-фильтрга юборилади. Фильтранган глицеринли сув 21-бакда йифилади ва 22-насос билан буғлатишга юборилади. 23-буғлатиш курилмасида 15-20% концентрасияли глицеринли сув қиздирилиб концентранади. Курилмадаги масса 24-насос билан сиркулясиялаб турилади. Глицерин концентрасияси 86% га етгач 24-насос орқали дистиллясиялашга юборилади. 23-курилмадан чиқаётган сув буғлари 25-томчи ажраткич орқали 26-конденсаторга келади. Бу ерда конденсатланиб 27-кудуққа йифилади.



Даврий усулда автоклавларда ёғларни гидролизланишни технологик схемаси



Совун бу юқори молекулали ёғ ва нафтен кислоталарининг тузларидир. Ювиш ва тозалаш учун ишлатиладиган совун 10 дан 20 гача

углерод атомидан ташкил топган ёғ кислоталарининг натрийли ва калийли тузларидир. Таркибида углерод атоми сони 10 кам бўлган ёғ кислоталарининг тузлари ювиш қобилиятига эга емас. Совунлар қўлланишига қараб қўйидаги кўринишларга эга: хўжалик совуни, бу асосан матолар ва бошқа ҳар хил нарсаларни ювишда қўлланади, атир совун, тозаликни сақлаш, юз, қўлларни ювишда ишлатилади. Металл совунлар (ишқорий – ер ва оғир металлар тузлари), бу совунлар текстил саноати, пластмасса ва резинотехника саноатида, фармацевтика препаратларини тайёрлашда қўлланилади.


Хўжалик совунлари ҳозирги вақтда уч турда 60%, 70% ва 72% ли совунлар ишлаб чиқарилмоқда. Ёғ кислоталарини дистилляция қилиш қурилмаларини ривожланиши, ёғ чиқиндилари ва ёғ ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳидини ва рангини яхшиланишига олиб келади, ҳамда 70% ли юқори сифатли совун олишга имкон беради. Қаттиқ хўжалик совунлари 250 ва 400 г оғирликда ишлаб чиқарилади. Суюқ хўжалик совунлари эса 40-60% ёғ кислоталари миқдорида хўжалик ва техник мақсадлар учун тайёрланади.

Атир совунда 73-80% ёғ кислоталари мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда “Экстра”, I, II, III груп ва болалар совуни (80%) ишлаб чиқарилмоқда. Қаттиқ атир совунлар ўз навбатида 10г дан 200г гача бўлган турлари ишлаб чиқарилади. Улар оқ ёки рангли, очик ёки қадоқланган ҳолда бўлиши мумкин.

Совун олиш усуллари. Совун ёғ кислоталарини ўювчи ва карбонатли ишқорлар билан нейтраллаш туфайли ҳосил бўлади.



Шунингдек совун нейтрал ёғларни совунланиши натижасида ҳам ҳосил бўлади.



Суюқ совун олишда калий карбонат ва калий гидроксиддан фойдаланилади.

Совунни ювиш қобилияти. Моддаларнинг ювиш қобилиятини билиш учун аввало хўлланиш нималигини аниқлашимиз керак. Яхши хўлланишда суюқлик қаттиқ жисмнинг устида текис ёйилади ва унинг ёриқларига сингади. Ёмон хўлланиш симоб доначаларини ойна устидаги ҳаракати шаклида кўринади. Симоб ойна юзасида хеч кандай из қолдирмайди. Шунингдек олеофил (мойга мойил) юзани сув яхши хўлламайди. Бу сирт таранглик билан тушунтирилади. Хўлланишни яхшилаш учун сирт тарангликни камайтириш керак.

Сувни сирт таранглигини камайтирадиган моддалар сирт фаол моддалар деб айтилади, ёки икки жисмнинг фазалараро туташган юзасида тўпланиш хусусиятига эга бўлган воситачилар сирт фаол моддалар дейилади. Совуннинг сувдаги эритмаси ҳам СФМ дир. Мато юзасидан кир (курум, мой) ни кетказишни қуйидагича тушиниш мумкин.

Совунни сувда эритилган эритмасида карбоксил гурух (қалпоқча) қолади, углеводород гурухи (таёқча) эса эритма юзасига сиқиб чиқарилади. Совуннинг эритмаси юқори хўллаш қобилиятига эга, шунинг учун совун эритмага солинган мато юзасига яхши ёйилади. Бунда совуннинг молекулалари ўзларининг таёқча қисми билан материалга жойлашишади. Шунингдек совун кир сиртига ёпишади.


Совун молекуласининг қутбли қисми сувли эритмада қуйидагича диссоциацияланади:



Бунинг натижасида электр майдони ҳосил бўлади. Хўлланган материал ва кир сиртининг электр заряди, бир хил ва бир биридан итарилади.

Шу туфайли кир, чирк материалдан ажрайди ва эритмага ўтади (8.2-расм).

Худди шу заряд кирнинг мато юзасига қайта чўкишига ва бир бири билан бирлашишига тўсқинлик қилади.



Ювиш жараёнини схемаси: а,б-биринчи босқич (мато ва кирни хўлланиши), с,д-иккинчи босқич (кирни матодан узилиши), е-учинчи босқич (кирни юувучи эритмада туриши)

Даврий усулда хўжалик совуни асосини тайёрлаш схемаси .

Совун пишириш сехининг 18 сифимидағи ош тузи эритмаси насос(19) орқали сарф ўлчагичга(4) узатилади. Натрий карбонат эритмаси (24)бакдан насос(23) ёрдамида сарф ўлчагич(1)га узатилади. Совун пишириш учун тайёр ҳолатга келтирилади. Тўғридан – тўғри совун пишириш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда парчаланган ёғ кислоталар, синтетик ёғ кислоталар, дистилланган ёғ кислоталдар, техник ҳайвон ёғлари омборлардан йиғувчи сифимлар (2,5,6,7)га олинади. Совун ресептураси асосида хисобланган ишқор сарфи микдори сарф ўлчагич(3) дан 28-30% ли концентранган ишқор эритмаси совун пишириш қозони(9)га берилади. Сўнгра қозонларга очик буғ берилиб, қайнаш даражасига етказилади. Ёғли


хом ашёлардан, қозонларга табиий ёғлар, ёғ ўрнини босувчилар, синтетик ёғ кислоталар иссиқ ҳолда берилади.

Совун пишириш жараёни аста секинлик билан даврий равища очиқ буғ ёки иситилган хаво ёрдамида амалга оширилади. Карбонатли совунлаш жараёни совун таркибида масса улуши 80% бўлганда тугаган ҳисобланади. Ҳосил бўлган совун ости ишқори ва совуности клейи насос(14) ёрдамида ёрдамчи қозон(10) га ўтказилади. Ҳосил бўлган совун ядрои насос(12) ёрдамида совун пишириш қозони(8) га узатилади. Ажратиб олинган совун ости клейи ва ишқори сифим(13)да совигандан сўнг совун асоси ажратиб олинади ва насос (14) орқали қайта ишлашга юборилади.

Ҳосил бўлган карбонатли аралашмада ёғ кислоталари масса улуши 60-70% бўлиши керак. Карбонатли совунлаш тугаши билан 40-42% ли каустик ишқор (NaOH) билан совунлаш олиб борилади. Каустик ишқор оз-оздан қайнатиш ва аралаштириш вақтида бериб турилади. Совунланаётган аралашмадаги ортиқча ишқор миқдори 0,1-0,2 % қилиб жараён охиригача етказилади.

Совунлаш вактида энг аввало эркин ёғ кислоталарини нейтраллаш жараёни қатори сўнг нейтрал ёғлар совунланади. Каутик ишқор билан совунлаш совун асосида ортиқча ишқор миқдори 30 минут давомида ўзгарунча давом этади. Шу усулда олинган совун асоси бир жинсли бўлиши, таркибидаги ёғ кислоталар миқдори 60% дан кам бўлмаслиги, ортиқча ишқор миқдори 0,15 % дан ошмаслиги керак. Шундан сўнг совун пишириш жараёни тугаган деб ҳисобланади. Совун асоси (9,10) қозонлардан насос(17) орқали маҳсус сақлагич-сифим(11) га юборилади.

У ердан (25) філтр орқали ва 0,3МПа босим остида (26) меъёрловчи насос ёрдамида қуритиш ва механик ишлов беришга узатилади.



Даврий усулда хўжалик совуни асосини тайёрлашнинг технологик схемаси


Хўжалик совун асосига ишлов беришнинг технологик схемаси.

Даврий (бевосита ёки билвосита) ёки узлуксиз усул билан тайёрланган хўжалик совуни асоси таъминловчи (1) идишдан (2) филтр орқали ва 0,3МПа босим остида (3) меъёрловчи насос ёрдамида иссиқлик алмашув (4) колонкаси га узатилади. Бу ерда 80-90⁰С дан 120-140⁰С гача иситилади. Сўнгра иссиқ совун вакуум-қуритиш (5)камерасига берилади. Бу ерда совун вакуум-қуритиш камерасини валига маҳкамланган иккита пуркагич орқали сочилади. Бунда совун тезлик билан бироз намлигини йўқотиб совийди ва қисман қурийди. Камерани деворларига юпқа қатлам бўлиб ёпишиб қолган совун валга ўрнатилган пичоқлар ёрдамида кириб олинади. Киринди ҳолидаги совун (6) икки енгли бункерда икки вакуум (7) шнек-пресс орасида тақсимланади. Шнек-прессда совун пластификатсияланади, зич масса ҳосил қилиб прессланади ва машинадан совун тўрт қиррали брус шаклида (8) белгилаш-кесиш автоматдан ўтади. У ерда совун юзасига айланувчи валиклар ёрдамида зарур белги-штамп қўйилади. Сўнгра бўлакларга кесилади. Тайёр совун (9) автомат тахлагичга бориб тушади, ёғоч яшикларга тахланади ва (10) транспортер ёрдамида омборга юборилади.

Вакуум-камерадан чиқаётган сув буғи (11) сиклон-сепаратор да совунли чангнинг асосий қисмидан ажратилади. У (12) шнек-пресс ёрдамида чиқарилиб юборилади. Сўнгра сув буғи (13) иккинчи сиклонда совунли чангнинг қолдиқларидан тозаланиб, (14) бүгежектор орқали (15) барометрик конденсаторга юборади. У ерга сифим бақдан берилади.

Барометрик (15) конденсатордан чиқаётган сув қувур орқали барометрик қудукка тушади, у ердан тозалаш системасига юборилади.

Конденсатсияланмаган буг ва газлар (16,17,18) бүгежектор системаси билан сўриб олинади. Бүгежектор системаси совитувчи сувининг ҳарорати 20°C гача бўлганда, қурилмада 2-4 кПа (15-20мм сим.уст.) қолдиқ босимни таъминлайди. Бу таркибида 7-8% гача ёғ кислотаси бўлган совун ишлаб чиқаришга етарли бўлади. Вакуум қутиши камерасини унумдорлиги хўжалик совуни учун соатига 2т га teng.



Хўжалик совуни асосига ишлов беришни технологик схемаси

Умуман олганда ёғ-мой маҳсулотлари технологиясида истиқболли инновацион технологиялар кўпайиб бормоқда.

Назорат саволлари

1. Янчилмани қовуришдан мақсад нима?
2. Янчилмага намлик-иссиқлик ишлови бериш жараёнининг аҳамияти.
3. Қовурма хоссаларига қўйиладиган асосий талабларни айтиб беринг.
4. Инактиваторнинг вазифаси, тузилиши ва ишлаши.
5. Қовуриш қозонлари, уларнинг тузилиши, ишлаши ва бир- биридан фарқли жиҳатлари.
6. Шнекли прессларнинг тузилиши ва ишлаши.
7. Пресс унумдорлиги ва мойнинг чиқишига таъсир етувчи омиллар.
8. Замонавий прессларнинг тузилиши ва ишлаши.
9. Пресс грануляторнинг тузилиши ва ишлаши.
10. Икки марта пресслаш билан мой ишлаб чиқариш схемасини тушунтириб беринг.
11. Саноатда ишлатиладиган еритувчиларга қандай талаблар қўйилади?
12. Ўсимлик мойларининг органик эритувчиларда эрувчанлигини изоҳланг.
13. Саноатда ишлатиладиган еритувчилар ва уларнинг синфланиши.
14. Рафинациялашдан мақсад нима? Рафинацияни алоҳида операциялар мажмуаси сифатида кўриб чиқинг.
15. Ишқорий рафинацияни эркин ёғ кислоталарини йўқотишнинг асосий усули сифатида кўриб чиқинг.
16. Пахта ёғи рафинациясининг ўзига хослиги нимада?
17. Дезодорация жараёни қандай кечади, жараён бориши учун қандай шароит ва режим бўлиши керак?
18. Рафинацияланган ёғ ва мойларнинг асосий сифат кўрсаткичларини айтиб ўтинг.
19. Ёғ ва мойларни гидрогенлаш ва переэтерификациялашдан мақсад?
20. Гидрогенлаш жараёнида ёғ ва мойларда қандай кимёвий ўзгаришлар содир бўлади?
21. Тўйинтириш усули билан ишловчи автоклавда гидрогенлаш жараёнининг схема ва режимларини кўриб чиқинг.
22. Ишлаб чиқариладиган саломас ассортиментлари ва асосий сифат кўрсаткичларини кўриб чиқинг.
23. Ёғ ва мойларини переэтерификациялашда қандай ўзгаришлар содир бўлади? Переэтерификация жараёнининг моҳияти нималардан иборат?
24. Переэтерификацияланган ёғлар қандай таркиб ва хоссаларга эга? Улардан фойдаланиш йўналишлари.
25. Глицерин ишлаб чиқаришнинг амалий аҳамияти нимадан иборат?
26. Глицерин ишлаб чиқаришни қандай усулларини биласиз?
27. Техник глицеринни сифат кўрсаткичларини биласизми?

28. Дистилланган глицеринга қандай талаблар қўйилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Forster Harper. Physical refining. // Amer. Oil. Chem. Soc. – 1983. v. 60 – № 2. – P. 265...271.
2. Bhattacharyya D.K., Chakraborty A.R., Sengupta R. Enzimatic deacidification of vegetable oils. //Pett. wiss. technol. 1995. №1. p. 27-30.
3. Patent USA, 5532163, Process refining of fats and oils. Tokashi J.L., Jagi D.R. (JP).//Journal amer. oil.chem.soc. -1988. –v.65. -№4.-p.512.
4. Тагиева Т.Г., Григорьева В.Н., Тарасова Л.И. Принципы составления жировых основ спредов // Масложировая пром-ть. – М., 2007.-№1. -C.6-9.
5. Стеценко А.В., Тагиева Т.Г., Тарасова Л.И., Лисицын А.Н. О растильно-жировых спредах // Масложировая пром-ть.–М.,2006.-№1.-C.29-30.
6. Belkacemi K, Hamoudi S. Low trans and saturated vegetable oil hydrogenation over nanostructured Pd/silica catalysts: process parameters and mass-transfer features effects // Ind. and Eng. Chem. Res. 2009. -№3. -P.1081-1089
7. Chen Lingxia, Zhao Lin, Liu Shou-Chang. Zhengzhou gong cheng xueyuan xuebao // J. Zhengzhou Inst. Technol. 2004. -№4. -P. 24-27
8. Кадиров Ю., Ахунжанова У.Т. О гидрировании рапсового масла и его смеси с хлопковым на медно-никелевом катализаторе // Узб.хим.журн. – Ташкент, 1989. №3. -C.51-54
9. Paul Singh, Dennis R. Heldman. Introduction to Food Engineering *Fourth Edition / Food Science and Technology International Series.* 2009. 864 pages.
- 10.** Frank D. Gunstone, John L. Harwood, Albert J. Dijkstra. *The lipid handbook* - Boca Raton: CRC Press Taylor & Francis Group, 2007. -791 p.
11. Qodirov Y., Ravshanov D. Ruzibayev A. O'simlik moylari ishlab chiqarish texnologiyasi. -T.: “Cho'lpon”. 2014. -320 b
12. www.crowniron.com

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машгулот Буғдой дони клейковинасини аниқлаши

Буғдой донининг оқсил, углевод ва фермент комплекси хоссалари қам юқори даражали аҳамиятга эга. Буғдойда глиадин ва глютенин оқсиллари мавжуд. Бу оқсиллар сувда бўкиб, ўч массасига нисбатан икки баробар кўп сувни ютади ва клейковина деб аталувчи боғланган эластик массани хосил қиласди. Клейковинанинг қайишқоқ-эластик хоссалари буғдой унидан юқори ғовакликдаги нон ва аъло сифатли макарон мақслотлари тайёрлаш имконини беради.

Буғдой дони сифатини баҳолашда кимёвий таркибининг бошка кўрсаткичларидан хўл клейковина миқдор ва сифатини қўлланиш даражасини ва кислоталиликни аниқлаш каби усувлардан фойдаланилади.

Клейковина миқдори майдалanganдан дон ўлчамлари массасига нисбатан фоизларда ифодаланади. Клейковина икки хил бўлади: хўл ўзига сувни сингдирган клейковина ва қуруқ клейковина-клейковинанинг қуритишдан сўнгги миқдори.

Таркибида клейковина миқдорига боғлиқ, холда буғдой донини қуийдагича туркумлаш мумкин.

| Дон тоифалари | Доннинг хўл клейковинанинг миқдори, % |
|---|---------------------------------------|
| Юқори клейковинали дон | 30 дан юқори |
| Ўртacha миқдордаги клейковинали дон | 26...29,9 |
| Ўртacha ва паст миқдордаги клейковинали дон | 20...25,9 |
| Паст миқдордаги клейковинали дон | 20 дан паст |

Хўл клейковинанинг сифати эластик хусусиятлари билан баҳоланади. Стандартда кузда тутилмаган, аммо амалда клейковинанинг сув ютиш имконияти ва ранги (очик, кул ранг, қорамтири) аниқланади.

Ишин бажарии тартиби. Буғдой дондан 30-50г ўлчаб олинади ва кераксиз аралашмалардан тозаланади. Лаборатория тегирмонида

майдаланади, бунда шунга эътибор бериш керакки уни № 067 элакдан ўтқазганимизда қолдиқ 2% дан ошмаслиги. № 38 капрон элакдан ўтқазилади 40 % дан кам бўлмаслиги керак.

Майдалангандондан 25г техник тарозида ўлчаб олинади ва косачага жойлаштирилади устига 14 мл сув қуйилади ($18\pm2^{\circ}\text{C}$). Сўнг хамир қўлда қорилади. Қорилган хамир юмалоқ шаклга келтирилади сўнг 20 дақиқага тиндиришга қуйилади. Тиндирни давомида дон таркибидаги оқсиллар сувини ютиб, бўкади.

Вақт ўтгач хамир жилдираб турган сув оқимида ёки тоғарачада ювилади. Ювиш давомида дон қобиги қисмлари, крахмал ва сувда эрийдиган бошқа моддалар ювилади ва ёпишқоқ клейковина қолади.

Ювилган клейковина кафтда сиқилади, вақти-вақти билан қуруқ сочиқда артилади. Сиқилган клейковинани торозида улчанади ва яна бир бор 2-3 мин давомида ювилади, яна сиқилади ва торозида тортилади.

Икки ўлчам орасидаги фарқ 0,1 г дан ошмаслиги керак. Клейковина микдори олинган намунага нисбатан фоизда ифодаланади. Клейковинанинг сифати ИДК-1 асбоби билан аниқланади. Бунинг учун ювилган клейковинадан 4 г ўлчаб олинади, шарсимон қилиб юмалоқланади ва сувли идишга 15 дақиқага солиб қуйилади.

Юмалоқланган хамир асбобга жойлаштирилади ва пуансон туширилади, 30 секунд ўтган сўнг асбоб ўчирилади ва кўрсаткичлар ёзиб олинади. Кўрсаткичларга кўра клейковина гурухи сифати аниқланади (жадвал).

Асбобнинг кўрсатгичларига қараб клейковина шартли бирликларга кўра куйидаги сифат гурухларига ажратилади.

| Асбобнинг шартли бирлик кўрсаткичлари | Сифат гурухи | Клейковинанинг тавсифномаси |
|---------------------------------------|--------------|-----------------------------|
| 0-15 | III | Қониқарсиз қаттиқ |
| 20-40 | II | Қониқарли қаттиқ |
| 45-75 | I | Яҳши |
| 80-100 | II | Қониқарли бўш |
| 105-120 | III | Қониқарсиз бўш |

2-амалий машғулот


Бүгдөй унида тушиши сонини аниқлаш

Мавжуд лабораторияларда ҳозирги кунда қўлланилаётган замонавий таҳлил усулларидан бири бу тушиш сонини аниқлашdir.

Тушиш сонини аниқлаш учун Швециянинг Perten Instrumens фирмаси томнидан ишлаб чиқарилган Falling Number асбоби қўлланилмоқда. Тушиш сони – углевод-амилаза комплекси ҳолатини тавсифлаб, доннинг униб чиққанлик даражаси ҳақида хулоса қилишни белгилайди. Дон униб чиққандা крахмалнинг бир қисми қандга айланади, бунда доннинг амилолитик фаоллиги ошади ва нонвойлик хусусиятлари ёмонлашади. Ушбу кўрсатгич қанча паст бўлса, доннинг униб чиққанлик даражаси шунча баланд бўлади. Сув-унли аралашмада шток-аралаштиргичнинг тушиш тезлиги тушиш сонини аниқлайди. Бу кўрсатгич буғдой дони учун меъёрлаштирилган.



1-расм. Тушиш сонини аниқлаш учун Falling Number асбоби



2-расм. Тушиш сонини аниқлаш методикаси

1. Намуна тайёрлаш

Буғдой донини таҳлил қилишда 300 грамм намуна олинади ва 0,8мм ўлчамдаги элакли [LM 3100](#) ёки [LM 120](#) лаборатория тегирмончасида майдаланилади. Унни таҳлил қилинганда эса уннинг таҳлил намунаси олинади. б

2. Ўлчаш

$7,0 \pm 0,05$ г майдаланган дон ёки ун намунаси тарозида ўлчаниб, визкометрик пробиркага жойланади. Тушиш сонини аниқлаш усулига стандартда келтирилган талаблардан келиб чиқиб уннинг намлигини ҳисобга олган ҳолда ун микдори корректировкаланди.

3. Меъёрлаш

Пробиркага $25 \pm 0,2$ мл дистилланган сув солинади. Оптимал меъёрлаш асбоб тагдонига қўшимча берилган автоматик бюретка ёрдамида амалга оширилади.

4. Чайқатиш

Пробиркаларни намуна ва сувдан гомоген суспензия ҳосил бўлгунга қадар қаттиқ чайқатилади. Инсон томонидан амалага оширилиши мумкин бўлган хатоликларни олдини олиш мақсадида чайқатишни Шейкматик (Shakematic) асбоби ёрдамида амалга ошириш мақбул ҳисобланади.

5. Аralаштириш

Шток-аралаштиргичли вискозиметрик пробиркалар, қайнаб турган сувли ҳаммолга туширилади ва асбоб ишга туширилади. 5 секунддан сўнг пробиркада ҳосил бўлган суспензиянинг аралаштирилиши автоматик равища бошланади.

6. Ўлчашлар

60 (5 ± 55) секунддан сўнг аралаштиригич(мешалка)лар автоматик равища юкорига кўтарилади ва ўзининг оғирлиги ҳисобига пастга тушади.

7. Тушиш сони

Асбоб томонидан рўйхат этилган ишнинг бошланиш вақтидан токи аралаштиргич (мешалка) аниқланган масофагача тушгунга қадар умумий вақт (секунларда), тушиш сони деб белгиланади.

Қўлланиладиган аксесуарлар



Дозатор (меъёрлагич) — сувни меъёрлаш учун қўлланилади(25 мл).



Шейкматик (Shakematic) — намуна ва сувни чайқатиши учун қулай мослама. Бир маромдаги массани ҳосил бўлишини ва таҳлиларда хатоликларни минмаллаштиришни таъминлайди.



Совуткич-сувни сарфини камайтириш учун қўлланилади. Бундан ташқари ёзнинг иссиқ кунларида уни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Сув қувуридан келаётган сув тушиш сони аниқлаш асбобининг қиздириш блокини етарли микдода совутишни таъминлай олмайди.



Сполетт (Spolett) — таҳлиллар ўтказилгандан сўнг пробиркаларни қулай ва тез тозалаш учун инновацион мослама.



Принтер — Таҳлилларнинг натижасини дархол олиш учун қулай мослама.

Яна мавжуд замонавий таҳлил усулларидан бири уннинг оқлик даражасини аниқлаш усулидир.

З-амалий машғулот

Ноннинг «картофел таёқчалари» билан касалланганлигини аниқлаши.

Картофел касаллигининг моҳияти шундаки, бу касалликни чақирган микроорганизмлар таъсирида нон мағзи чўзилувчан, елимсимон бўлиб, бадбўй, чириган картофелнинг ёқимсиз ҳидига эга бўлиб қолади. Бу касалликнинг қўзгалувчилари бўлиб, *Bacillus mesentericus* (картофел таёқчалари) турига кирувчи спорасимон микроорганизмлар ҳисобланади. Картофел касаллигининг юзага келишида *Bacillus subtilis* (пchan таёқчалари) туридаги микроорганизмлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу микроорганизмлар табиатида кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир дон юзасида ва унда учрайди.

Микроорганизмлар узунлиги 1,6 дан 6 мкм гача ва йўғонлиги 0,5 мкм бўлган таёқча қўринишида бўлади. *Bacillus mesentericus* спорлари овалсимон шаклга эга ва ҳароратнинг ўзгаришига чидамли бўлади. Бу спораларни ҳалок этиш учун уларга ҳарорати 100°C бўлган сув билан 5...6 соат давомида, $109\ldots113^{\circ}\text{C}$ да 45 – минут ва $122\ldots123^{\circ}\text{C}$ ҳароратда эса – 10 минут таъсир кўрсатиш керак.

Ҳарорати 130°C бўлган буғ таъсирида споралар бирданига ҳалок бўлади. Печдаги нон мағзининг ҳарорати 100°C дан ошмаслиги ҳисобига оладиган бўлсак, бу ҳолда *Bacillus mesentericus* споралари нонни пиширишда ҳаёт фаолиятини йўқотмасдан қолади.

Бу микрорганизмларнинг кўпайиши ва ҳаёт кечириши учун энг мувофиқ ҳарорат $35\ldots50^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қиласди. Шунинг учун ноннинг картофел касаллиги билан касалланиши асосан ёз вақтига тўғри келади.

Иининг бориши. Лаборатория шароитда ёпилган қолипли нон печдан чиққач 1,5...2 соатдан сўнг икки қават қилиб букланган нам газета қофозига ўралади (газета қофозини нам ҳолатга келтириш учун сувли идишга тушириб хўлланади ва сув сирқитилади). Нам қофозга ўралган нон термостатга қўйилади. Термостатдаги ҳарорат $37\pm1^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг нисбий намлиги $85\pm2\%$ бўлиши керак. Намуна термостатда 24 соат қолдирилади сўнг термостатдан олиниб ўткир пичоқ билан кўндалангига кесиб «картофел касаллигига» аниқланади. Бунда нонда спецефик хиднинг бўлиши, юмшоқ қисмининг ёпишқоқ бўлиш ҳолатига эътибор берилади. Текширув тугагач ишлатилган қофоз ёқиб ташланади. Пичоқ ва термостат 3...5% уксус кислотаси эритмаси билан артиб, шамоллатилади. Текшириш натижаси алоҳида тутилган журналда ва нон корхонасига жўнатиладиган «ун сифат кўрсаткичи» хужжатида қуидагича қайд қилинади:

- «24 соат ичидаги картофел таёқчалари қайд этилмаган».
- «24 соат ичидаги картофел таёқчалари қайд этилган».

«Картофел» касаллиги қайд этилган ун яроқсиз деб ҳисобланмайди. Бундай ун тезда ишлаб чиқаришда технологик йўриқномага асосан, ноннинг касалланишига қарши чора тадбирларни қўллаб ишлатиб юборилади.

4-амалий машғулот

Макарон ва унли қандолат маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг замонавий усуллари

Макарон маҳсулотларининг сифатини органолептик баҳолаш.

Макарон маҳсулотларини ташки кўриниши ранги, юзаси, шакли билан тавсифланади. Макарон маҳсулотларининг ранги, рангли кремсимон ёки сариқ тусли бир жинсли бўлади. Каттиқ буғдойдан ишлаб чиқарилган маҳсулот олтин–сариқ, ранг, қаҳрабосимон рангли, юмшоқ буғдой ёрмачасидан кремсимон–сариқ, олий навли буғдой унидан оч кремсимон рангли бўлади. Юзаси силлиқ бўлиши керак. Дағал юза маҳсулотни ташки кўринишини ёмонлаштиради ва қайнатиш жараёнида суюқликлакни лойқалаштиради. Макарон маҳсулотларини синдирилганда шаффоф бўлиши

керак. Махсулотни шаклини тўғрилиги узун махсулотлар тўғри ва девор қалинлиги бир текис бўлиши киради.

Макарон махсулотларнинг таъми ва хиди.

Таъми ва хиди турига хос, бегона таъмлар ва хидларсиз бўлиши керак.

Макарон махсулотини намлиги ва кислоталилигини аниқлаш учун намуна тайёрлаш

50 г макарон махсулоти хавончада майдаланилади ва тешиклар диаметри 1 мм бўлган элакдан тўлиқ ўтгунча лаборатория тегирмонида майдаланилади. Элакдан ўтган масса намликни ўлчаш учун олинади. Қолган қисми № 27 элакда эланади. Элакда қолган қисми билан аралаштирилиб кислоталиликни аниқлаш учун ишлатилади.

Макарон махсулотларининг намлигини аниқлаш

Дастлаб қуритилган ва ўлчанган металл бюкслар (диеметри 4 см, баландлиги 20 мм) га 0,1 г аниқликда ўлчанган майдаланган 5 г макарон махсулоти ўлчаниб солинади. СЭШ – 1 қуритиш шкафи 130°С гача қиздирилади. Шкафга тезда 10 бюкс тортиллар билан қуйилади, ҳарорат пасаяди. Ҳарорат 10 минут давомида 130°С га кўтарилиши керак. Ҳарорат 130°С га етгандан бошлаб тортил 40 минут қуритилади. 40 минутдан сўнг бюкслар шкафдан олиниб, қопқоғи ёпилиб эксикаторда 20 – 25 минут совитилади ва тортилади. Намлик қуидаги формула билан аниқланади.

$$W = \frac{M_2 - M_1}{M} \cdot 100\%$$

бу ерда; M_2 – бюксни тортил билан қуритилгунча бўлган массаси, г.

M_1 – қуритилгандан кейинги массаси, г.

M – тортил массаси, г.

Макарон махсулотларининг кислоталилигини аниқлаш

Тахлил учун ажратилган намунадан техник тарозида 5 г макарон махсулоти тортилади ва қуруқ конуссимон колбага солиниб 30 – 40 мл дистирланган сув қуйилади. Колбадаги 5 минут давомида ёпишган заррачалар дистилланган сув билан ювилади. 5 томчи фенолфталеин

томизилиб, 0,1н NaOH эритмаси билан бир минут давомида йўқолмайдиган пушти ранг ҳосил бўлгунча титранади.

Кислоталилик қуидаги формула билан аниқланади.

$$X = 2 \cdot a \cdot K^oH$$

a – титрлашга кетган 0,1н NaOH эритмасининг хажми мл.

K – ишқор эритмаси титрига тузатма.

Макарон мустахкамлигини Строгонов асбобида аниқлаш

Строгонов асбобининг рақамли тарози юзасига махкамланган устунга 30 см ли макарон трубкаси жойлаштирилади. Сўнгра макарон трубкасига куч билан таъсир этилади. Секин–аста штурвал рукояткаси ёрдамида айлантирилиб трубка синмагунча юк механизми билан босилади. Трубкани синиш вақтидаги тарози стрелкаси рақам кўрсаткичи синдирадиган кучни аниқлайди. Кетма–кет ўн марта маҳсулотни мустахкамлиги аниқланади, ўнта тажрибан ўртага арифметик натижалари қийматдан натижа хисобланади.

Макарон маҳсулотларини қайнатиш хоссаларини аниқлаш

50 – 100г макарон маҳсулот устига ўн марта кўп микдорда қайнатган сув солиниб, тайёр бўлгунча қайнатилади. Тайёр бўлганлиги макарон кесилганда кўндаланг қисмида унли ва қайнамаган қисмлари бўлмаслигидан аниқланади. Маҳсулот қайнагандан сўнг элакка солиниб органолептик баҳоланади.

Унли қандолат маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини аниқлаш

Органолептик баҳолаш. Печеньени сифати уни шаклига кўра баҳоланади (квадрат, тўғри бурчакли, думалоқ, овал). Печеньени юзаси текис, расмлари аниқ, шишиб қолмаган бўлиши керак.

Печеньеларнинг размери квадрат - 65x65мм, тўғри бўлакли 90x60мм, думалоқ диаметри 75 мм. Печеньеларни қалинлиги 7,5мм бўлиши керак.

Печенье намлигини аниқлаш. Печенье таркибидаги намлик 5г тортимни 40-минут давомида 130°C ли шкафда аниқланади.

Дастлаб қуритилган ва тортилган металл бўксалар (диаметри 4см, баландлиги 20мм) га 0,1г аниқликда ўлчанганди бўлиб, унга майдаланган 5г маҳсулот ўлчаниб солинади. СЭШ – 1 қуритиш шкафи 130°C гача қиздирилади.

Шкафга тезда 10 бюкс тортимлар билан қўйилади, ҳарорат пасаяди. Ҳарорат 10 минут давомида 130°C га қўтарилиши керак. Ҳарорат 130°C га етгандан бошлаб тортим 40 минут қуритилади. 40 минутдан сўнг бюксслар шкафдан олиниб, қопқоғи ёпилиб эксикаторда 20 – 25 минут совитилади ва тортилади. Намлик қўйидаги формула билан аниқланади.

$$W = \frac{M_2 - M_1}{M} \cdot 100\%$$

бу ерда: M_2 – бюксни тортим билан қуритилгунча бўлган массаси, г.

M_1 – қуритилгандан кейинги массаси, г.

M – тортим массаси, г.

Печенье ишқорлигини аниқлаш. Агар сирланган печенье бўлса, сири олиниб техник тарозида 25г майдалангандан печенье ушоғи олинади ва 500мл қуруқ колбага солинади. 250мл ўлчамли колбада хона ҳароратли дистилланган сув олинади ва тортимга қўйилади. Колба ҳар 10 минутда чайқатилиб, 30 минут ёпиб тиндирилади. Сўнгра устки қавати элак ёки марли орқали сузилиб қуруқ колбага солинади, пипетка ёрдамида 50мл дан икки порция олинади, тўрт томчи 1% ли кўк бром тимил спиртли эритмаси томизилиб 0,1н хлорид ёки сулфат кислотаси билан титрланади. Титрлаш кўк ранг сариқ рангга ўтгунча давом этади.

$$X = 2 \cdot a \cdot k^{\circ}H$$

бу ерда: a – титрлашга кетган 0,1н кислота хажми, мл.

k – кислота титрига тузатма

Ҳамма навли печеньелар учун кислоталилик 2°H дан ошмаслиги керак.

Печеньенинг бўкувчанлигини аниқлаш. Печенье бўкувчанлигини аниқлаш учун камида 6 дона печенье олинади. Махсус уч қаватли металл сетка сувга тушурилади ва олиниб ташқи қисми фильтр қофози билан артилиб тортилади. Сетканинг ҳар бир қаватига бир донадан печенье қўйилиб техник тарозида тортилади.

Сетка икки минутга хона ҳароратидаги сувли идишга солинади. Сетка олиниб ташқи томони артилиб бўккан махсулот билан тортилади.

Бўккан печенье қуруқ печенье массасига нисбати бўкиш даражасини ифодалайди.

$$X = \frac{(M - M_1) \cdot 100}{M_2 - M_1} \%$$

бу ерда: M – сетканинг бўккан маҳсулот билан массаси, г.

M_1 – бўш сетка массаси, г.

M_2 – сетканинг қуруқ печенье билан массаси, г.

5-амалий машғулот

Пахта чигитидан форпресслаш-экстракциялаш усулида мой олишнинг моддий ҳисоби

Бошланғич маълумотлар

1. Чигитнинг мойлилиги - $M_o = 19,6\%$;
2. Чигитнинг намлиги - $B_o = 9,5\%$;
3. Тозалашгача бўлган хомашё таркибидаги минерал ва органик ифлос аралашмалар - $C_o = 0,30\%$;
4. Тозалашгача бўлган хомашёдаги шулха саклами – $L_0 = 40,5\%$
5. Тозаланган хомашёдаги шулха миқдори – $L_1 = 43,2\%$
6. Тоза урудаги мағиз миқдори $L_1 = 56,8\%$;
7. Тозалашдан олдин пуч уруғлар миқдори – $T_0 = 2,25$
8. Чигитдаги мағиз намлиги $B_3 = 8,5\%$;
9. Тозаланган чигитдаги минерал ва органик органик ифлосликлар миқдори - $C_1 = 0,28\%$;
10. Хом ашёдаги тозалашдан кейин қолган пуч чигитлар миқдори $T_1 = 0,3\%$
11. Чиқинди ва ифлосликларнинг намлиги хомашёнига teng, яъни – $B_1 = 9,5\%$;
12. Ядронинг шулхага кўшилиб чиқиб кетадиган миқдори – $L_2 = 0,80\%$;
13. Ядродаги шулха миқдори – $L_2 = 16,0\%$;
14. Чиқиб кетадиган шелуха намлиги – $B_2 = 10,0\%$;

15. Чиқиб кетадиган шелуха мойлилиги – $M_1 = 1,4\%$
16. Шелухага ўтадиган ифлосликлар миқдори – $C_4 = 35,0\%$;
17. Пуч уруғлар мойлилиги $M_5 = 2,4\%$;
18. Форпресс кунжараси мойлилиги $M_2 = 13,0\%$;
19. Форпресс кунжараси намлиги $B_4 = 8,1\%$;
20. Шротнинг мойлилиги $M_3 = 1,4\%$;
21. Шротнинг намлиги $B_5 = 10,0\%$.

Х И С О Б

1. Минерал, органик аралашмалар ва пуч урулар йииндиши:

$$C_2 + T_2 = \frac{100[(C_0 + T_0) - (C_1 + T_1)]}{100 - (C_1 + T_1)} = \frac{100[(0,30 + 2,25) - (0,28 + 0,3)]}{100 - (0,28 + 0,3)} = \frac{100[2,55 - 0,58]}{100 - 0,58} = \frac{100 \cdot 1,97}{99,52} = 1,98\%$$

2. Минерал ва органик ифлосликлар:

$$C_2 = \frac{100[(C_0 - C_1) + C_1(C_2 + T_2)]}{100} = \frac{100[(0,30 - 0,28) + 0,28(1,98)]}{100} = \frac{100 \cdot [0,02 + 0,55]}{100} = \frac{100 \cdot 0,57}{100} = 0,57\%$$

3. Пуч уруғлар миқдори:

$$T_2 = (C_2 + T_2) - C_2 = 1,98 - 0,57 = 1,41\%$$

4. Чақишига тушадиган тозаланган уруғлардаги шелуха миқдори:

$$\varLambda_3 = (\varLambda_0 - T_2) = 40,5 - 1,41 = 39,09\%$$

5. Щелухадаги ифлос чиқиндишлар миқдори:

$$C_3 = \frac{C_1 \cdot C_4}{100} = \frac{0,28 \cdot 35,0}{100} = \frac{6,3}{100} = 0,098\%$$

6. Йўқотишишларни ҳисобга олинмагандаги шелуха чиқиши:

$$\varLambda_4 = \frac{100(\varLambda_3 - T_2) + \varLambda_2(C_2 + T_2)}{100 - (\varLambda_2 + L_2 + C_3)} = \frac{100(39,09 - 16,0) + 16(1,98)}{100 - (16 + 0,8 + 0,098)} = \frac{100 \cdot 23,09 + 31,68}{100 - 16,898} = \frac{2340,68}{83,102} = 28,166\%$$

7. Урулардаги шелуханинг намлиги:

$$B_8 = \frac{100 \cdot B_0 - \varLambda_1 \cdot B_3}{\varLambda_1} = \frac{100 \cdot 9,5 - 56,8 \cdot 8,5}{43,2} = \frac{950 - 482,8}{43,2} = \frac{467,2}{43,2} = 10,81\%$$

8. Намлик ва йўқотишишлар ҳисобга олинганда шелуха чиқиши:

$$\varLambda_5 = \varLambda_4 \frac{100 - B_8}{100 - B_2} = 28,166 \frac{100 - 10,81}{100 - 10,0} = 28,166 \frac{89,19}{90,0} = 27,91\%$$

9. Кунжара чиқиши:

$$\begin{aligned} \mathcal{K} &= \frac{10000 - 100(M_0 + B_0 + \varLambda_5 + T_2 + C_2) + \varLambda_5 \cdot (M_1 + B_2) + T_2 \cdot (M_5 + B_2) + C_2 \cdot B_1}{100 - (M_2 + B_4)} = \\ &= \frac{10000 - 100 \cdot (19,6 + 9,5 + 27,91 + 1,98) + 27,91 \cdot (1,4 + 10,0) + 1,41 \cdot (2,4 + 10,0) + 0,57 \cdot 9,5}{100 - (13,0 + 8,1)} = \\ &= \frac{10000 - 5899 + 318,174 + 17,484 + 5,415}{100 - 21,1} = \frac{4442,07}{78,9} = 56,30\% \end{aligned}$$

10. Шротнинг чиқиши:

$$\begin{aligned}
 III &= \frac{10000 - 100(M_0 + B_0 + \Pi_5 + T_2 + C_2) + \Pi_5 \cdot (M_1 + B_2) + T_2(M_5 + B_2) + C_2 \cdot B_3}{100 - (M_3 + B_5)} = \\
 &= \frac{10000 - 100 \cdot (19,6 + 9,5 + 27,91 + 1,98) + 27,91(1,4 + 10,0) + 1,41(2,4 + 10,0) + 0,57 \cdot 8,5}{100 - (1,4 + 10,0)} = \\
 &= \frac{10000 - 5899 + 318,174 + 17,484 + 4,845}{100 - 11,4} = \frac{4441,5}{88,6} = 50,13\%
 \end{aligned}$$

11. Кунжарадаги қолдик мой:

$$M_6 = \frac{\mathcal{J} \cdot M_2}{100} = \frac{56,3 \cdot 13,0}{100} = 7,319\%$$

7. Мойнинг йўқотилиши:

а) шротда;

$$\Pi_1 = \frac{III \cdot M_3}{100} = \frac{50,13 \cdot 1,4}{100} = 0,702\%$$

б) шелухада:

$$\Pi_2 = \frac{\Pi_5 \cdot M_1}{100} = \frac{27,91 \cdot 1,4}{100} = 0,39\%$$

б) пуч уруғларда;

$$\Pi_3 = \frac{T_2 \cdot M_5}{100} = \frac{1,41 \cdot 2,4}{100} = 0,04\%$$

8. Жами йифинди мой:

$$P_1 = M_0 - (\Pi_1 + \Pi_2 + \Pi_3) = 19,6 - (0,702 + 0,39 + 0,04) = 18,468\%$$

9. Форпресс мойи чиқиши:

$$P_2 = M_0 - (M_6 + \Pi_2 + \Pi_3) = 19,6 - (7,319 + 0,39 + 0,04) = 11,851\%$$

10. Экстракция мойининг чиқиши:

$$P_3 = P_1 - P_2 = 18,468 - 11,851 = 6,617\%$$

11. Намликини йўқотилиши:

$$\begin{aligned}
 \Pi_5 &= B_0 - \frac{III \cdot B_5 + \Pi_5 B_2 + T_2 B_2 + C_2 \cdot B_1}{100} = 9,5 - \frac{50,13 \cdot 10,0 + 27,91 \cdot 10,0 + 1,41 \cdot 10,0 + 0,57 \cdot 9,5}{100} = \\
 &= 9,5 - \frac{501,3 + 279,1 + 14,1 + 5,415}{100} = 9,5 - 8,69 = 1,512\%
 \end{aligned}$$

12. Мой баланси, %да:

| № | Номланиши | Белгиси | Чиқиши, % |
|---|---------------------|----------------|-----------|
| 1 | Уруғдаги мой | M ₀ | 19,600 |
| 2 | Форпресс мойи | P ₂ | 11,851 |
| 3 | Экстракция мойи | P ₃ | 6,617 |
| 4 | Мойнинг йўқотилиши: | | |
| | Шротда | P ₁ | 0,702 |
| | Шелухада | P ₂ | 0,390 |
| | пуч уруғларда | P ₃ | 0,040 |

13. Махсулот баланси:

| № | Номланиши | Белгиси | Чиқиши, % |
|---|-----------------|----------------|-----------|
| 1 | Форпресс мойи | P ₂ | 11,851 |
| 2 | Экстракция мойи | P ₃ | 6,617 |
| 3 | Шрот | III | 50,130 |
| | Кунжара | Ж | 56,300 |

| | | | |
|---|--------------------------------|---------|-------|
| 4 | Шелуха | L_5 | 27,91 |
| 5 | Минерал ва органик ифлосликлар | C_2 | 0,570 |
| 6 | Йўқотиладиган намлик | Π_5 | 1,512 |
| 7 | Пуч уруғларда | T_2 | 1,410 |
| | Жаъми: | - | 100 |

6-машғулот. Мойли уруғларнинг мойлилигини аниқлаш

Умумий тушунчалар. Пахта чигитидаги хом ёғнинг масса улуши тўлиқ экстракциялаш усули билан аниқланади. Эритувчи сифатида қайнаш ҳарорати $40\text{-}55^{\circ}\text{C}$ бўлган петролей эфири ишлатилади. Анализ бошланишидан олдин фосфолипид ва госсиполни оқсил моддалар билан боғлаш учун чигит қиздирилади. Аниқлашлар майдалаш услубига қараб, 2 усулда олиб борилади: 1) металл ҳовончада янчиш; 2) лаборатория майдалагичида янчиш.

Экстракция жараёни Сокслет ва Нааб аппаратларида бажарилади. Қуйида Нааб аппарати билан ишнинг бажарилиши берилган.


Асбоб, реактив ва метериаллар: Нааб аппарати; қуритиш шкафи; 2-синф лаборатория тарозиси; сув ҳаммоли; $150\text{-}250\text{ см}^3$ ли колбалар; янчиш ускунаси; петролей эфири; гигроскопик пахта; фильтр қофози.

Ишнинг бажарилиши. Уруғларнинг ўртача намунасидан диагонал бўлиш усули билан 50г уруғ массаси минерал ва органик аралашмалардан тозаланади (мойли аралашма намунада қолади).

Металл ҳовончада янчиш учун мўлжалланган, аралашмалардан тозаланган чигит намунасидан чинни косачага $0,0001\text{г}$ аниқликда $10\text{-}12\text{г}$ тарозида тортиб олинади ва $100\text{-}1050^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 1соат мобайнида қуритилади. Қуритилган уруғ металл ҳовончада яхшилаб янчилади ва ҳосил бўлган янчилма фильтр қофозидан тайёрланган патронга жойлаштирилади. Ҳовонча ва унинг дастасида қолган мой аввал курук, сўнгра петролей эфири билан хўлланган гигроскопик пахта билан яхшилаб артилади ва иккала пахта бўлагини патрондаги янчилма устига қўйиб, патрон ўраб беркитилади. Шундан сўнг, патрон экстракция аппаратига жойланади.

Механик майдалаш ускунасида янчиш учун ажратиб олинган, минерал ва органик аралашмалардан тозаланган 50г чигит ҳам қуритиш шкафида 100-1050С ҳароратда 2соат давомида қуритилади. Янчиш бир жинсли масса ҳосил бўлгунча ва шулҳа аралаштирмасдан олиб борилади. Янчилма шпатель ёрдамида яхшилаб аралаштирилади ва тортиб олинган патронга 5-10г микдорда солинади. Шундан сўнг, патрон Нааб экстракция аппаратининг совутгичини илгагига илинади. 13-расмда Нааб аппаратлари кўрсатилган.

Аппарат икки хил қурилмадан иборат: 1-қурилма (а) Зайченко аппарати услубида ишлайди, 2-қурилма (б) эса Твиссельман аппарати услубида ишлайди, лекин Нааб аппаратлари конструктив қўриниши жиҳатидан Зайченко ва Твиссельман аппаратларидан фарқ қиласди.



Нааб аппарати.

- а) 1. Қабул қилувчи колба. 2. Совутгич.
- б) 1. Қабул қилувчи колба. 2. Экстрактор. 3. Совутгич.

Аппаратнинг 1-қурилмаси қабул қилувчи колба 1 ва совутгич 2 дан иборат. Экстракцион патрон илгакларга шундай осиладики, патроннинг пастки қисми эритувчига тегмай туради.

Аппаратнинг 2-қурилмаси қабул қилувчи колба 1, экстрактор 2 ва совутгич 3 дан иборат. Патрон совутгич илгагига илинади ва аппарат расмда кўрсатилганидек қилиб йигилади.

Нааб аппаратлари билан ишлаганда анализ қилинаётган материалдан 1-қурилма учун 5 г, 2-қурилма учун 10г миқдорда тортма олинади ва Сокслет аппаратида ишлагандек, тайёрланган фильтр қоғозли патронларга жойланади.

Колбанинг иссиқ сувга ботиш чуқурлиги ва идишдаги сувни температурасини ўзгартириш билан экстракция тезлигини ўзгартириш мумкин.

Тезлик шундай мўлжал билан ўзгартириладики, унда экстракцион патроннинг юқори қисмидаги 5 мм чуқурлик ҳар доим бутун материал ҳажми орқали фильтрланаётган эритувчи билан тўлдирилган бўлиши керак.

Петролей эфири билан ишлаганда ҳаммомда сувнинг температураси 80-85 °C, этил эфирида эса ундан паст бўлиши керак.

Экстракция вақти материал турига ва ундаги мой миқдорига қараб белгиланади. Тортилган колбага 40-55°C температура атрофига хайдалган 60 мл петролей эфири солинади ва патроннинг юқори қисмидаги чуқурлик патроннинг бутун ҳажми бўйича фильтрланадиган эфир қавати билан доимо тўлиб турган ҳолида 2 соат давомида экстракция олиб борилади. Икки соатдан кейин ёғ ажратиш тўлиқлигига намуна олинади.

Бунинг учун экстрактор совитгичдан ажратилади, эритувчини экстрактордан колбага қуийб олинади: эритувчининг сўнгги томчилари қуруқ ва тоза соат ойнасига томизилади. Агар эритувчи буғланиб кетгандан кейин ойна устида ёғ излари қолмаса, экстракция тутатилади. Акс ҳолда мослама қайта йигилиб экстракция давом эттирилади.

Экстракция жараёни тугагач эфир ҳайдалади ва ёғли колба 100-105°C температурали қуритиш шкафига қўйилади ва доимий оғирликкача қуритилади. Тарозида биринчи тортиш 1,0-1,5 соатдан сўнг, кейингилари эса ҳар 0,5 соатдан сўнг амалга оширилади.

Ҳақиқий намликтаги тоза чигитдаги мойнинг масса улуси X (%)да) (5) формула ёрдамида аниқланади.

Параллел аниқлашлар орасидаги фарқ 0,5%дан ошмаслиги керак.

Хом мойнинг масса улушкини аниқлаш билан бир вақтда чигитдаги намлик миқдори ҳам аниқланади ва олинган натижа қуруқ моддага нисбатан (6) формула ёрдамида ҳисобланади.

Зарур бўлган ҳолда, ҳом мойнинг масса улушкини ҳақиқий намлик ва ифлосланганликда X_2 аниқланади. Ҳисоблашлар (7) формула ёрдамида амалга оширилади.

7-машғулот. Ёғ ва мойларни намунавий рафинациялаш

Ишнинг мақсади: Центрифугалаш ёки чўқтириш билан фазаларни ажратиш билан нейтраллаш жараёнига NaOH эритмаси концентрациясини таъсирини ўрганиш.

Мойни нейтраллаш жараёнига таъсир қилувчи асосий омил натрий гидроксид ишчи эритмасининг концентрацияси ҳисобланади. NaOH эритмаси концентрациясини ошиши билан нейтрал мойни совунланиш даражаси ортади, соапстокдаги ёғни умумий миқдори кўпаяди, нейтралланган ёғни чиқиши камаяди. Шу билан бирга натрий гидроксид эритмаси концентрациясини ортиши билан ҳосил бўладиган соапстокни адсорбцион қобилияти ортади, бу ўз навбатида, мойни тозалашни яхшилайди. Нейтраллаш жараёнини муҳим кўрсаткичлари рафинацияланган мойни кислота сони ва нейтралланган мойдаги совун миқдори ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар жавоб функцияси ҳисобланади. NaOHнинг ишчи эритмаси концентрацияси-омилдир.

Бу лаборатория ишини ташкил қилишда 1-иловада келтирилган иккинчи тартибли уч даражада икки омилли режа қўлланади.

Нейтралланадиган мой кўринишига боғлиқ ҳолда натрий гидроксид ишчи эритмаси концентрацияси катта чегарада ўзгариши учун, тадқиқ қилинадиган концентрация интервали ўқитувчи томонидан берилади.

Масалан, гидратланган кунгабоқар мойи учун NaOH ишчи эритмасининг концентрацияси 50дан 15гр/л га ўзгаради. NaOH ни ортиқча миқдори ёғ кислоталарини стехиометрик нейтраллашга зарур бўлган миқдорда ва жараён ҳарорати тажрибалар серияси учун ўқитувчи томонидан берилади ва ўзгармас ҳолда ушлаб турилади. Омилнинг ўлчамсиз (кодланган) қийматидан ҳақиқий қийматига ўтиш 2-иловада келтирилган формулалар бўйича амалга оширилади. Бунда тажриба қадами 50гр/л, режа маркази 100гр/л NaOH лигини ҳисобга олиш керак.


Бу ишни 3-4 кишидан ташкил топган гурух амалга оширади. Улардан ҳар бири 5-жадвалда берилган тажриба режасига биноан намунавий нейтраллашни амалга оширади.

5-жадвал

Тўйинган, композицион ишлаб чиқариш иккинчи тартибли режаси

| Тажриба номери | Омилнинг кодланган қиймати,X | Омилнинг ҳақиқий қиймати,Z | Жавоб функцияси | |
|----------------|------------------------------|----------------------------|---|--|
| | | | Нейтралланган мойни кислота сони,мг KOH | Нейтралланган мойдаги совунни масса улуши учун % |
| 1 | 1 | 50 | Y ₁ | |
| 2 | 1 | 150 | | |
| 3 | 0 | 100 | | |

Реактив ва асбоблар: мой, натрий гидроксида, намунавий нейтраллаш лаборатория қурилмаси (2-расм)



2-расм. Мойларни намунавий нейтраллаш күрілмаси:

1-электр иситгич; 2-кимёвий стакан; 3-аралаштиргич; 4-электродвигатель; 5-томизгич; 6-термометр.

Ишнинг бажарилиши. Сигими 0,5 л бўлган стаканга 200 г. мой солинади. Рафинациядан олдин мойнинг ва ишқор эритмасининг ҳарорати $20-25^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиши керак. 150-200 айл/мин тезликда аралаштиргич билан аралаштирган ҳолда томизгич воронка ёрдамида, ҳисобланган ишқор эритмаси томчилаб мойга қўшилади. Эритманинг концентрацияси ва зарур ортиқча қисми 2-жадвалдан топилади.

Ишқор эритмасини қўшгандан сўнг аралаштириш 10 мин давом эттирилади, сўнгра мой иситилади.

Гичнинг айланишлар сонини 15-20 айл/мин. гача камайтирилади ва аралаштиришни мойдан соапсток паға-паға бўлиб аниқ ажрала бошлагунча давом эттирилади. Нейтраллашнинг охирги ҳарорати соапсток паға-паға бўлиб ҳосил бўлиш ҳарактерига кўра белгиланади (айрим ҳолларда $65-70^{\circ}\text{C}$ гача чиқиши мумкин).

Соапстокнинг ҳосил бўлишини назорат қилиш учун шиша таёқча билан нейтрализатордан мой олиб, шиша ёки чинни пластинкага бир неча томчи томизиб кўрилади.

Тажрибани тўғри олиб борилганда аралаштиргичнинг секин айланишида аралаштиришнинг давомийлиги 5-10 минут бўлиши мумкин. Соапстокнинг мойдан яхши ажралишига эришилганда аралаштириш якунланади.

Мой нейтраллангандан сўнг 10 мин давомида тиндириб қўйилади, кейин соапстокдан яхшилаб ажратилади ва буклама фильтр қофози орқали фильтрланади. Тозаланган мой ранги ВНИИЖ – 16 ёки «Ловибонд» ранг ўлчагичи ёрдамида ранги аниқланади.

Олинган натижаларни иловадаги «Минимум» ёки «Сетка» дастури бўйича [6, 132 бет] қайта ишланади. Буни оқибатида мақбул функцияси «у» ва омил X орасидаги боғланишни ифодаловчи модель келиб чиқади. ЭҳМ даги ҳисоблашлар натижасида олинган оптималь омиллар X қийматига қайта ҳисоблаб ўтказилади (2-илова).

2-ишдан олинган тажрибавий натижалар асосида бир неча сифат кўрсаткичлари бўйича стандартга мувофиқ келадиган мой олиш оптималь режимларини ҳисоблаш мумкин. Бу ҳисоб, рафинацияланган мойни бир неча кўрсаткичларини битта мезонга бирлаштирувчи мақбул функциясидан фойдаланишга асосланган. Берилган мисолда мойни иккита сифат кўрсаткичлари - нейтраллангандан сўнг мойни кислота сони ва ундаги совунни масса улуши танлаб олинган.

Рафинацияланган мойга қуйиладиган талабларга биноан, мойни кислота сони $0 \div 0,4$ мг КОН/гр ва совунни масса улуши $0 \div 0,05\%$ оралиғида бўлиши лозим.

8 - амалий машғулот: Ёғларни гидрогенлашда моддий ҳисоблар

Гидрогенлашнинг моддий ҳисоби саломас ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёлар яъни ёғ, водород ва катализаторнинг ёғли суспензияси микдорларини аниқлашга асосланган.

Ҳисботни пахта ёғини бошқа хиллари учун ҳисобланганда қуйидаги ҳисботлар ўзгармайди.

Хом ашё ва материаллар сарф микдори 1т гидрогенизацияга берилаётган ёғ микдори 1т гидрогенизацияга берилаётган ёғ микдорига нисбатан олиб борилади сўнгра 1т товар саломас учун ҳисобланади.

Ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар

1. Гидрогенлашга берилаётган ёғнинг йод сони. $J_1=110\% J_2$

2. Олинган саломаснинг йод сони. $J_2=70\% J_1$
3. Катализатор сарф меъёри, $d=2$ кг/т
4. Сарфланаётган катализаторнинг таркиби, 20% яъни, 80% айланма.
5. Катализатор – мис никель, никелнинг мисга нисбати 3:1, элтувчисиз.
6. Цех қуввати кунига 100т озиқа саломаси ёки 6,25 т/соат

Водород сарфи

1 тонна учацилглициеридни тўйинтириш учун водороднинг назарий сарф миқдори қуйидаги формула билан аниқланади.

$$B=10 (J_1 - J_2)/126,9 = 10 (110-70)/126,9=3,15 \text{ кг/т}$$

Оддий шароитда 1т ёғ учун қуруқ водород сарф миқдори (нм^3) (босим 0,1МПа ва ҳарорат 10^0C) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$V_{\text{сух}}=10 (J_1 - J_2)/(126,9-0,0898)=(J_1 - J_2)/1,14=(110-70)/1,14=35,08 \text{ нм}^3/\text{т}$$

бу ерда: 126,9 – йоднинг молекуляр оғирлиги

$$0,0898 – \text{оддий шароитда водороднинг зичлиги кг/нм}^3$$

$$P = 103,3 \text{ КПа}, T_k=293 \text{ К} \text{ газдаги сув буғи босими}$$

$$P_1=2,3 \text{ КПа} \text{ ва водород нис бий намлиги } \varphi=0,85 \text{ бўлганда нам водороднинг ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади.}$$

$$V_{\text{нам}} = V_{\text{куруқ}} (P T_k) / (P - P_1 \varphi) T_o = 35,08 (103300 \cdot 293) / (103300 - 2300 \cdot 0,85) \cdot 273 = 38,4 \text{ м}^3/\text{т}$$

Водород билан системани тозалашга сарф бўлган 5%ни ҳисобга олган ҳолда водородни умумий сарф миқдори қуйидагича

$$V_{\text{умумий}} = V_{\text{нам}} \cdot 1,05 = 38,4 \cdot 1,05 = 40,32 \text{ м}^3/\text{т}$$

Катализатор сарфи

Ёғларни гидрогенлаш заводлари тажрибасига асосан катализатор сарфи 20% янги ва 80% айланма катализаторлардан фойдаланилади.

Тажрибаларга асосан катализатор сарф меъёри $d=2$ кг/т ни (никелга

нисбатан) ташкил қиласи. Сарфланадиган катализаторни яхши ҳаракатланиши ва дозалаш осон бўлиши учун уни иссиқ рафинацияланган ёғ билан суюлтирилади. Бунда никел концентрацияси ўртача 2% ни ташкил этади. Катализаторнинг ёғдаги суспензиясининг сарф миқдори: 100 кг/т га тенг булади. Сарфланадиган катализатордаги ёғ миқдори

$$100-2=98\text{кг/т}$$

Катализатор чиқиндилари ва йўқотишлиар

Катализаторларни йўқотишлиар қуидаги қисмлардан иборат: Тайёр маҳсулотдаги никелни қолдиқ миқдори, ёғ кислоталарининг совунлари билан биргаликда 5 мг/кг дан кўп емас; $\Pi_1=0,005$ кг/т механик фильтрлар юзасини регенерация қилишда (тозалаш, ювиш) $\Pi_2=0,015$ кг/т;

Фильтр матонинг сарф миқдори – 0,15 м²/т дан кўп бўлмаслиги керак. ВНИИЖ маълумотларига кўра ишлатилган фильтр матода никель миқдори 80г/м²бўлади. Фильтр матода никель катализаторни йўқотиш миқдори

$$\Pi_3=0,080\cdot0,15=0,012 \text{ кг/т};$$

ҳисобга олинмаган бошқа йўқотишлиар

$$\Pi_4=0,008 \text{ кг/т};$$

Гидрогенизация жараёнида катализаторнинг йўқотишлиар миқдори

$$\Pi_{умумий}=\Pi_1+\Pi_2+\Pi_3+\Pi_4=0,005+0,015+0,080+0,008=0,04 \text{ кг/т}$$

Чиқиндилар миқдори жараёнга берилган янги катализатордаги никель массаси билан йўқотилган никель массалари айирмасига тенг.

$$\Delta_{\text{д}}=\Delta_{\text{я}}\cdot0,20-\Pi_{\text{ум}}=2\cdot0,2-0,04=0,36 \text{ кг/т}$$

бу ерда: сарфланадиган катализатордаги янги катализатор миқдори – 20%

Гидролиз натижасида йўқотишлиар

Пахта ёғини тўйинтириб озиқа саломаси олишда гидролизга учраган ёғ миқдори, $y=3,2$ кг/т га тенг деб қабул қиласиз

Пахта ёғи гидролизида ҳосил бўлган ёғ кислоталар миқдори глицерид массасининг 95,5% ни ташкил этади.

$$h=y\cdot95,5/100=3,2\cdot95,5/100=3,06 \text{ кг/т}$$

Гидролизда ёғни йўқотиш миқдори

$$\Pi_1 = y - h = 3,2 - 3,06 = 0,14 \text{ кг/т}$$

Айланма водородни тозалаш системасидаги чиқинди ва йўқотишлар

Глицеридларни гидролизида ҳосил бўлган эркин ёғ кислоталарнинг ўртача 20% миқдори автоклавдан чиқиб кетаётган водородга илашиб, водород тозалаш системасига ўтиб кетади:

$$h_1 = 0,2 \text{ кг/т} \quad h = 0,2 \cdot 3,06 = 0,61 \text{ кг/т} \quad \text{ёки} \quad h_2 = h_1 \cdot 4,16 = 2,54 \text{ кг/соат}$$

ҳосил бўлган ёғ кислоталарнинг қолган миқдори олинаётган саломас таркибида эрийди.

$$h_2 = h - h_1 \times 3,06 - 0,61 = 2,45 \text{ кг/т}$$

ВНИИЖ маълумотларига биноан автоклавдан чиқиб кетаётган 1м^3 қуруқ водород ўзи билан ўртача $a = 25\text{г}$ ёғли моддаларни олиб кетади. Умумий чиқиб кетаётган водород ҳажми $V_{opt} = 900\text{м}^3/\text{г}$ га teng бўлиб, ўзи билан олиб кетилаётган ёғли моддалар миқдори

$y_3 = a \cdot V_{opt} = 25 \cdot 900 = 22500 \text{ г}$ кейинги ҳисобларда $y_3 = 22 \text{ кг/соат}$ га teng деб қабул қиласиз.

Шу жумладан $h_2 = 3,8 \text{ кг/с}$ – ёғ кислоталар

$$J_h = 18,2 \text{ кг/с} \text{ нейтрал ёғ}$$

Гидрогенланадиган 1т ёғдан олиб кетиладиган ёғли моддалар миқдори:

$$y_{ud} = 22 / 4,16 = 5,2 \text{ кг/т}$$

Томчи ажратгич ва айланма водород циклонида 90% ёғли моддалар ажратилиди.

$$O_1 = Y_3 \cdot 0,9 = 22 \cdot 0,9 = 19,8 \text{ кг/с} = 3,17 \text{ кг/т}$$

Бу ёғ қизил саломас дейилади ва техник мақсадда ишлатилади.

Сувли скрубберга $5,2 - 3,17 = 2,03 \text{ кг/т}$ ёки

$$Y_4 = 2,03 \cdot 4,16 = 8,44 \text{ кг/соат} \text{ ёғли моддалар ўтади.}$$

Сувли скрубберда конденсалланган ёғли моддаларнинг 40% миқдорда ёғ ажратгичга сув билан чиқиб кетади ёки $5,2 \cdot 0,4 = 2,08 \text{ кг/т}$

Ёғ тутгичнинг фойдали иш коэффициентини 50% га тенг бўлса, ўртача $O_2=2,08\cdot0,5=1,04$ кг/т сифати паст бўлган техник ёғ тутиб қолинади.

Қолган ёғли йўқотишларга чиқиб кетаётган водород билан йўқотишлар киради.

Умумий бу операцияда йўқотишлар миқдори:

$$\Pi_2=2,03-0,07=1,96 \text{ кг/т}$$

Ишлатилган катализатор билан ёғ йўқотиш, тажрибаларга асосланиб:

$$\Pi_3 = 0,39 \text{ кг/т} \text{ га тенг булади.}$$

Саломасни фильтрлашда ёғ йўқотишлар миқдори фильтр мато массасининг 50%ни ташкил этади. Мато сарфи – $0,15 \text{ м}^2/\text{т}$

$$\Pi_4 = 0,15\cdot0,9\cdot0,5=0,067 \text{ кг/т}$$

бу ерда: 0,9 – фильтр мато массаси, $\text{кг}/\text{м}^2$

Бошқа ҳисобга олинмаган ёғли йўқотишлар

$$\Pi_5 = 0,023 \text{ кг/т}$$

Гидрогенизация жараёндаги умумий ёғли йўқотишлар миқдори:

$$\Pi_{1-5} = 2,08+1,96+0,39+0,067+0,023=4,52 \text{ кг/т}$$

Гидрогенлаш жараёнидаги умумий ёғ йўқотишлар томчи ажратгичда ийғилган $O_1 = 3,17 \text{ кг/т}$ қизил саломас ҳамда ёғийигичда ийғилган техник ёғ $O_2=0,07 \text{ кг/т}$ ҳисобига ҳосил бўлади.

Умумий чиқиндилар миқдори:

$$O=O_1+O_2=3,17+1,04=4,21 \text{ кг/т}$$

Пахта ёғидан озиқа саломаси ишлаб чиқаришдаги умумий чиқинди ва йўқотишлар миқдори

$$I=O+\Pi_{1-5}=4,21+4,52=8,73 \text{ кг/т}$$

Саломас чиқиши:

$$A_p=1000+\Delta-\delta=1000+2,99-8,73=994,26 \text{ кг/т}$$

бу ерда: Δ – бириккан водород массаси

$$(\Delta=2,99 \text{ кг/т})$$

1 тонна озиқа саломас ишлаб чиқариш учун пахта ёғи сарф миқдори

$$B=1000\cdot1000/A_p=1000\cdot1000/994,26=1005,7 \text{ кг/т}$$

Пахта мойини гидрогенлаш баланси

| Кўрсатгичлар | Миқдори, кг/т | | Кўрсатгичлар | Миқдори, кг/т | |
|--|-------------------------|---------------------|------------------------------------|-------------------------|---------------------|
| | Гидро-генланан-ётган ёғ | Олина-ётган саломас | | Гидро-генланан-ётган ёғ | Олина-ётган саломас |
| Берилаётган ёғ (мой) | 1000,0 | 1005,7 | Саломас | 994,26 | 1000 |
| Шу жумладан: Автоклавга бериладиган ёғ | 902,0 | 903,15 | Чиқинди ва қайтмас йўқотишлар | 8,73 | 8,73 |
| Катализатордаги ёғ | 98 | 98 | Шу жумладан чиқинди, йўқотишлар | 4,21 4,52 | 4,21 4,52 |
| Бириккан водород | 2,99 | 2,99 | | | |
| ЖАМИ | 1002,99 | 1004,14 | ЖАМИ | 1002,99 | 1004,14 |

ТОПШИРИҚЛАР

- Хисоблаш учун дастлабки маълумотлар
- Гидрогенлашга берилаётган ёғнинг йод сони. $J_1=127\% J_2$
- Олинган саломаснинг йод сони. $J_2=70\% J_1$
- Катализатор сарф меъёри, $d=1,5$ кг/т
- Сарфланаётган катализаторнинг таркиби, 100%
- Катализатор –никел, элтувчили.
- Цех қуввати кунига 50т озиқа саломаси

9-амалий машғулот. Совуннинг сифат кўрсаткичларини таҳлил

қилиш усуллари

Ҳозирги вақтда ёғ-мой корхоналарида асосан хўжалик ва атир совун ишлаб чиқарилади. Кам ҳолларда кукунсимон, пастасимон ва суюқ совунлар ишлаб чиқарилади.

Қаттиқ совун ишлаб чиқариш 2 этапдан иборат:

- Совуннинг концентранган массасини тайёрлаш (совунли елим, атир совун учун асос).
- Массага товар формасини бериш (механик ишлов).

Совун рецептурасини тузиш

Совуннинг ёғ хомашё рецептурасига, унинг физик-кимёвий хусусияти, таннархи, тайёрлаш технологияси боғлиқ бўлади. Шунинг учун рецептура тузиш, сифатли совун ишлаб чиқарishнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Рецептура тузганда турли ёғлардан шундай ёғларни танлаб олиш, керакки, совун қаттиқ ва қайишқоқ, сувда яхши эрийдиган, кам сарфланадиган ва яхши ювиш қобилиятига эга бўлсин.

Атир совун, одатда совуқ ёки илиқ сувда ишлатилгани учун, унинг таркибида совуни сувда яхши эрийдиган, $C_{12} - C_{16}$ ёғ кислоталари бўлиши керак. Шу мақсадда атир совун рецептурасига кокос ёғи ва синтетик ёғ кислоталарини обдон тозалангандан $C_{10} - C_{16}$ фракцияси киритилади.

Совуннинг қаттиқлиги рецептурага кирган ёғ кислоталарининг титрига боғлиқ. Совундан ажратиб олинган ёғ кислоталарининг титри $35-42^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиши керак. Рецептурага киритилган ёғ кислоталарининг ўртача титрини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$T \text{ ё.к.} = t_1 \cdot C_1 + t_2 \cdot C_2 + t_3 \cdot C_3 + \dots / 100$$

бу ерда: $T_{\text{ё.к.}}$ – ёғ кислотали аралашманинг титри, $^{\circ}\text{C}$;

t_1, t_2, t_3 – рецептурага киритилган ёғ кислоталарининг титри, $^{\circ}\text{C}$;

C_1, C_2, C_3 – рецептурага киритилган ёғ кислоталарининг миқдори, %.

Ёғли аралашмани совунланиш сони қуйидаги формула бўйича топилади:

$$C_{\text{ё.е.}} = C_{c1} \cdot C_1 + C_{c2} \cdot C_2 + C_{c3} \cdot C_3 + \dots / 100$$

бу ерда: $C_{\text{ё.е.}}$ – ёғли аралашманинг совунланиш сони;

C_{c1}, C_{c2}, C_{c3} – рецептурага киритилган ёғларнинг совунланиш сони;

C_1, C_2, C_3 – рецептурага киритилган ёғларнинг миқдори, %.

1-жадвал

Ёғ ва мойларнинг кўрсаткичлари

| Ёғ ва мойлар | Ўртача қиймати | |
|-----------------|--------------------------|-----------------|
| | Титр, $^{\circ}\text{C}$ | Совунланиш сони |
| Мол ёғи | 48 | 196 |
| Қўй ёғи | 45 | 198 |
| Пахта мойи | 5 | 195 |
| Кунгабоқар мойи | - | 190 |
| Саломас | 48 | 194 |
| Кокос ёғи | 22 | 260 |

Ишқор сарфини ҳисоблаш

1 кг ёғли аралашмани совунлаш учун зарур бўлган ишқорнинг назарий миқдори, ёғли аралашмани совунланиш сони асосида қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$U = \frac{C_{c.e.a} \cdot 40}{56.1}$$

бу ерда: U – ишқор сарфи, г /кг;

$C_{c.e.a}$ – ёғли аралашмани совунланиш сони;

40 – натрий гидроксидни молекуляр оғирлиги;

56.1 – калий гидроксидни молекуляр оғирлиги.

Совунда қоладиган озод ишқор миқдорини назарда тутиб, юқоридаги формула билан ҳисоблаб топилган ишқорга (3г/кг) миқдорида кўшимча олинади.

Совун пишириш учун зарур бўлган қуруқ ишқор миқдорини ҳисоблаб топилгач, концентрацияси 25-40 % оралигидаги ишқор эритмаси тайёрланади.

Масалан: Рецептураси, саломас – 80 %, пахта мойи – 20 % бўлган, 200 г 60 % ли хўжалик совунини пишириш зарур бўлсин.

Ёғ кислота сарфини аниқлаймиз:

$$X_{e.K} = \frac{60 \cdot 200}{100} = 120 \text{ г}$$

Нейтрал ёғ миқдорини аниқлаймиз:

$$X_{H.e} = \frac{120}{0.95} = 126 \text{ г}$$

Шу жумладан:

$$\text{Саломас : } X_c = \frac{126 \cdot 80}{100} = 100.8 \text{ г}$$

$$\text{Пахта мойи: } X_{p.m.} = \frac{126 \cdot 20}{100} = 25.2 \text{ г}$$

бу ерда: 0.95 – нейтрал ёғга ўтиш коэффициенти,
Ёғли аралашмани совунланиш сонини ҳисоблаймиз:

$$Cc.\ddot{e}.a = \frac{194.80 + 195.20}{100} = 194.2$$

Совунланиш сони 194,2га тенг тўлган 1кг ёғли аралашмани совунлаш учун зарур бўлган ишқор миқдори

$$U = \frac{194.2 \cdot 40}{56/1} = 138.5 \text{ г/кг}$$

126г ёғли аралашмани совунлаш учун эса, кўшимча миқдор билан

$$U = \frac{138.5 \cdot 126 \cdot 1.03}{100} = 18.0 \text{ г}$$

бу ерда: 1.03 – кўшимча миқдор, 0.3 %

Шу миқдордаги қуруқ ишқордан 25% ли эритма тайёрлаймиз.

Эритманинг миқдори:

$$\frac{18.0 \cdot 100}{25} = 72.0 \text{ мкг} \quad \text{бўлади.}$$

Совун пишириш

Совун тайёрлаш жараёни икки босқичдан ташкил топади. Биринчи босқич рецептурага кирган ёғ кислоталарининг аралашмасини ишқор эритмаси билан аралаштириб, ёғ кислоталарининг натрийли тузи олинади. Бу жараённи совун пишириш деб аталади.

Иккинчи босқич эса пиширилган совунга ҳар хил кўшимчалар кўшиш ва унга товар кўринишини бериш. Пиширилган совунга товар кўринишини бериш қуйидаги босқичлардан ташкил топади: пиширилган совунни совитиш, қуритиш, совунни бўлакчаларга бўлиш. Ящикларга тайёр совунларни жойлаштириш.

Совун нейтрал ёғдан тайёрланса совунлаш жараёни ўювчи натрий ишқори билан олиб берилади. Агар совун ёғ кислоталарининг аралашмаси асосида тайёрланса, у вақтда совунланиш жараёни олдин карбонат натрий

ёрдамида олиб берилади ва кейин натрий гидроксид ёрдамида давом эттирилади. Совун пишириш жараёнининг тезлиги шу жараённинг олиб борищдаги ҳароратга, натрий ишқорининг концентрациясига ва совун пишириш ускунасининг босимига боғлиқдир. Совунлашда қўлланадиган натрий ишқорининг концентрацияси, совунланиш жараённинг ҳарорати ва босими юқори бўлса, совунланиш жараёни тезлашади ва вақт қисқаради.

Реактив ва асбоблар: 25% ли натрий гидроксид эритмаси, ош тузи ва фенолфталеин эритмалари, чинни стакан, арлаштиргич, электриситгич.

Ишнинг бажарилиши. Совун пишириш жараёнини бошлишдан олдин ёғ кислота ёки нейтрал ёғларни ва натрий гидроксиди миқдорини ҳисоблаб, олиш керак. Совун пиширишни бошлиш учун рецептура буйича мўлжалланган ёғларни тортиб олиб, уни совун тайёрлайдиган идишга солинади ва уни аралаштириб туриб 70-80°C гача қиздирилади. Кейин ҳисобланган миқдордаги ишқор эритмасидан, аста секин, оз-оздан қўшиб мешалка ҳаракатини минутига 50-60 айланишга етказилади. Совун пишириш жараёнини олиб бориш вақтида ҳар бир соатда ишқор қолдиғи текширилиб турилади. Реакцион идишдаги ишқор қолдигини текшириш учун пиширилаётган совундан олиб, унинг юзасига 1 томчи фенолфталеин томизган вақтимизда пушти ранг бермаса, у вақтда совун таркибидаги ишқор миқдори 0,1% дан кам бўлади, агар ишқор миқдори 0,1% дан кўпроқ бўлса, пушти ранг беради. Агар совун таркибидаги ишқор миқдори 0,3% ни ташкил қиласа, у вақтда тиник қизил ранг беради. Агар совун пишириш жараёни шундан кейин 15 мин давом эттирилса унга яна фенолфталеин томизган вақтимизда совун таркибидаги ишқор миқдори ўзгармаса, бу совун пишириш жараёнини охирига етканлигидан далолат беради. Совун пиширишни олиб бораётган вақтимизда, кучли қўйилиш содир бўлса, совун таркибига 20% ли ош тузи эритмасидан совун массасига нисбатан 0,5% миқдорида қўшилади. Совун пишириш 100-105°C да 6-8 соат давом этади. Совун пишириш тугагандан кейин унинг таркибидаги ёғ кислоталарининг ва озод ишқор эритмасининг миқдори аниқланади.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

CASE № 1 ТЕХНОЛОГИК ЖИХОЗЛАРНИ ЦИРКУЛЯЦИОН ЮВИШ СИСТЕМАЛАРИ

Кейс 1

Маҳсулот билан контактда бўладиган жиҳозларни ювиш билан боғлиқ жараёнлар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг муҳим масалаларидан хисобланади. Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ювиш ускуналари ва воситаларидан фойдаланиш, оптималь вариантларни танлаш вазифалари

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:



Мавзу бўйича ишлаб чиқилган кейс

Нон маҳсулотларининг сифатига қўйилган талаблар.

“Боғистон нон” МЧЖ га янги тайинланган бошқарув раиси Р.Азизов корхонадаги ишлаб чиқариш жарайёнини ўргана бошлади ва бир қанча муаммога дуч келди.

“Боғистон нон” МЧЖ 1.5 тонна/сутка бўлган , вазни 0.3 кг “Махсус батонлар” нони ишлаб чиқарилади. Бир куни бу корхонада бир партия “Махсус батонлар” нон маҳсулотлари шакли ўзгариб ишлаб чиқарилди .


Янги хажим ва ғовакдорлик паст, юмшоқ қисмининг эластиклиги тагдонли ноннинг ёйилувчанлиги кам . Нонларнинг устки қисми майда чуқур бўлмаган ёруқлар билан қоплаган. Бу нонларни корхона рахбари Р.Азизов вазиятни тўғирлашга харакат қилди.

АССИСМЕНТ

Тест:

Унинг намлиги қанча бўлиш керак?

- а) 14,5
- б) 10,5
- г) 10
- д) 0,15



Буғдой ва жавдар унларнинг график органайзерларда солиштиринг



Симтом

Ундаги крахмал миқдори
кўп бўлса

Амалий кўникма

“Клейковна” сўзига синквей тузинг



VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилида таърифи | Definition in English |
|---------------|--|---|
| Мойли уруғ | Мой ишлаб чиқаришда қўлланиладиган уруғлар | a seed or crop (as flaxseed) grown mainly for oil |
| Форпресс | Мой бирламчи сикиб олиш | an oilseed press is a machine that lies at the center of vegetable oil extraction. |
| Экспеллер | Мойли уруғдаги мойни максимал даражада сикиб олиш | a mechanical method for extracting oil from raw materials. The raw materials are squeezed under high pressure in a single step |
| Экстракция | Қаттиқ зарра таркибидаги суюқлик ёки бирор моддани бирор эритувчи ёрдамида ажратиб олиш | The processing of vegetable oil in commercial applications is commonly done by chemical extraction, using solvent extracts, which produces higher yields and is quicker and less expensive. |
| Қовуриш | намлиги юқори бўлган массани иссиқлик таъсирида маълум намликка қуритиши | Oilseeds are cooked or tempered to denature proteins, release oil from the cells and inactivate enzymes. |
| Дистилляция | юқори температура ва вакуум остида сукликни дастлаб буғлатиш ва сўнг конденсатлаш жараёни | a process of separating the component substances from a liquid mixture by selective evaporation and condensation. Distillation may result in essentially complete separation (nearly pure components), or it may be a partial separation that increases the concentration of selected components of the mixture |
| Тостер | Қовуриш қозонига ўхшаш қурилма бўлиб, шрот таркибидаги эритувчини учирин учун хизмат қиласди | The material obtained from the extractor has tendency to retain the solvent, and this solvent has to be recovered. The basic principle involved Toaster is direct and indirect heating to remove all the residual solvent from the material |
| Экстрактор | Экстракциялаш жараёнини олиб боришига мўлжалланган қурилма | The main equipment in a solvent extraction plant. The machine is designed to give sufficient time for penetration and percolation of solvent into the raw material. |
| Рафинация | ўсимлик мойларини аралашмалардан тозалаш | the process of <u>purification</u> of the oil |

| | | |
|-------------------------|--|---|
| Гидратация | сув таъсир эттириб мой таркибидаги фосфолипидларни чўқтириб ажратиб олиш. | hydrating the gums and removing the hydrated gums from the oil before storing the oil can prevent the formation of a gum deposit |
| Центрифугалаш | суспензия ва эмульсияларни марказдан қочма куч ёрдамида ажратиш. Асосий иш қисми – ўз ўқи атрофида тез айланадиган барабан (ротор)дан иборат бўлган центрифугаларда амалга оширилади | a process which involves the application of the centripetal force for the sedimentation of heterogeneous mixtures with a centrifuge |
| Оқловчи тупрок | ранг берувчи моддалардан тозалаш учун қўлланиладиган тупрок-адсорбент | a chemical substance that removes colour, whitens and disinfects, often by oxidation |
| Дезодорациялаш | мойларни турли хил таъм ва ҳид берувчи моддалардан буғлатиш усули билан тозалаш | To mask or neutralize the odor of or in |
| Дистилляцияли рафинация | юқори температурада ва вакуум остида эркин ёғ кислоталарини йўқотиш | In physical refining, the fatty acids are removed by a steam distillation (stripping) process similar to deodorisation |
| Соапсток | нейтраллаш жараёнида ҳосил бўлган ва турли хил ҳамроҳ моддаларни ўзига бириттириб олиб чўкмага тушган совун, мой, сув ва бошқа моддалар аралашмаси | A concentrated solution of <u>salts of fatty acids</u> obtained in the refining of edible oils |
| Гидрогенлаш | суюқ мойга катализатор ёрдамида водород бириттириб қаттиқ ёғ олиш жараёни. | to treat with hydrogen – is a <u>chemical reaction</u> between molecular hydrogen (H_2) and another compound or element, usually in the presence of a <u>catalyst</u> such as <u>nickel</u> , <u>palladium</u> or <u>platinum</u> . Hydrogenation of <u>unsaturated fats</u> produces <u>saturated fats</u> . |
| Селективлик | тўйинмаган ёғ кислоталарини танлаб тўйиниши | defines the relative rate of hydrogenation of the more unsaturated fatty acids when compared with that of the less saturated acids |

| | | |
|------------------|--|---|
| Промоторлаш | катализатор таркибига специфик таъсир кўрсатувчи бирор-бир бегона моддани жуда оз микдорда киритиш ва унинг активлигини ошириш | substance that is added to a catalyst in small amounts in order to improve its properties such as activity, selectivity or stability |
| Переэтерификация | ёғ таркибидаги триглицеридларда ацил гурухларининг қайтадан тақсимланиши | Interesterification is carried out by blending the desired oils and then rearranging the fatty acids over the glycerol backbone with, for instance, the help of catalysts or lipase enzymes |
| Маргарин | “марварид” деган маънени англатади. Сариёф ўрнини босиш учун яратилган совутилган сувдагимой (С-М) ва майдаги сув (М-С) эмульсиялари аралашмаси | an imitation butter spread used for spreading, baking, and cooking |
| Емульсия | бир суюқликнинг майда томчилари (дисперс фаза) бошқа суюқлик (дисперсион мухит)да тарқалиши натижасида ҳосил бўлган турли жинсли системалар | a mixture of two or more liquids that are normally immiscible (unmixable or unblendable) |
| Майонез | М-С русумли эмульсия бўлиб, озиқа маҳсулотидир ва таркибига ўсимлик мойи, куруқ сут, тухум қукуни, шакар, туз ва бошқа озиқа ва таъм берувчи қўшимчалар киради | a thick, creamy dressing often used as a condiment . ^[1] It is a stable emulsion of oil , egg yolk , and either vinegar or lemon juice , ^[2] with many options for embellishment with other herbs and spices |
| Гидролиз | ёғнинг сув таъсирида парчаланиш жараёни, бунда глицерин ва ёғ кислоталари ҳосил бўлади. | hydrolysing esters - splitting them into carboxylic acids (or their salts) and alcohols by the action of water, dilute acid or dilute alkali |
| Глицерин | Уч атомли спирт бўлиб, ёғларни парчалаш натижасида олинади | a simple polyol (sugar alcohol) compound. Glycerol has three hydroxyl groups that are responsible for its solubility in water and its hygroscopic nature. The glycerol backbone is central to all lipids known as triglycerides . |

| | | |
|--|--|--|
| Нон ва булка нон махсулотларининг ишлаб чиқариш босқичлари | Этапы производства хлебобулочных изделий | Stages of production of bakery products |
| Асосий хом ашё | Основное сырьё | Basic raw materials |
| Кўшимча хом ашё | Дополнительное сырьё | Additional raw materials |
| Хом ашёларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш | Подготовка сырья к переработке | Preparation of raw materials for processing |
| Хамир тайёрлаш | Приготовление теста | Preparation of the dough |
| Опарали ва опарасиз усулда хамир тайёрлаш | Приготовление теста опарным и без опарным способом | Preparation of the test with a sponge and without a sponge |
| Хамирни бижғитиш | Брожение теста | Fermenting the dough |
| Хамирни бўлиш | Разделка теста | Trimming the test |
| Хамирдан зувала қилиш | Закатка тестовых заготовок | Seeding of test billets |
| Пишириш | Выпечка | Bakery products |
| Пиширилган махсулотни сақлаш ва сотувга жўнатиш | Хранение и реализация готовых изделий | Storage and sale of finished products |
| Нонбоп буғдой унлари | Хлебопекарная мука | Bakery flour |
| Олий навли ун | Мука высшего сорта | Flour Extra Class |
| Биринчи навли ун | Мука первого сорта | Flour of the first grade |
| Иккинчи навли ун | Мука второго сорта | Flour of the second grade |
| Жайдари (обой) унни | Обойная мука | Coarse flour |
| Жавдар уни | Ржаная мука | Rye flour |
| Еланма жавдар уни | Сеянная ржаная мука | Seed rye flour |
| Сидирма жавдар уни | Обдирная ржаная мука | Rashed rye flour |
| Жайдари - кепакли (обой) жавдар уни | Обойная ржаная мука | Rye flour |
| Ноннинг кимёвий таркиби | Химический состав хлеба | Chemical composition of bread |
| Уннинг углеводли комплекси | Углеводный комплекс муки | Carbohydrate flour complex |
| Крахмал | Крахмал | Starch |
| Декстриналар | Декстрины | Dextrins |
| Бириктирувчи тўқима | Связывающая ткань | Binding tissue |
| Шилимшиқ парда | Клейкая пленка | Adhesive film |
| Уннинг кимёвий таркиби | Химический состав муки | Chemical composition of flour |
| Кул модда | Зольность | Ash |
| Уннинг қанд моддалари | Сахаристые вещества муки | Sugary substances of flour |
| Оқсиллар | Белки | Proteins |
| Клейковина (ёпишқоқ оқсил моддаси) | Клейковина (клейкое белковое вещество) | Gluten (an adhesive protein substance) |
| Глиадин ва глютеин | Глиадин и глютеин | Gliadin and Glutein |

| | | |
|---|---|---|
| Липидлар | Липиды | Lipids |
| Ферментлар | Ферменты | Enzymes |
| Протеазалар | Протеазы | Proteases |
| α-амилаза ва β-амилаза | α-амилаза и β-амилаза | α - amylase and β-amylase |
| Нордонлик дарражаси | Степень кислотности | Degree of acidity |
| Уннинг сув ютиш хусусияти | Водопоглотительная способность муки | Water-absorbing ability of flour |
| Уннинг йириклиги | Крупность муки | Flour size |
| Намлик | Влажность | Humidity |
| Буғдой унининг нонвойлик хоссалари | Хлебопекарные свойства пшеничной муки | Bakery properties of wheat flour |
| Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти | Газообразующая способность муки | Gas-forming ability of flour |
| Уннинг хусусий қандлари | Сахара муки | Sugar flour |
| Уннинг кучи | Сила муки | Strength of Flour |
| Жавдар унининг нонвойлик хоссалари | Хлебопекарные свойства ржаной муки | Bakery properties of rye flour |
| Углевод амилаза комплекси | Углеводно-амилазный комплекс | Carbohydrate-amylase complex |
| Унни сақлаш | Хранение муки | Flour storage |
| Унни ишлаб чиқаришга тайёрлаш | Подготовка муки к производству | Flour preparation for production |
| Ҳаво билан тўйиниш | Поглощение кислородом | Absorption by oxygen |
| Уннинг нордонлиги | Кислотность муки | Acidity of flour |
| Буғдой уни етилиши | Созревание пшеничной муки | Wheat flour ripening |
| Спиртли бижғиши | Спиртовое брожение | Alcoholic fermentation |
| Сутли нордон бижғиши | Молочнокислое брожение | Lactic fermentation |
| Коллоид-физикавий жараёнлар | Коллоидно-физические процессы | Colloid-physical processes |
| Биокимёвий жараёнлар | Биохимический процесс | Biochemical process |
| Хамирни етилтириш | Созревание теста | Dough maturation |
| Хамирни тайёрлаш | Замес теста | Kneading test |
| Ретсептура | Ресептура | Formulation |
| Кимёвий юмшатувчиilar | Химические разрыхлители | Chemical disintegrators |
| Хамирни “муштлаш” | Обминка теста | Dough Halt |
| Хамиртуриш | Закваска | Leaven |
| Сўнгги тиндириш | Окончательная расстойка | Final proofing |
| Пиширишдаги сарфлар | Упёк | Bake |
| Нонни сақлаш давомида содир бўладиган жараёнлар | Процессы происходящие при хранении муки | Processes occurring during storage of flour |

| | | |
|--|--|--|
| Сақлашдаги сарфлар | Усушка | Shrinkage |
| Фермент препаратлар | Ферментные препараты | Enzyme preparations |
| Солод ва солод препаратлари | Солод и солодовые препараты | Malt and malt preparations |
| Ферментлаштирилган (қизил) солод | Красный ферментированный солод | Red fermented malt |
| Ферментлаштирилмаган (ок) жавдар солод | Белый не ферментированный солод | White non fermented malt |
| Микроб фермент препаратлари | Микробно- ферментные препараты | Microbial-enzyme preparations |
| Модификатсияланган крахмал | Модифицированный крахмал | Modified starch |
| Оксидловчи таъсирига эга яхшилагичлар | Улучшители оксидного действия | Oxidizing effect improvers |
| Қайтарувчи таъсирига эга яхшиловчилар | Улучшители восстановительного действия | Improvers for restorative action |
| Ноннинг нуқсонлари | Дефекты хлеба | Defects of bread |
| Ноннинг мағзи нуқсонлари | Дефекты мякиши хлеба | Defects of bread crumbs |
| Таъм ва ҳиднинг нуқсонлари | Дефекты вкуса и запаха | Defects of taste and smell |
| Қайтарилган чиқитлар | Возвратные отходы | Recyclable waste |
| Уннинг сифати пастлиги туфайли юзага келган ноннинг нуқсонлар | Дефекты хлеба по причине низкого качества муки | Defects of bread due to poor quality of flour |
| Моғорлаш касаллиги | Плесневение | Flesification |
| Ноннинг бўр касаллиги | Меловая болезнь | Cretaceous disease |
| Нонда қизил доғ касаллиги | Болезнь хлеба красные пятна | Disease of bread red spots |
| Ноннинг картофел касаллиги | Картофельная болезнь хлеба | Potato Bread Disease |
| Ўзбек миллий нон маҳсулотлари | Узбекские национальные хлебные изделия | Uzbek national bread products |
| Парҳезбоп ва турли касалликларни даволаш учун мўлжалланган нон маҳсулотлари | Хлебобулочные изделия диетические и профилактические | Dietary and preventive bakery products |
| Булка маҳсулотлари | Булочные изделия | Bakery products |
| Ширмой нон булка маҳсулотлари | Сдобные хлебобулочные изделия | Bakery products |
| Тешиккулча маҳсулотлари | Сушки и баранки | Drying and steering wheel |
| Оддий қоқнонлар | Сухари | Ruskary |
| Ширмой қоқнонлар | Сдобные сухари | Sweet biscuits |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Frank D. Gunstone, John L. Harwood, Albert J. Dijkstra. The lipid handbook - Boca Raton: CRC Press Taylor & Francis Group, 2007. -791 p.
2. Qodirov Y., Ravshanov D. Ruzibayev A. O'simlik moylari ishlab chiqarish texnologiyasi. -T.: "Cho'lpon". 2014. -320 b
3. Forster Harper. Physical refining. // Amer. Oil. Chem. Soc. – 1983. v. 60 – № 2. – P. 265...271.
4. Bhattacharyya D.K., Chakraborty A.R., Sengupta R. Enzimatic deacidification of vegetable oils. //Pett. wiss. technol. 1995. №1. p. 27-30.
5. Patent USA, 5532163, Process refining of fats and oils. Tokashi J.L., Jagi D.R. (JP).//Journal amer. oil.chem.soc. -1988. –v.65. -№4.-p.512.
6. Ильясов А.Т. Совершенствование технологии переработки хлопковых семян и рафинации масла. диссерт. на соиск. уч. ст. докт. техн. наук. Ташкент, 1996, - с. 350.
7. Ураков Р.М. Технология получения качественного хлопкового масла и шрота. Диссерт. на соиск. уч. ст. канд. техн. наук. Ташкент, 1997.
8. А.с. 1652331, МКИ C11 1/10. Способ рафинации масел и жиров. /Арутюнян Н.С., Казарян Р.В., Корнена Е.П. и др. –Опубл. Б.И. –1991, №20.
9. Тагиева Т.Г., Григорьева В.Н., Тарасова Л.И. Принципы составления жировых основ спредов // Масложировая пром-ть. – М., 2007.- №1. -C.6-9.
10. Стеценко А.В., Тагиева Т.Г., Тарасова Л.И., Лисицын А.Н. О растительно-жировых спредах // Масложировая пром.–М.,2006.-№1.-C.29-30.
11. Belkacemi K, Hamoudi S. Low trans and saturated vegetable oil hydrogenation over nanostructured Pd/silica catalysts: process parameters and mass-transfer features effects. // Ind. and Eng. Chem. Res. 2009. -№3. -P.1081-1089
12. Chen Lingxia, Zhao Lin, Liu Shou-Chang. Zhengzhou gong cheng xueyuan xuebao // J. Zhengzhou Inst. Technol. 2004. -№4. -P. 24-27

13. Патент РФ №2260037. Способ получения саломасов жидкофазным гидрированием растительных масел в присутствии палладиевого катализатора / Украинцев В.Б. и др. // Опубл. 10.09.2005
14. Кадиров Ю., Ахунжанова У.Т. О гидрировании рапсового масла и его смеси с хлопковым на медно-никелевом катализаторе // Узб.хим.журн. – Ташкент, 1989. №3. -C.51-54
15. Ronald S. Jackson. Wine Science, Fourth Edition: Principles and Applications (Food Science and Technology) 4th Edition Academic Press; 4 edition USA. (July 7, 2014). 978 pages.
16. “Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари”, Дарслик, проф.Туробжонов С.М. таҳрири остида, Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 460 бет.
17. Ауэрман Т.Л. Основы биохимии: учеб. пособие / Т.Л. Ауэрман, Т.Г. Генералова, Г.М. Сусянок. – М.:НИЦ ИНФРА-М, 2013.
18. Ауэрман Л.Я. Технология хлебопекарного производства: Учебник 9-е изд:перераб. и доп. Общ.ред Л.И.Пучковой – СПб: Профессия, 2005- 416с.
19. Ayxodjayeva N.K., Djaxongirova G.Z. Non mahsulotlari ishlab chiqarish texnologiyasi. O'quv qo'llanma – Toshkent: Noshir, 2013 -304 bet.
20. Kadirov Yu., Ruzibayev A. Yog'larni qayta ishlash texnologiyasi. -T.: “Fan va Texnologiya”. 2014. -320 b.
21. Р.М.Tursunxodjaev., Аyxodjaeva N.K., “Un va yorma texnologiyasi” – “Fan va texnologiya” Darslik 2012 й. 257 б.
22. Чеботарев О.Н., Шаззо А.Ю., Мартыненко Я.Ф. Технология муки, крупы и комбикормов. -Москва: ИКЦ «МарТ», Ростов-н/Д: Издательский центр «МарТ», 2014. -688 с.
23. Wolf Hamm, Richard J. Hamilton, Gijs Calliauw. Edible Oil Processing, 2nd Edition. - USA, Wiley-Blackwell. 2013, 342 pages.

24. Зайцева Л.В., Нечаев А. П. “Жиры и масла: современные подходы к модернизации традиционных технологий”. Учебное пособие. –М.: Де Ли плюс, - 2013. – 152 с.
25. NIIR Board. Modern Technology Of Oils, Fats & Its Derivatives (2nd Revised Edition) Publisher: Asia Pacific Business Press Inc. India, 2013 576 pages
26. P. Ilxamdjyanov, Q. P. Serkayev, A.B. Yo'lchiev “Yog’-moy mahsulotlarini ishlab chiqarish jihozlari va uskunalar” O’quv qo’llanma. Toshkent “Noshir” 2013. 320 b.

INTERNET RESURSLARI

27. Htt//www.tan.com.ua
28. htt//www.cimbria.com
29. www.all.biz
30. www. twirpx.com
31. http://www.oil.jasko.ru/r2.html

VIII. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ

РЕЦЕНЗИЯ

на учебную программу и учебно-методический комплекс по предмету
«Иновационные технологии и научные основы производства стратегически
важных пищевых продуктов»
авторов А.Т. Рузибаева и Г.З. Джахангировой

Данная рецензируемая учебная программа и учебно-методический комплекс авторы разработали в рамках курса «Иновационные технологии и научные основы производства стратегически важных пищевых продуктов» для слушателей Центра сети повышения квалификации и переподготовки кадров при Ташкентском химико-технологическом институте, которые обучаются по специальности «Технология пищевых продуктов».

У учебно-методического комплекса удобная и правильная структура, состоящая из введения, рабочей программы по предмету, интерактивные методы при обучении модулей, теоретический материал, материалы для практических занятий, банк кейсов, материалы для самостоятельной работы, гlosсари, приложений и списка использованных источников.

Считаю, что при помощи учебно-методического комплекса по предмету «Иновационные технологии и научные основы производства стратегически важных пищевых продуктов», слушатели увидят в общих чертах, какие инновационные технологии в пищевой промышленности используется, укрепят базовые знания по предмету.

Данный учебно-методический комплекс – ресурсное средство и оно может быть использовано в дальнейшем педагогом слушателем в преподавании своего предмета, которые посчитают, что надо внести нововведения или незначительные изменения в свой курс лекций и практических занятий.

Преподаватели А.Т. Рузибаев и Г.З. Джахангирова представили в методической разработке результаты, благодаря которым при систематическом выполнении занятий меняется мировоззрение слушателей на инновационные технологии пищевой промышленности.

Цель учебно-методического комплекса: достичь определённые педагогические приемы и навыки при помощи дополнительных небольших лекций, дискуссий, упражнений, видеороликов и др. Все перечисленные дополнительные занятия позволяют слушателю создать трудовую деятельность более профессиональной и эффективной.

По мнению специалистов, данный учебно-методический комплекс содержательное, последовательное и прекрасно наполненное руководство,

которое могут использовать слушатели центра, преподаватели и учащиеся пищевых специальностей в практической деятельности.

Пособие написано доступно и понятно. Авторы А.Т. Рузибаев и Г.З. Джахангирова предлагают свою интерпретацию практических навыков в области инноваций в технологии производства пищевых продуктов.

Наше мнение такое, что рецензируемый учебно-методический комплекс станет интересным для слушателей, а также для преподавателей ВУЗов по пищевой технологии, которым нужно повысить квалификацию в данной области.

Недостатков в учебно-методическом комплексе практически не выявлено.

В заключение можно утверждать, что учебно-методический комплекс можно размножить, чтобы им пользовались не только слушатели Центра сети повышения квалификации и переподготовки кадров при Ташкентском химико-технологическом институте, но и студенты.

Рецензент: Бектурганова Алмира Ануарбековна к.т.н., ассоц.профессор кафедры «Технология и стандартизация», АО «Казахский университет технологии и бизнеса»

Дата: « 17 » 02 2021г.

Подпись: ал

